



Обиджон КАРИМОВ,
Тозагул МАТЕҚУБОВА

Олимнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти

Академик, филология фанлари доктори бахшиёр Назаров портретини чизилар

Обиджон КАРИМОВ, Тозагул МАТЁҚУБОВА.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОЛИМНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА МАЊНАВИЙ САЛОҲИЯТИ

**Ўзбекистон фанлар академиясининг академиги,
филология фанлари доктори, профессор
Бахтиёр Аминович Назаров
ижодий портретига чизгилар**



НАМАНГАН-2017

УЎК: 821-512-133-9

КБК: 84(5Ўзб)7

К-8

О.Каримов, Т.Матёқубова Олимниниг интелектуал ва маънавий салоҳияти. Рисола. “Наманган” нашриёти, 2017.

Ушбу рисоладан устоз адабиёт назариётчиси ва методолог олим – Ўзбекистон фанлар академиясининг академиги, филология фанлари доктори, профессор Бахтиёр Аминович Назаров ижодий портретига хос айрим чизгилар ўрин олган.

Рисола адабиётшунослар, катта илмий ходим-изланувчилар, олий ўкув юртларининг бакалавриат ва магистратура босқичи талабалари, шунингдек, адабиётшунослик ва адабий танқидчилик ихлосмандларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

МУҲАЙЁХОН ҲАМИДОВА

Наманган давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди

Тақризчилар:

ДИЛМУРОД ҚУРОНОВ

Андижон давлат университети профессори,
филология фанлари доктори

ИСЛОМЖОН ЁҚУБОВ

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети доценти,
филология фанлари номзоди

Рисола Наманган давлат университети услубий Кенгаши
мажлисида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

ISBN: 978-9943-4836-1-3

© “Наманган” нашриёти, 2017

© Обиджон КАРИМОВ, Тозагул МАТЕҚУБОВА.

КИРИШ

Мустақиллик йилларида ёзувчиларнинг машакқатли ижодий меҳнатини түғри ва адолатли баҳолаш борасида давлат сиёсати миқёсида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни бутун дунё ҳамжамияти ҳакли эътироф этмоқда. Зотан, истиқлол йилларида ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори том маънода янгиланиш ва юксалиш жараёнларини бошидан кечираётган миллый адабиётимиз ва санъатимизга бўлган эътибор мислсиз даржада ортди.

Республикамиз биринчи Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилган миллый тараккىётнинг “ўзбек модели” асосида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга кент жорий этилган ислохотларнинг марказида маънавият масаласи турди. Бемалол айтиш лозимки, мустақиллик йилларида маънавиятга энг муҳим ва устувор йўналиш сифатида катта аҳамият бериб келинмоқда. Бундай кўламли ислохотлар миллый адабиёт ва санъат ривожида ҳал қилувчи аҳамият касб этди. “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Адабиётга эътибор –маънавиятга, келажакка эътибор”, “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йулида хизмат қилиш – энг олий саодатdir” рисолаларида илгари сурилган ва жонли ҳаётимизга жорий қилинган фикр-карашлар бунинг исботидир.

Таъқидлаш ўринлики, мустақиллик даврининг шиддат билан янгиланаётган талаб ва эҳтиёжлари глобаллашув ва интенсивлашув жараёнига монанд тарзда замонавий адабиётшунослик ҳамда адабий танқидчилик олдига кескин ва долзарб муаммоларни қўйди. Жумладан, бугунги адабиётшунос ва мунакқид қалам ахлининг давримиз солномасини яратишдаги ўрни, адабий жараёнда кечётган тозаришлар атрофида йиғилиб колган муаммолар, ижодкор шахсияти, маънавий интизомига хос изчиллик масалаларини ҳамиша эътиборда тутмоғи лозим. Айни масаланинг мураккаб жиҳати шундаки, эндиликда яқин ўтмиш адабиётида кузатилганидек, ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлокий мавзулар кўлами кенгайиши умуман ижобий ҳодиса бўлгани ҳолда, қуруқ муаммо кўтариш бадиий асар поэтикаси учун ягона хусусият саналмайдиган бўлди. Зотан, истиқлолимиз берган плюралистик тафаккур имконлари орқали у ёхуд бу бадиий асар муаллифи миллый ва умуминсоний моҳиятда ҳис қилган ҳақиқатларни инсон қисмати орқали ифода эта олсагина, китобхон тафаккурини

поклаши, унинг руҳиятини ингичкалаштиришга эриша олиши англаб етилди.

Ваҳоланки, шўро даврида яратилган замонавий мавзудаги битикларнинг аксариятида ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ҳаётда демократик нормаларнинг бузилиши ўша тузумнинг “айрим номукаммал кирралари”ни кўрсатиш тарзидагина баҳоланиб келинган эди. Эндиликда замондош адабиётшунос ва мунаққидлар янгича йўсинда ёзилган поэтик асарларни юқоридаги каби адабий-эстетик муаммолар негизида чукур ўрганишга киришиши. Шундай фидойи олимлардан бири устоз адабиёт назариётчиси ва методолог олим – Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, филология фанлари доктори, профессор Бахтиёр Аминович Назаровдир.

Таъкидлаш ўринлики, мунаққид инсон омили куч-қудратига чамбарчас боғлиқ бўлган ижтимоий жараёнлар зоҳирий ҳамда ботиний асосларини иқтисодий-сиёсий ва маънавий тараккиётдан буткул ташқарида изоҳламайди. Зотан, ҳар қандай ўзгариш фикр ва кайфиятдан ибтидоланади. Воеа-ҳодисалар ривожида узлуксизлик мавжуд экан, ижтимоий жараёнлар муайян омил ва манбаларга нисбатан сабабу оқибат сифатида намоён бўлади.

Демак, Б.А.Назаров давримизнинг ижодкор инсон фикру кайфиятига таъсирини узлуксизликда олиб караши, аслида унинг миллий ва минтақавий аҳамиятини умуминсоний, умумбашарий қадриятлар билан чамбарчас алоқадорликда илмий-назарий тадқик этишга интилишининг самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳакли равишда таъкидлаганлариdek, “Бизнинг энг катта бойлигимиз – бу ҳалкимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир”.¹ Юртбошимизнинг Ўзбекистон ФА академиклари ва университет ректорлари билан ўтказган самимий мулокотлари ҷоғида ҳам илм-фанимиз тараккиётига катта улуш кўшган олимларимизга хурмат ва эҳтиромли муносабатда бўлиш ҳаётий зарурат, ворисийликни таъминловчи бош омил экани алоҳида таъкидланди. Бинобарин, ушбу рисоланинг юзага келиши ҳам илм-фан заҳматкашларидан бирининг ижодий портретига хос айрим чизгиларни кўрсатиш йўлдаги кичик бир уринишдир.

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркит ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалкимиз билан бирга қурамиз. / Ҳалқ сўзи 2016 йил 16 декабрь.

Таникли олим, йирик фан ташкилотчиси

Илм-фан аксарият соҳаларида бўлганидек, адабиётшуносликда ҳам ҳар бир етук олимнинг ўз ўрни, ўз текшириш йўсини, муаммолар меҳварига ёндашиш, муносабат билдириш усули мавжуд. Ўзлари мансуб фан соҳаси ривожига улкан хисса кўшган ва кўшаётган бу типдаги йирик олимлар ўз кузатувчанлиги, синчковлиги, мушоҳада ва тахайюл кудратига хос фавқулоддалик туфайли у ёки бу мавзуларда тадқикотлар олиб бориш билан бирга, фандаги мавжуд холатни умумлаштириш ва уни янги марраларга йўналтириш ишларига ҳам сезиларли улуш кўшадилар. Академик Бахтиёр Назаров ҳам миллий адабиётшунослик ва танқидчилик илмининг ана шундай олимлардан биридир.

Дарҳакикат, Б.А.Назаровнинг тадқикотчи олим сифатидаги фикрий камрови, ҳиссий-эстетик диапазони ғоятда кенг. У адабий танқид ва унинг тарихи, адабиёт назарияси ва адабий алокалар, қиёсий адабиётшунослик ва таржима назарияси, хусусан, шўро даври адабиётини қайта баҳолаш масалалари билан бирдек шуғулланиб келаётган, юксак эрудицияли устоз олимдир. Адабиётшунос ўз ечимини кутаётган қайси муаммога қўл урмасин, аввало, бирламчи манбалар, адабий-бадиий, фалсафий-эстетик, ғоявий-сиёсий, ахлоқий-маърифий матнлар асосида унинг назарий жиҳатларини ёритишга алоҳида эътибор беради.

Бизнингча, олимнинг айникса, кейинги йиллардаги бутун борлиғи, феноменал кредитосида ёркин бўй кўрсатган бундай илмий-назарий асос унинг матбуотда илк бор эълон килинган биринчи мақоласи – “Бадиий адабиётда пейзаж” (1967) даёқ ўзига хос бир тарзда ниш урган бўлса, ажаб эмас. Чиндан ҳам, ўша кезда ёш тадқикотчи эстетик нигоҳи ҳикояда пейзажнинг асар қаҳрамони характерини очишда муҳим восита эканига каратилди. Бу ҳол мантикий тадрижи давомида ривож топиб, кейинчалик Б.Назаровнинг балоғат ёшида яратилган “Ўзбек ҳикоячилигининг жанр хусусиятлари” (1991) тадқикотига асос бўлди.

Адабиётшунос илмий фаолиятида XX асрда ўзбек адабий-бадиий танқидининг шаклланиши, турли даврлардаги ривожланиш боскичлари, илмий-назарий асослари, тарихи ҳамда унинг йирик вакиллари ижодини ўрганиш, таҳлил ва танқид муаммолари асосий ўрин тутади. Жумладан, у аспирантлик давридаёқ (1969 – 1971) улуғ ёзувчи, файласуф шоир, зукко тадқикотчи академик

Ойбекнинг адабий-танқидий қарашларини ўрганишга астайдил бел боғлаган эди. Айтиш мумкинки, мазкур илмий йўналиш унинг фаолиятида кейинчалик ҳам изчил давом этиб келмоқда.

Адабиётшунос олимнинг бу соҳадаги илмий текширишлари, умумлашма ва хулосалари унинг “Олим маданияти” (1977), “Ўзбек адабий танқидчилиги” (1979), “Бу сеҳрли дунё” (1980), “Ўзбек адабий танқиди” икки жилдигидаги айрим қисмлар (1987 – 1988), да ривожлантирилди. Айниқса, мустақиллик йиллари маҳсулни бўлган “Faфур Fулом олами” (2004), ҳаммуаллифликда яратилган “Ўзбек адабий танқиди тарихи” (2012) каби монография, дарслик ва рисолаларини кузатиш фикримизни далиллайди. Б.А.Назаров Абдурауф Фитрат, Иzzат Султон, Ҳомил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Матёкуб Қўшжонов, Салоҳиддин Мамажонов, Зоя Кедрина, Эрик Каримов, Наим Каримов сингари атоқли назариётчилар, адабиётшунос ва мунаққидлар тўғрисидаги портрет-мақолалари ва бошқа ўнлаб тадқиқотларида ҳам ўзининг профессионал маҳорати, олимлик салоҳияти, иктидор ва талантини, методолог ва назариётчи, муаллим ва олим сифатидаги қиёфасини ёрқин намоён эта олди.

У ўз шогирдлари, хусусан Б.Каримов, И.Ёқубовлар билан ҳамкор-ҳамнафасликда, катағонлик даврида ноҳақ айбланган, табаррук номлари адабиётимиз ва маданиятимиз тарихидан ўчириб ташланган Вадуд Махмуд, Отажон Ҳошим каби адабий сиймолар: адабиётшунос ва мунаққидлар, фан ташкилотчилари шахсияти ҳамда бебаҳо меросларини қайта тиклаш, ҳалққа қайтариш, тарихий адолатни барқарор қилиш ишига ҳам баракали хисса кўшди. Шогирдлари: Қ.Қаҳрамонов, М.Жовбўриев, К.Ташанов, М.Бобораҳимов, И.Курбонбоев, Г. Сатторова, О.Каримов, З.Мирзаева, М.Ҳамидова, О.Дуйсинбоев, Г.Авезоваларни жадид адабиётининг хорижда ўрганилиши, болалар адабиёти муаммолари, адабий жараён тенденциялари, методология масалалари, жанр, услугуб, бадиий таржима ва бошқа ўнлаб масалаларни теран ўрганишга йўналтириди.

Умуман, муболагасиз тарзда айтиш мумкинки, бугунги кунда Баҳтиёр Назаров илмий қиёфасида ўзбек адабий танқидчилигининг шаклланиши ва тарихий тараққиётини жиддий равишда ўрганишни бошлаб берган, кенг кўламли тадқиқотлари билан шу йўналишнинг асосчисига айланган йирик олим, адабий-эстетик мактаби ва уни

изчил ривожлантириш йўлига чиқаётган кўплаб шогирдларига эга бағрикенг инсонни кўрамиз.

Шубҳасиз, Б.А.Назаровнинг илм-фанга кўшган хиссаси, унинг хар бир эзгу ишлари, амалга оширган илмий тадкиқоти ҳакида атрофлича фикрлашиш мумкин. Бироқ, Б.Назаровни яқиндан билган, узоқ йиллар ҳамдам, ҳамнафас ишлаган олимлардан бири – филология фанлари доктори, профессор Т.М.Мирзаев унинг олим, мураббий ва йирик фан ташкилотчиси сифатидаги айрим кирралари ҳакида тўхталиб, алоҳида эътироф этган айрим жиҳатларни кузатиш бизнинг тасаввурларимизни янада кенгайтириши билан алоҳида эътиборга лойикдир. Улар қуидаги фазилат-сифатлардан иборат:

1. Бахтиёр Назаровнинг бутун илмий фаолияти Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида узлуксиз равишда кечган ва бутун ҳам муваффакиятли давом этаётмоқда. Олим шу масканда илмий котиб, катта ва кичик илмий ходим, институт директори лавозимларида муваффакиятли фаолият кўрсатган. Сўнгти йигирма йил давомида “Адабий алоқалар ва адабиёт назарияси” бўлимини бошқариб келмоқда.

2. У юкори лавозимларда ишлаган йилларда ҳам, ўз кадрдон институти билан алоқасини бир зум бўлса-да узмаган. “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг бош мухаррири, Ихтисослаштирилган илмий кенгашларнинг раиси, раис ўринбосари ва аъзоси сифатида институтнинг илмий-ташкилий ишларида фаол иштирок этган.

3. Б.А.Назаров такрорланмас илмий-ташкилотчилик фаолияти институтта директорлик килган йиллари (1986 – 1990) да ёрқин намоён бўлган. Ўша йилларда у асосий диққатини институтнинг илмий салоҳиятини сифат жиҳатдан янада юксалтиришга қаратган. Олимнинг бош раҳбар сифатидаги қатъий назорати, жиддий равишда қўллаб-куватлаши натижасида институтда ишлаётган ходимлар сафидан Т.Мирзаев, К.Имомов, Б.Саримсоков, Н.Раҳимжонов, Э.Бегматов, Р.Дониёров, Қ.Муҳаммаджонов, Б.Бафоев, Э.Умаров каби фан номзодлари бирин-кетин докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишга эришган. Яъни қиска бир муддатда биргина жамоадан ўнга яқин илмий ходимнинг докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиши ўша давр учун жуда юкори кўрсаткич бўлган. Бу – институтда яратилган мўътадил илмий мухитнинг, хусусан, директорнинг юкори даражадаги илмий-

ташкилотчилик, ҳар бир ходимга эътибор билан караб, уларни кўллаб-кувватловчилик фаолиятининг ёрқин самарааси бўлган.

4. Т.Мирзаев ҳақли эътироф этганидай, ҳар қандай фан, хусусан, тилшунослик ва адабиётшуносликнинг барча тармоклари, адабий алоқалар ҳамда таржимашунослик ривожи ҳам, ушбу тармокларда ёшларнинг қайдаражада фаол иштироки, илмда ворисийликни таъминлашига боғлиkdir. Буни ҳаммадан кўра яхши хис этган Баҳтиёр Назаров аспирант ва ёш илмий ходимлар билан ишлашни сифат жиҳатидан юкори даражада йўлга қўйган. Аввало ўзи бир катор тадқиқотчиларга илмий раҳбарлик килиш билан бирга, бошқа олимлардан ҳам устоз-шогирдлик анъанасини тўғри йўлга қўйиш, иктидор ва салоҳиятта эга ёшларга ғамхўрлик қилишни талаб килган. Илмий раҳбар ва маслаҳатчиларнинг бу борадаги хисботларини тез-тез, эшлитиб, амалий -йўриқ кўрсатиб туришда мунтазамликни амалиётга жорий этган. Айни пайтда, ёш илмий ходимларни ижодий таътилларга чиқариш, уларнинг нуфузли хорижий кутубхоналар, илмий марказларда изланишлар олиб бориши учун кулай шарт-шароитлар яратб берган. Бугунги кунда институтнинг бир катор бўлимларига муваффакиятли равишда раҳбарлик килаётган Иброҳим Ҳаққул, Маматкул Жўраев каби олимлар ўша йилларда таълимнинг докторантураси босқичини ўташга жалб қилинган.

5. Якин тарихимизда “кайта куриш” деб номланган алгов-далғовли йилларда Б.А.Назаров институтга раҳбарлик қилар экан, ўша ғоятда мураккаб бир шароитда ўзининг юксак профессионал ташкилотчи раҳбар эканлигини намойиш эта олган. Илм-фан ривожи ва миллый манфаатлар учун қатъийлик, дадиллик, ҳатто мардлик ва миллый жасорат кўрсата олган. Жумладан, улуг адиллар Чўлпон ва Фитрат адабий меросларини ўрганиш бўйича маҳсус ҳайъат тузиб, бутун масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда, катта жасорат сохиби сифатида, унинг хulosаларини ўзи бош мухаррир бўлган “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 1988 йил 2-сонида эълон қилишга эришган.

6. Ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласи муҳокама қилинаётган кезларда ҳам бундай жасорат намуналари ёрқин намоён бўлган.

Бизнингча, профессор Т.Мирзаевнинг юқоридаги хulosалари Б.А.Назаровнинг ҳам миллый ғурури баланд, фидойи олим, ҳам фан ташкилотчиси, ҳам меҳрибон мураббий, сифатидаги маънавий ва

инсоний киёфаси ҳақида муайян тасаввурлар тұғдириш учун етарли асос вазифасини ўташга қодирдир.



Академик Б.А.Назаров ижод огушида.

Дарҳақыкат, барча сохалар каби, илм фан ҳам ҳамиша ўзининг фидойи инсонларига эхтиёж сезади. Даврнинг ўзи, миллат дахоси ичидан бундай жасур ва фидойи фарзандларни саралаб олади. Шубҳасиз, бундай одамларнинг юлдузи юлдузига түғри келган, улар бир маънавий-рухий орбитада яшаган дамлар бирқадар кам учрайди. Шу маънода, Б.Назаровнинг Наим Каримов сингари устозлари, Нўймон Раҳимжонов каби тенгқурлари, Сувон Мелига ўхшаган издошлари ҳақида билдирган илиқ фикрлари ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Жумладан, Баҳтиёр Назаров ўз издошларидан бири хусусида сўз юритаркан: Сувон Мели кўпинчча бошқалар эътиборига тушмаган ёки эътибор бермаган масалаларни кўтариб чиқишга ва ўз карашларини ўтказишга интилади. Баъзилар унга кўшилмас, яна кимлардир унинг қарашларида зўрма-зўракиликни

кўриб, инкор этар. Сувон Мели бундан чўчимайди. Ўз қарашларини дадил ўртага ташлайди, энг асосийси, улар адабиётшунослигимизда янги фикрлар, мустақил қарашлар тарзида бўй кўрсатади ва сизни мушоҳадага чорлайди.¹ –деб ёзди.

Бу ўринда адабий танқидчилик тўла даражада ўрганилган эмас, деганда шуни назарда тутмоқдамизки, танқидчилик фаолияти узлуксиз давом этадиган жараён. Шу маънода, танқидчилар фаолиятига қаратиладиган нигоҳ ҳам узлуксиз давом этиши лозим. Қолаверса, ўзбек адабиётшунослигига долзарб муаммоларнинг ечими бу адабий танқид ва танқидчилар фаолиятини ҳар томонлама чукур, батафсил ўрганишдан иборатdir.

Биринчи Президентимиз таъкидлаганлариdek, заводда ишлаб чиқарилган буюм- соат ёки машина сифатига баҳо бериш мумкин. Ижод маҳсулига шундай баҳо бериб бўладими?! Қолаверса, ҳассос мунаққид талқинидаги бадий асар, бадий сўз ўзининг янги-янги жамолини, сехрини, қудратини очади. Агар бу хусусиятлар йўқ бўлса, ёки етишмаса, бунинг сабаблари очилади, танқидчи фикрлари, мулоҳазалари, барибир сизни маълум даражада маънан бойиттади. Бунинг асосий сабаби синчи мунаққид айтаётган мулоҳазалар факат идрок маҳсулигина бўлиб қолмай, эврилган туйғуларнинг намоён бўлиши туфайлидир. Гўзал мусика бағридаги сўз янада гўзаллашгани каби, мохир танқидчи назаридаги асар ҳам янги-янги товланишларга учрайди.² Демак, адабиётшунослик соҳасида адабий танқиднинг ўрни бекиёс. Хулоса шуки, адабий жараёнга, шоир ва адиблар фаолиятига баҳо беришда ўта нозиклик ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак.³ Бу борада, албатта, адабиётшунос ва танқидчилар фаолиятини ўрганиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Танқидчилар орасида ўзининг жонкуярлиги билан алоҳида ажralиб турувчи Бахтиёр Назаровнинг мунаққидлик фаолияти ҳам эътибор ва эътирофга молик. Ҳар бир мунаққид қаламини такризда “қайраши” маълум. Бахтиёр Назаров ҳам дастлаб такриз жанрида ижод қилиб ёш ижодкорларни катта ижодга йўллаган бўлса, тажрибали шоир ва ёзувчиларга муносиб баҳо бера олди. У нафақат, бадий ижод соҳиблари, балки

¹ Назаров Б. Сўздан жозиба излаган олим // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011.- № 6.- В.134.

² Назаров Б. Сўздан жозиба излаган олим // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011.- № 6.- Б.132.

³ Каримов И.А. Адабиётта ўзтибор - маънавиятга, келажакка эътибор.-Тошкент: Ўзбекистон, 2009.- Б.21-22.

адабиётшунос ва танқидчилар фаолиятини ҳам кузатиб боради, ўз мулоҳазаларини билдиради.

Шу нарсани таъкидлаш лозимки, Бахтиёр Назаровнинг Ўзбекистонда адабий-танқидий тафаккур тараққиёти масалаларига бағишиланган тадқикотлари босилиб чикқандан кейин республикамизнинг 17 дан ортиқ олий ўқув юртлари ва малака ошириш институтларида адабий танқид бўйича маҳсус курслар ташкил этилди. Филология факултетларида адабий танқиднинг маҳсус фан сифатида ўқитилишида, алоҳида курслар очилишида, шубҳасиз, Бахтиёр Назаров тадқикотларининг ўрни ва аҳамияти катта. Олимнинг ижодий фаолиятини ўрганиш асносида бу фикрларга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.



Академик Б.А.Назаров
машақкатли меҳнатдан сўнг

Олимнинг ҳаёт ва ижод йўли

Бахтиёр Назаров 1945 йилнинг 17 сентябрида Тошкент шаҳрида туғилди. У ёшлигидан бадиий адабиёт, бадиий ижод асрори билан қизикди. Тошкентдаги 12-ўрта мактабни тутаттандан кейин, бу йўсиндаги тасаввур ва тушунчаларини кенгайтириш иштиёқида Тошкент давлат университети (хозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факултетида таҳсилни давом эттирди. 1961-1966 йилларда Ғулом Каримов, Аюб Ғуломов, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Умарали Норматов сингари тил-адабиёт закийларидан сабоқ олди. Юқорида номлари зикр этиб ўтилган устозлар Бахтиёр Назаров кўнглидаги нафосатга бўлган меҳр-муҳаббатни янада юксалтириш, унинг иктидор ва салоҳиятини тўғри йўналтириш, талантинит тарбиялашга баракали ҳисса кўшишди. Айтиш мумкинки, айни фазилат-сифатларнинг чукур илдиз отиб палак ёзишида раҳнамолик кўрсатдилар.

Ёш талаба, бўлғуси олимга тұғма табиатидаги истеъдодга монанд ҳавас қилгулик адабий мухит, устозлар ва ижодий давра насиб этди. Талабалик йилларидаёқ унинг сабоқдошлари: Рауф Парфи, Зохир Аълам, Сафар Барноев, Турсуной Содикова, Ортиқ Абдуллаев, Нўймон Раҳимжонов - у билан нафақат дўстлашдилар, шу билан бирга, кўпинча, ҳамфир, ҳамнафас, эътиқоддош авлоднинг вакилларига ҳам айланишди. Мазкур адабий мухит унда бадиий адабиёт, тасвирий ва амалий санъат, мусика ва кино санъати асарлари замиридаги маъноларни чақиш, моҳиятини укиш, коса тагида нимкоса тарзида айтилган яширин мазмунни нозик идрок этиш малакасини шакллантириди.

Университетда таҳсил олган йилларида Бахтиёр Назаров поэтик ижодга, хусусан, шеър ва ҳикоялар машқига, бадиий таржималарга майл ва рағбат кўрсатди. Ўнлаб шеърлари ва ҳикоялари, новеллалари қардош ва хорижий мамлакат шоирларининг шеърларидан ўзбек тилига ўтирган таржималари турли газета ва журналларда босилиб чиқди. Тенгдошларининг оғзига тушди, устозлар эътиборини тортди, адабий-илмий жамоатчиликда муайян қизиқиш уйғотди.

Бадиий ижод сирлари, адабий асар сехр-у таровати, адабиёт илми инжа ўзига хосликларини ўзлаштиришида ўша йиллари ёшларининг сұхбатлари, баҳс-мунозаралари марказида бўлган: “Гегель эстетикаси ва Тарих фалсафаси” асари, ўтган асрнинг 60-

йиллари бошларида “нисбий иликлик” даври эпкинлари туфайли талабалар орасида қўлма-қўл ўқила бошлагани Чўлпон ва Фитрат шеърлари, хикоя ва драмалари, Шеллингнинг “Санъат фалсафаси” асари, Нозим Ҳикмат, Франс Кафка, Зигмунд Фрейд битиклари, Чингиз Айтматовнинг “Қалдиргоч” киссаси мухим роль ўйнади. Тенкурларининг эсласича, у давраларда тўлиб-тошиб, куйиб пишиб гапирав, самимий, табиий, беғараз фикр алмашувларда ўзини руҳан енгил сезарди.

Бахтиёр Назаров кўнглида ўша пайтлардаёқ Чўлпон эстетик карашлари, Фитрат адабий-танкидий олами хусусида тадқиқот яратиш фикри ниш урган, куртак очган эди. Лекин ана шу 60-йиллар бошида ҳам “Миллатчи шоир”, “Миллатчи адиб” тамғаси ёпиштирилган, мафкуралашган адабий жараёнда, сиёсийлашган адабиёт илмида Чўлпон ва Фитрат ижодини ўрганиш катта адабий-сиёсий хато хисобланарди.

Адабиётшунос олимлар ўша йиллари Э.А.Каримов ўз тадқиқотларида Чўлпон ва Фитрат номларини тилга олгани, миллий уйғониш даври ижодкорлари меросига фаол мурожаат килгани учун не-не маломат тошлари залворини кўтаришга мажбур бўлганини яхши эслашади. Эҳтимол, Фитрат, Чўлпон ва Абдулла Кодирийни “ашаддий миллатчи”, “халқ душмани” деб палаҳмон тошларини ёғдириб келганлар ҳам, бугунги кунда бир думалаб чўлпоншуносга, фитратшуносга айланиб қолган бир паллада, бу ҳол ҳийла кулгили туюлиши мумкин.

Умуман, Бахтиёр Назаров ва у мансуб бўлган авлоднинг талабалик йиллари сиртдан сокин кўринса-да, аслида нишаби чукур, туби талотум дарё мисоли пўртана вор, шиддаткор кечган эди. Олимнинг фикрдош курсдошлари бадиий диди ва эстетик савияси жўшқин, таҳликали ижодий мухитда шаклланди, кад ростлади.

Б.Назаров университетнинг филология факултетини тамомлагач, 1966 йилдан эътиборан, муайян муддат Юқори Чирчик туманида ўқитувчилик қилди. Сўнгра Ўзбек энциклопедияси таҳририятида илмий мухаррир бўлиб ишлади. 1969-1972 йилларда Ўз Р. ФА Алишер Навоий (собиқ А.С.Пушкин) номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олди. Бинобарин, унинг бутун фаолияти 1969 йилдан эътиборан, 47 йилдирки, шу қадрдан институт бағрида, унинг қайноқ ҳаётига ҳамоҳанг тарзда кечмокда.

Олим бу даргохда кичик илмий ходим, катта илмий ходим, илмий котиб, институт директори лавозимларида самарали фаолият кўрсатди. Ҳозирда эса, мазкур институтнинг “Адабий алоқалар ва Адабиёт назарияси” бўлими бошлиги лавозимида ишлаб келмокда. Тўгри, у маълум муддат Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси (1990-1992), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг биринчи ўринbosари (1992-1994), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти (2000-2001) каби ўта масъулиятли ва нуфузли лавозимларда ҳам фаолият кўрсатди. Аммо, ҳамиша кадрдан илм даргохидан кўнгил узмади, дўйстлари, шогирдлари билан ҳамдам, ҳамнафас яшади.

Мехнат ва ижодий изланиш фаолиятини оддий ўқитувчиликдан бошлаган ёш йигит келажакда бу қадар улкан муваффакиятларга эришишида тинимсиз интилиш ва изланиш ҳамда она тили адабиётта бўлган чексиз муҳаббат қанот бағишлаган дейиш мумкин. Бахтиёр Назаров қай бир мансаб ёки лавозимда бўлмасин, бир нафас ҳам адабий жараёндан узилиб қолмади, бир зум ҳам мамлакатимиз илмий ҳаётидаги долзарб масалалар ечимига бефарқ қарамади. Адабий жараённи муттасил кузатиб боришга астойдил ҳаракат килди.

Олимнинг бу йўналишдаги дастлабки изланишлари Рауф Парфи ижодига бағишлиланган эди. Дарҳакиқат, ўтган асрнинг 60-йиллари охирида Рауф Парфининг “Акс-садо” тўпламига ёзилган тақриз ҳамда “Сабр дарахти” тўплами ҳақидаги мулоҳазалари кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. 1972 йилда Ойбек адабий-танқидий карашлари тадқик этилган номзодлик, 1984 йилда ўзбек адабий танқиди методологияси муаммолари ўрганилган докторлик диссертацияларининг муваффакиятли ҳимоя килиниши, 1994 йилда профессор илмий унвонининг берилиши ҳамда 1989 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 2000 йилда ҳақиқий аъзоси этиб сайданиши Бахтиёр Назаровни чин маънода забардаст адабий танқидчи, академик олим сифатида эътироф этилгани, улуғ устоз адабиётшунослар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганидан далолат эди.

Устоз адабиётшунос ва мунаққиднинг илмий қизиқишлиари ҳозирги адабий жараён, XX аср ўзбек адабиёти тарихи, назарияси, адабий танқид масалаларига қаратилди. Унинг “Бу сеҳрли дунё”, “Ҳаётийлик – безавол мезон”, “Ўзбек танқидчилиги. Ғоявийлик. Метод. Қаҳрамон” сингари ўнлаб монография ва рисолалари,

танқид тарихига доир ишларида Махмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳхор эстетик карашлари бадиий ижод, адабий танқид ва адабий жараён билан чамбарчас алоқадорликда, қардош қозок, кирғиз, коракалпок, татар, озарбайжон адабиётлари билан киёсий ўрганилди.

Б.Назаров икки жилдлик “Ўзбек адабий танқиди тарихи”, уч жилдлик “Адабий турлар ва жанрлар” каби йирик, фундаментал тадқиқотлар, 20 жилдлик Ойбек “Мукаммал асарлар тўплами”ни тайёрлашда фаол иштирок этди. Мамлакатимиз илмий ҳётидаги долзарб масалалар ўз ечимини топишида, жасур шахс, фидойи инсон сифатидаги фазилатларини ёркин намоён эта олди. Жумладан, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш хусусида конун лойиҳасини тайёрлашда фаоллик қўрсатди, Фитрат ва Чўлпон ижодий меросини ҳалққа қайтариш юзасидан илмий жамоатчилик хулосасини тақдим этиш комиссиясига раҳбарлик килди.

Бахтиёр Назаров илмий ташкилий фаолиятини жамоатчилик ишлари билан қўшиб олиб борди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва Адабиёт институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университети қошидаги адабиётшунослик бўйича Ихтисослашган кенгаш раиси ва аъзоси; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги адабиётшунослик бўйича Республика илмий мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси; Шарқшунослар ассоциацияси Президиуми аъзоси; “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали бош мухаррири ва таҳририят аъзоси; “Советская туркология” журнали таҳрир ҳайъати аъзоси; Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунослик ва танқид кенгаши раиси сифатида турли йилларда ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ҳалол ва вижданан бажариб келди. Унинг илмий раҳбарлигига 6 нафар фан доктори ва 20 га якин фан номзодлари тайёрлангани ҳам, қизгин ижтимоий жараёндаги фидокорлик олимнинг илмий изланишлари, устоз-шогирдлик анъаналарига садоқатига раҳна солмаганини қўрсатади.

Мунаққид тажрибалари шаклланишида унинг ўзи томонидан маълум бир кисмлари ўзбек тилига ўгирилиб чоп этилган Л.Н.Толстой қаламига мансуб “Санъатнинг моҳияти тўғрисида” мақоласи, Н.Г.Чернишевскийнинг “Санъатнинг воқеликка эстетик муносабати” номли тадқиқоти, Г.Е.Лессингнинг “Лоокон ёхуд

тасвирий санъат ила шеъриятнинг ҳадлари ҳакида” асари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шубҳасиз, адабиётшунос бу ишлардан бадий ижоднинг назарий ва амалий муаммолари аро узвий боғланиш мавжудлиги билан боғлиқ сирларни аниклаш маҳоратини ўрганишга ҳаракат қилди.

Олим ижодида ўзбек адабий танқиди тарихи, унинг туғилиши ва шаклланиши, адабий-танқидий жараён, танқиднинг ўзига хос тараккиёт йўлини тадқиқ этиш етакчи ўринни эгаллади. Бахтиёр Назаров бу йўналишда “Ўзбек адабий танқидчилиги. Фоявийлик. Метод. Қаҳрамон” (1979), “Иккинчи жаҳон уруши даври ўзбек танқидчилиги” каби салмокли илмий тадқиқотларни яратди.

“Ўзбек адабий танқидчилиги. Фоявийлик. Метод. Қаҳрамон” монографик тадқиқотида шўро давридаги қарашлар, айрим назарий чекланишлар, муаммо ва бадий асарга мафкуравий ёндашувлар сезилиб туради. Лекин, соғлом дунёқараш асосидаги изланишларда ўзбек адабий танқидининг шаклланиши ва тараккиёти, фоявийлик, қаҳрамон, ижодий метод масалаларини ўрганиш назарий аспектида текширилади. Ўзбек адабий танқидининг ривожланиш йўллари, унинг муҳим муаммолари яхлит ва умумлашган ҳолда тадқик этилиши жиҳатидан мазкур тадқиқот моҳият эътибори билан адабиётшунослик тарихида ўз ўрнига эга.



Академик Бахтиёр Назаров ҳамкаслари А.Абдуғафуров, С.Рафиддин ва шогирдлари даврасида.

XX аср ўзбек адабий танқидчилиги ривожида Бахтиёр Назаровнинг ўрни

Бадний диднинг бешиги –муттасил таҳсил, мутолаа, кузатиш, мулоҳаза ва мухокама қилишдир. Кейин эса, ўқиши ва укиш орқали йигилган билим хазинасини ўқувчилар билан баҳам кўриш – англанганларни англатиш, хис қилинганларни тудириш боскичига ўтилади. Бу ҳол ҳар бир миллат зиёлиларининг билим сажиаси илмий-эстетик тафаккур даражаси, ҳалқ маърифатининг нечоғлик юксаклигини, шунингдек, муайян давр бадиий-эстетик дидини ҳам белгилайди. Танқидчилик – бадиий асарни, шунингдек, унда акс этган ҳаёт ҳодисалари поэтик ифодасини илғаш, хис қилиш, маҳорат асрорини таҳлил ва талқин қилишдан иборат адабий-эстетик фаолият тури.

Адабий танқид кўпинча адабиётшуносликнинг таркибий кисми сифатида таърифланиб келади. Айни пайтда, тадқид адабий фаолиятнинг мустакил соҳаси сифатида адабиётшуносликдан фарқли ўлароқ асосан замонавий адабий ҳаётда содир бўлаётган жараёнларни кузатади, етакчи тамойилларни аниклади, вайтли матбуотда эълон қилинган адабий асарларга муносабат билдириб, уларни, одатда, шу даврнинг ғоявий ва эстетик талаблари асосида таҳлил этади. Танқид адабий мерос намуналарининг театр, кино, мусика ва тасвирий санъатдаги янги талқини масалалари билан ҳам кизикиб, кўпинча шу асарларнинг хозирги замон учун ахамиятли томонларига ўз эътиборини каратади. Шу маънода, Б.Назаров таъкидлаганидай, “Танқиднинг асосий вазифаси ёзувчи ёки адабий асарни факат танқид қилиш эмас, балки адабий асар ёки ҳодисага ҳаққоний баҳо бериш, ундаги ютуқ ва камчиликларни холислик билан ёритишидир.”¹

Шубҳасиз, танқид бадиий ижод билан қарийб бир вактда муносабат маҳсулни сифатида пайдо бўлган. Кейинчалик шоиру ёзувчилар янги ёзган асарларини турли давраларда ўқиб беришган, давра қатнашчилари эса шу асарларнинг ютуқ ва камчиликларини қайд этиб, айни пайтда ҳам ўқувчи (китобхон), ҳам танқидчи вазифасини бажариб келишган. Бу танқид тарихининг “оғзаки даври”дир.

¹ Назаров Бахтиёр. Ўзбек адабий танқидчилиги: ғоявийлик, метод, қаҳрамони. Тобеъат, 1979.-13-бет.



Танқиднинг ёзма адабиётдаги илк намуналари пайдо бўлиши эса тазкирачилик мактабининг шаклланиши билан бевосита боғлик. Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” (1487) асари энг қадимги тазкиралардан бири бўлиб, унда XIV-XV асрларда Ўрта Осиё, Афғонистон ва эронда яшаган машхур шоирлар ҳакида маълумот бериш билан бирга, улар ижодидан намуналар ҳам келтирилган. Тазкирачиликнинг мумтоз намуналаридан бири Навоййнинг “Мажолис ун-нафоис” (1491) асарида эса XV асрда Хурросонда яшаган жами 450 дан ортиқ шоир, ёзувчи ва олимларнинг билим даражаси, дунёкараши, хулк-автори тўғрисида маълумот берилган. Шунингдек, Нисорий, Фазлий, Табибийнинг тазкираларида муайян ёзувчилар ва уларнинг асаллари юзасидан берилган маълумотлар ўзбек адабиётида танқиднинг пайдо бўлишидаги мухим омиллардан бири бўлган.

Ўзбек адабиётида замонавий танқидчиликнинг пайдо бўлиши XX аср бошларига тўгри келади. Чўлпоннинг “Адабиёт надур?” (“Садои Туркистон”, 1914) ва “Мухтарам ёзувчиларимизга” (“Садои Туркистон”, 1915), Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Театр надур?” (“Ойна”, 1914) сингари мақолалари эълон қилиниши билан ўзбек адабий танқидчилигининг том маънодаги тарихи бошланди. Ёзувчи ва танқидчилар шу даврда чоп этилган адабий-танқидий мақолаларида бадиий адабиётнинг янги тарихий-маданий даврдаги мақсади, вазифаси ва йўналишини белгилаб беришга харакат килдилар.



Академик Б.А.Назаров ҳамкаслари ва шогирдлари даврасида. (Чапдан ўнгта: З.Мирзаева, Ш.Аҳмедова, Б.Назаров, Т.Қаххор, О.Каримов)

20-йилларнинг ўрталаридан танкид шўро мафкураси таъсирида адабий ҳодисаларга синфиийлик ва партиявиийлик нуктаи назаридан ёндаша бошлади. Ёзувчи маҳорати эмас, мавзунинг долзарблиги, гоявийлик бадиий асар кимматини белгиловчи асосий мезонга айланиб қолди. Аммо XX асрнинг учинчи чорагидан ўзбек танкидчилити ўз тарккىётининг янги босқичига кўтарилиди. Хусусан, истиклол арафалари ва айниқса, мустакиллик даврига келиб, методология масаласида халқаро мезонларни миллий асосда ўзлаштириш йўлига ўтди.

“Бир пайтлар кўйди-пишди одамларга нисбатан: “дунёning ташвиши бошида”, дейиларди киноя, пичинг аралаш. Ҳозирги пайтда дунёning у бошидан кириб, бу бошидан чикиш унчалик қийин иш эмаслиги, жаҳоннинг ташвиши билан яшаш зарурый бир холатга айланәтганлиги оддийгина бир ҳақиқат. Бир пайтлар жонли адабий жараён дейилганда аниқ тушунча англашилган: бир миллий адабиётдаги ўсиш-ўзгариш, ички курашлар, янгиликнинг пайдо бўлиши, талабга жавоб беролмай қолган йўналишларнинг четга чикиб қолиши сингарилар тушунилган. Ҳозирчи? Адабий жараённи макон ёки замон билан чеклаб бўладими? Ўзбек китобхони бир пайтнинг ўзида ҳам Навоий, Пушкин, Шолохов, Хайриддин Султонов, Чингиз Айтматов, Шекспир, Лион Фейхтвангер,Faфур Ғулом, Васил Быков, Одил Ёкубов, Пиримкул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов асарларини ўқимайдими? Китобхон даражаси шунчалик ўсган бир пайтда: адабиётшунос ўтмиш адабий мероси устида сўзлайди, адабий танкид жонли адабий жараён устида сўз юритади. Адабиётшунослик, асосан, мутахассисларга қарата сўзлайди. Адабий танкид эса оммага, ҳаммага караб сўзлайди,- деб “вазифа таксимлаш” жўнлик, жонли адабий жараёндаги холатларни англаб етмаслик бўлмасмикин?

Дарҳакиқат, ҳозирги шиддат билан ривожланаётган даврда соғ адабиётшунослик билан шуғулланувчи олим ҳам халқ билан мулоқот қилишга интилмокда. Танқидчи эса жаҳон адабиётидаги мухим ўзгаришлар билангина эмас, ўтмиш адабиёти билан ҳам жиддий шуғулланмокда. Бадиий адабиётнинг ижтимоий-эстетик вазифаси ҳакида фикр юритар эканмиз, мунакқиднинг ҳозирги жаҳон адабиёти, ўтмиш адабиёти билан қизиқиши, шуғулланиши масаласига эътибор берамиз. Мунакқиднинг истеъдодли, гўзаллик туйғуси ниҳоятда юксак бўлиши зарурлиги ҳакида бот-бот

гапирамиз. Танқидчи ҳар қанча истеъодли, гўзалликни нозик хис этадиган бўлса-ю, машхур санъаткорлар яратган, яратадиган шоҳ асарлардан хабардор бўлмаса, унинг тили узун, сўзи ўтири бўлмайди. Мунаққид китобхонга нимадир бериши учун ниҳоятда кўп ўқимоги, билмоғи жоиз. Билимдонлик, ўқимишиликда танқидчи манман деган китобхондан илғор бўлмоғи, ёзувчи билан bemalol баҳс-у мунозарага кириша олмоғи керак.

Танқид ва адабиётшунослик методологияси асосида бадиий адабиётни тадқиқ этиш қонуниятларининг умумий, муштарак тамойиллари ётади. Бироқ мазкур жиҳат ўз ҳужайраларида ҳар бир ҳалқнинг адабий-маданий ҳамда ижтимоий-сиёсий эҳтиёжларига дахлдор миллий хусусиятларни мужассамлаштиради.

Адабий танқид ва адабиётшунослик таҳлил ва тадқиқ йўли билан адабий меросларнини ёритиш ҳамда шоир, ёзувчи, драматург ҳаёти ва ижодини ўрганиш билангина чекланмай, улар воситасида ҳаёт, жамият, миллат ташвиш-кувончлари ва инсон ички дунёсига дахлдор муаммоларни, умуман, ватандошни, замондошни, инсониятни тўлқинлантириб келган ва келаётган масалаларни таҳлил этишнинг ўзига хос йўналиши даражасига кўтарилиди. Ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигининг янги, замонавий маънодаги ана шу даражага кўтарилишида филология фанлари доктори, академик Б.Назаровнинг ҳам камтарона хизмати, эътироф этилишга муносиб улуши мавжуд.

“Олим бўлсанг-олам сеники” деган наклда чиндан ҳам катта маъно мужассам. Зотан илм ва фан ахли нафакат оламнинг эгалари, балки унинг асрорини англаш, ўзининг ўрнини белгилаш, инсоният тақдири ҳақида қайғуришга масъулиятли, бурчдор, лозим бўлса, оламни инсон манфаатлари нуқтаи назаридан ўзгартиришга қодир мукаррам зотлардир. Бинобарин, улар ўз ақл-заковати, тафаккур кенглиги, таҳайюл баландлиги билан оламга янгича маъно ва мазмун баҳшида этадилар.

Дарҳақиқат, ахли илм ва ахли маънида мислсиз зукколик ҳамда донолик жамулжам. Улар ўз ақл чироклари билан наинки ҳар бир қалб, балки бутун оламни ҳам мунаvvар этадилар. Алломалар тафаккур зиёсининг нурлари инсоният тараққиёт йўлини ёритиб келган ва ёритаверади. Жўн одамнинг акли билан дабдурустдан қамраш имконсиз бўлган буюк кашфиётлар улар ақл закосининг меваларидир.

Инсоният мулки ноёб обидалари нақкоши, нафис олам безаги заргари, жавоҳирлар хазинаси бунёдкори, ижодкори ва муаллифи ҳам олимлардир. Сувдан нур, тупрокдан дур ундирувчилар ҳам улар. Демак, олимларнинг хизмати самаралари инсоният яшаётган замин тараккиёти, маънавият ва маърифат юксалишига хизмат килгани боис ҳам, биз уларни буюк санашга ҳаклимиз. Илло, алломанинг қадри ўз билимлари ҳалқи ва ватанига қандай фойда келтиргани билан белгиланади.

Шу маънода, 2016 йилда 70 ёшни қарши олган, ҳозирги адабий жараёнда фаол иштирок этиб келаётган, барча мақолалари, монографиялари долзарб муаммоларга бағишлиланган, изланувчан, дадил ва ўқтам фикрлари билан эл-у юрт эҳтиромига сазовор бўлган ҳамиша ўзининг теран нигоҳи билан адабиёт ихлосмандлари ва мутахассислар эътиборини тортаётган мунаққидлардан бири Бахтиёр Назаровнинг босиб ўтган ҳаёт йўлини кузатиш орқали ушбу фикрнинг нечоғлик тўғри эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. Адабиётшунос ва мунаққид Бахтиёр Назаров бадиий ижодга, поэтикага бўлган чексиз меҳр-муҳаббати билан ажralиб турувчи адабиётшунос олимдир.

Чин мунаққид саодати

Адабий жараён мисли бир окар дарё, мислсиз уммон. Унда сузиб юрган битта балиқнинг (борингки, бир улкан китнинг) ўлими билан дарё оқишдан, деңгиз мавжланишдан тўхтаб қолмайди. Аксинча, балиқ учун сувсиз тириклик йўқ. Шу маънода, У.Жўракулов айтганидай: “Мен бўлмасам адабий жараён тўхтаб қолади”¹, дейдиган мунаққид қаттиқ адашади. Зоро, балиқнинг мавжудлиги ва унинг ҳаёти факат сувда мазмун-моҳият касб этади. Худди шундай, ҳақиқий мунаққид ҳам адабий жараёнсиз яшай олмайди. Демак, чин мунаққид “Мен бўлмасам...” эмас, балки адабий жараён бўлмаса, менинг ҳаётим тўхтаб қолади”, - деб ўйлади. Бахтиёр Назаровни ҳам хеч иккиланмай ана шундай жафокаш мунаққидлар каторига қўшиш мумкин. Олимнинг “Ҳаётийлик безавол мезон”, “Истеъдод жилолари”, “Олим маданияти” каби асарларида келтирилган чукур ва ҳаққоний мулоҳаза ва қарашлар ҳам юкоридаги фикрлар учун асос бўла

¹ Жўракулов У. Чин мунаққид саодати // Ўзбек тили ва адабиётси, 1998.- № 2.- Б. 73.

олади. Чин маънода, у ўз ҳаётини “адабиёт” отли шиддаткор бир “кураш майдонида” мардонавор жанг билан кечирмоқда. Зотан, чин мунаққиднинг кисмати ҳам, саодати ҳам ана шу.

Бахтиёр Назаров икки жилдлик “Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи” коллектив монографиядаги “Иккинчи жаҳон уруши даври ўзбек танқидчилиги”, “30-йиллар ўзбек танқидчилигида эстетик тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари”, икки томлик “Адабий турлар ва жанрлар” коллектив асаридаги “Эпос адабий тур сифатида”, “Ўзбек ҳикоячилигининг ривожланиш хусусиятлари” каби фундаментал тадқиқотлари билан ҳам ўзбек танқидчилигига муносиб ҳисса қўшди. Мунаққид дастлабки изланишлари билан илмий-бадиий жамоатчилик эътиборига тушганида 27-28 ёшларда эди. Тенгдоши, проф. Н.Рахимжонов эътироф этганидай, “Ўзига ҳам, тенгкурларига ҳам ўта талабчанлик, ҳайратланарли даражадаги меҳнаткашлик Бахтиёр Назаровга ҳамиша ҳамкор. Бу нарса истеъдоднинг занглаб қоолмаслигига, бадиий диднинг доимо чархланиб, тобланиб туришига, эстетик савия пилигини пасайтирмасликка, муҳими, ижодий ҳофиза кўламини кенгайтириб боришда янги-янги теша тегмаган фикрлар туғилиши, восил бўлишида асос вазифасини ўтаётир”¹.

Дарҳақиқат, “Ўзбек адабий танқидчилиги”, “Олим маданияти”, “Бу сехрли дунё”, “Ҳаётийлик-безавол мезон”, “Ҳамза адабияти” каби қатор монографиялар, рисолалар, уч юздан ортиқ илмий-назарий мақолалари ҳам алоҳида аҳамиятга молик.

Бахтиёр Назаров ўзбек адабиёти илмининг етакчи вакилидир. У бадиий ижодни тадқиқотчилик билан омухталикда олиб боришга жазм этди. Чўғдек ловуллаб дилини ёритган ушбу ният Тошкент вилоятининг Янгибозор қишлоғидаги мактабда ўзбек тили ва адабиёти муаллими бўлган кезларида ҳам, ўзбек тили энциклопедияси бош редакциясидаги илмий мухаррирлик фаолияти даврида ҳам, аспирантурада таҳсил олаётганида ҳам кўнглини асло тарқ этмади. Ниҳоят, ушбу даъват “Ўзекистонда адабий танқиднинг фан сифатида шаклланишида Ойбекнинг роли” мавзусидаги номзодлик диссертацияси сифатида юзага келди. Мазкур тадқиқот аллома адиб Ойбекнинг адабиётшунослик фаолияти XX асрнинг 30-60-йиллари ўзбек адабий-танқидий тафаккур тараққиёти билан узвий бирликда ўрганилди.

¹ Рахимжонов Н., Жўрасев М. Фанийиз заҳматкашлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1998.- № 2.- Б. 73.

Такриздан ижодий портретгача...

Бахтиёр Назаров танқидчилик ва адабиётшуносликка Ойбек адабий-танқидий, эстетик қарашларини ўрганиш билан кириб келди. Дастрлаб “Бадиий асарда пейжаз” (1967), “Ўтмишимиз кўзгуси” (1968), “Ўткан кунлар немис тилида” (1969) каби такриз ва мақолалари билан кўзга ташланган ёш адабиётшунос 1969 йилдан эътиборан Ойбек ҳақида “Ойбек сиймоси”, “Ойбек эстетик қарашларининг шаклланишига доир”, “Ойбекнинг унутилган бир мақоласи” каби бир туркум мақолаларини эълон қилди. Уларда адаб ўз ижод амалиётидан чиқарган илмий хуносалари ҳамда назарий қарашларининг бадиий изланишларига кўрсатган таъсири ўрганилди. Бу изланишлар натижаси ўлароқ, “Бу сеҳрли дунё” (1980) китоби юзага келди.

Адабиётшунос олим ва мунаққид адабий танқидчи маҳорати муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратди. Ўзбек танқидчилигида сифат ўзгаришлари рўй бераётгани, танқид адабий жараёнга фаол таъсир кўрсатишга интилиши, шу билан бирга, танқидчи маҳоратининг ўсиб бориши яққол кўзга ташланётгани адабий жараён контекстида таҳлил этилди. Олимнинг айнан шу мавзудаги “Давр ва мунаққид” номли мақоласи Наим Каримовнинг мунаққидлик фаолиятини ўрганишга бағишлиланган эди. Унда илгари сурилган қуйидаги фикрлар эътиборга моликдир: “Ижодий серкирралиқ, сероҳанглик, ранг-баранглик, кўтарилаётган муаммолар ҳамда уларнинг ечимидаги журъат, янгиликлар ва ташаббус сингари фазилатлар жиҳатидан бугунги танқидчилигимизда Наим Каримов билан беллаша оладиган мунаққидларимиз йўқ десам фикримни муболагага йўйманг”¹. Мақолани ана шундай эътироф билан бошлаган олим сўзининг исботини ҳам келтиради. “Наим Каримовнинг мақолалари, тадқиқотлари, китоблари ҳақида фикр юритганда, бу хусусиятларнинг қай бирига алоҳида урғу беришга, олим фаолиятидаги қайси жиҳатларни етакчи сифатида таъкидлашга наинки адабиётнинг оддий ихлосмандлари, балки бу иш билан узок йиллардан буён шуғулланиб келаётган мутахассислар ҳам мунаққиднинг яқин дўст-у биродарлари ҳам бирмунча қийналиб қолсалар ажаб эмас. Бу эса ўз навбатида биргина мақола доирасида

¹ Бахтиёр Назаров. Давр ва мунаққид // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012.- № 6.- Б.3.

олим ҳаёти ва ижоди ҳакида бир четдан батартиб ва батафсил равиша мулҳаза юритишни янада қийинлаштиради. Шу маънода, бу шоирқалб ва айни пайтда ёзган ишлари илмий-ижтимоий, маънавий-маърифий жиҳатдан залворли ва теран бўлган олим ҳакида қолиплашган услубдан кўра, унинг ўзидағи фикрлаш йўсинига яқинроқ тарзда мушоҳада тизгинини эркинроқ қўйиш маъкулроқ саналади. У ўзбек адабиётшунослигига бадиийлашган тафаккур усулини олиб кирди. Унинг Ҳамид Олимжон, Усмон Носир ҳакидаги мақола ва монографиялари, биргина Ойбек ҳакидаги 60 га яқин мақола, олти-етти китоби ҳалқ орасида машхур бўлиб кетди¹, деб ёзади Бахтиёр Назаров.

Ўзбек танқидчилигига сифат ўзгаришлари рўй берадигани, танқид адабий жараёнга фаол таъсир кўрсатишга интилиши, шу билан бирга, танқидчи Бахтиёр Назаров маҳоратининг ўсиб бориши якъол кўзга ташланётгани, адабий танқид жанрларида ранг-баранглик сезилаётгани атрофлича таҳлил қилинди. Бу йўналишда олимнинг “Адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимиз янги боскичда”, “Бадиий асар қалби ва танқидчи дунёси”, “Ёш тадқиқотчиларни тарбиялаш муаммолари” каби мақолалари майдонга келди. Жумладан, у ўз мақолаларидан бирида шундай фикрларни айтиб ўтган: ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги XX асрнинг учинчи чорагидан бошлаб ўз тараққиётининг янги боскичига кўтарилди. Хусусан, истиқлол арафалари ва айниқса, мустақиллик даврига келиб методология масаласида ҳалқаро мезонларни эгаллаш йўлига ўтганини кўрсатди. Танқид ва адабиётшунослик методологияси асосида бадиий адабиётни тадқик этиш қонуниятларининг умумий муштарак тамойиллари ётса-да, бу умумийлик ва муштараклик тамойилларидаги хужайраларида ҳар бир ҳалқнинг адабий-маданий ҳамда ижтимоий-сиёсий эҳтиёжлари билан алокадорликдаги миллий хусусиятлари ҳам бўлиши мумкинлигини инкор этмайди.

Бахтиёр Назаровнинг “Олим маданияти” (1977) рисоласи танқидчининг фикрлаш маданиятига бағишлиланган. Бу адабий портрет самимий ва қизиқарли услубда ёзилганлигидан ташқари, мунаққид ижодининг таҳлили унинг шахсияти билан боғлаб тадқик этилгани жиҳатидан китобхонлар дикқатини жалб этди. Олим адабиётшунос Ҳомил Ёқубов ижодига хос босиклик, изчил

¹ Бахтиёр Назаров. Давр ва мулакаҳид // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012.- № 6.- Б.З.

мантиқка суюниш, принципиаллик, чукур самимиятнинг сирини унинг шахсиятидан излайди. Ҳ.Ёқубовнинг инсон ва олим сифатидаги киёфасини тасвирлар экан, ҳикоянависнинг содда, равон услубига ўхшаш услубдан фойдаланади-ю натижада кўз олдимиизда ўзбек олимлари карvonбошиларидан бирининг ёркин ва сидқидилдан чизилган образи яратилади. Умуман, асарда танқидчининг бир бутун тўлиқ киёфасини яратишга харакат килинган.

“Танқидчи маҳорати ва ижодий ўзига хослик” номли мақоласи эса Матёкуб Кўшжоновнинг 90 йиллигига бағишлиланган бўлиб, самимий, содда ва равон тилда битилганлиги билан эътиборга лойик. “Ташки кўринишидан ниҳоятда камтар, камсуқум кўринувчи, ички руҳияти ва иродасига кўра эса деярли бунинг акси-қатъий иродали, тафаккур ва фикрлаш тарзига кўра эса ўқтам, аниқ ва тиник, масала моҳиятининг чукур илдизларидан келиб чиқиб мулоҳаза юритадиган бу инсон деярли бутун умри давомида кўпларининг эътиборида бўла олди,¹ деб ёзади олим.

Адабиётшунос олим ҳамиша факатгина ижодкорга эмас, унинг шахсига - инсоний сифатларига ҳам назар ташлайди. Бу албатта, мухим жиҳатларидан бири, бу ҳам бир маҳорат, аммо шундай танқидчилар борки, ижодкор шахсига тўхталганларида уни илохийлаштириш даражасигача етиб борадилар. Бахтиёр Назаров эса, аксинча, бу борада меъёрни саклашни яхши билади. Жумладан, Матёкуб Кўшжонов ҳақида шундай деб ёзади: “Болалик, ўсмирликдаги қийинчиликлар, турмуш уринишлари, билим ютидаги бир йилда бир неча курслардан сакраш; уруш даҳшатлари; салкам ўтгиз ёшда мўйлови энди сабза урган йигитча каторидаги талабалик; урушдан кейинги тобланишлар; марказқўмдаги масъул лавозимларда фаолият кўрсатиш; Фанлар академиясида таҳсил; кимсан Ойбек, Абдулла Қаххордек буюклар билан устоз-шогирдликдан ташқари, деярли дўстона муносабатлар; Иззат Султоновдек отахон алломалар томонидан гоҳ ҳазил, гоҳ чин тусда устоз мақомида кадрланиш; миллат манфаати йўлида дадил баҳсга кириша олиш 70-80-йилларда биз ёшларга, хусусан, менга Матёкуб Кўшжоновни салкам афсонавий одамга ўхшатиб кўрсатарди”.

¹ Назаров Б. Танқидчи шахси ва ижодий ўзига хослик // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008.- № 6.- Б. 3.

Бахтиёр Назаров бу каби самимий сўзлашининг боиси шундаки, унинг юқорида таъкидлаб ўтган фикри, яъни ҳар бир сўзи чин юракдан айтилмоқда. Акс ҳолда қалбининг туб-тубидан чиқмаган, сўзлар бу даражада дилбар бўла олмасди. У ўз жумласини қуйидагича якунлайди: “Бу билан мен Кўшжоновни идеаллаштироқчи эмасман, у бекам-у кўст одам эди, деган фикрдан хам йироқман. Ҳар бир инсонга, мутахассисга хос айрим паст-баланд хусусиятлар унга хам бегона бўлмагани табиий, албатта. Бироқ унинг XX аср ўзбек адабиёти, танқидчилиги ва адабиётшунослиги олдидағи хизматлари ҳақида гап борар экан, бу борада у ҳақиқатдан хам улкан шахс ва эҳтимолки, янги замон маданиятимиз тарихидан ўрин эгаллашта ҳакли шахс бўлганини эътироф этмаслик мумкин эмас”. Бу қадар самимий сўзларни айта олган инсоннинг, ижодкорнинг ўзи ҳам ундан кам бўлмаган ҳолда самимий эканига, ўзи ҳам ана шундай мактовларга муносиб эканига заррача шубха йўқ. Боиси, ҳаммага маълум ва машҳур бўлган инсон, кўпчилик эътироф этган ва кўп бора таърифи келтирилган ижодкорга нисбатан бу каби илиқ таърифларни хўп топиб гапириш ҳар кимнинг ҳам, ҳар қандай танқидчининг ҳам кўлидан келавермайди.

Академик, адиб ва драматург Иззат Султон бу илк тадқиқотнинг илмий-назарий савиясига юқори баҳо берди. “Бахтиёр Назаров иши факат тарихий-адабий аҳамият касб этибгина қолмайди. Ойбекнинг бадиий асар ҳаётйлиги, бадиияти, поетик сўзнинг мазмундорлиги ва эстетик таъсир кучи хусусидаги карашлари ҳам ёш ижодкор авлод камолида ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бахтиёр Назаров Ойбекнинг адабиётшунослик ва танқидчиликка доир асарларини бир бутун жамлаб, уларни Ўзбекистонда адабиёт илмининг қарор топиши ва ривожланиш йўлларини белгилаш нуқтаи назаридан таҳлил этиб, ғоят фойдали иш бажарган. Ўзининг мустакил ва малакали тадқиқотчи эканини кўрсата олган”.

Худди шундай юксак баҳо атоқли адиб ва закий олим Пиримқул Қодировнинг ҳам қаламига мансуб. “... Олимнинг қийин ва муҳим ишга ҳозиржавоблик ва дадиллик билан киришганининг ўзи эътиборга сазовор. Энг муҳими, танқидчилигимизнинг бугунги ўсиш жараёни, унда юз бераётган янги ҳодисалар адабиётимиз равнакига хизмат қилаётгани Бахтиёр Назаров китобида алоҳига умумлаштириб берилган. Шунинг ўзи ҳам ёш олимдан келажакда

янада самаралирок ва мукаммалроқ илмий ишлар кутишимизга асос беради”.

Бахтиёр Назаров “Шеърлари ок тўшли қалдирғоч”, “Мехр мавжлари”, “Олмалар бесабаб тўкилмайди”, “Шукроналик” номли мақола ва такризларида Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло ижодининг нозик кирралари, поэтик олам яратиш санъати таҳлил этилди. “Мехр куйчиси” деб номланган ижодий портретида эса шоир ижоди яхлит холда тадқик этилди. Бу ижодий портрет ўзига хос кириш сўзлари билан бошланадики, улар биринчидан, образлилиги билан китобхоннинг эътиборини тортади. Иккинчидан, шоир ижодига қизиқиши оширади. Самимият, беоромлик, ўзгалар дардига бефарқ, лоқайд қарай олмаслик, таниган ва танимаган замондошининг ҳасрат-у кувончларини чукур хис кила билиш шахс сифатидаги Шукруллонинг табиатидан ижодкор сифатидаги Шукрулло асарларига нур бўлиб ўтишини олим эҳтиром билан ёзади. Умуман олганда, асарда шоир ижодига, асарлари ва шахсига катта хурмат билан қарааш туйгуси портретнинг бош моҳиятини ташкил этади. Ижодий портретнинг аҳамияти шундаки, унда шоир Шукруллонинг ижоди билан ўқувчи чукур танишиш имконига эга бўлади. Асарнинг ёзилиш услуби китобхонни ўзига торта олади. Шу боис ҳам, бу истеъдодли олимнинг ижодий портрет яратиш маҳоратини ёрқин намоён эта олган тадқиқотлардан биридир.

Адабий жараён меҳварида порлаган нур...

Бахтиёр Назаровнинг адабий жараён билан алокадор тадқиқотлари, бир жиҳатдан, жонли адабий харакатдаги асосий тамойилларни очади, иккинчи томондан шу тамойилни шакллантиришга хисса кўшаётган ижодкор асарлари талкин этилади, учинчидан, аник ижодкор ёки танқидчининг бу жараёндаги ижоди муайян даражада умумлаштирилади. Хусусан, “XX аср ўзбек адабиётида Эркин Вохидовнинг ўрни ва аҳамияти”, “Озод Шарафиддинов ижоди ва хозирги ўзбек танқидчилигининг илмий-назарий масалалари”, “XX асрда Ойбек ижодини ўрганилишининг методологик муаммолари” ҳамда “Faafur Fулом ва XX аср” сингари мақолалар ана шундай характерга эга. Бу мақолалар адабий жараён масалалари билан мустаҳкам боғланса-да,

уларнинг ҳар бири айни вактда муайян бир муаммо атрофида уйғунлашади.

Масалан, юқоридаги мақолаларнинг биринчисида Эркин Вохидов асарлари туфайли ўзбек адабиёти, хусусан, шеъриятда бўлган янгиликлар кўрсатилса, иккинчисида Озод Шарафиддинов тадқиқотларининг аҳамияти, ундаги илғор анъаналар ҳамда ўзбек танқидчилигининг илмий-назарий ахволи таҳлил этилади. Учинчи мақолада эса, Ойбек ижодига муносабат орқали янгиланаётган ўзбек танқидчилигининг методологик муаммолари тадқиқ этилади ва ниҳоят, тўртинчи мақолада наинки XX асрнинг Faafur Fулом ижодига, балки бутун ўзбек шоири Faafur Fуломнинг XX аср жаҳон адабиёти, жаҳон маданияти ва тафаккурига ўтказган таъсирини кўрсатишга ҳаракат қилинади.

Кези келганда, олимнинг давра сұхбатлари иштирокчиси сифатида матбуотда эълон қилинган мақолалари хақида ҳам иккى оғиз тўхталиб ўтиш жоиз. Бу борада унинг “Замонавийлик ва маҳорат”, “Танқид маданияти: холислик, дадиллик, теранлик”, “Танқид ва шеърият”, “Бадиий асар қалби ва танқидчи дунёси” каби муаммоларга бағишлиб ўтказилган давра сұхбатлари, уларнинг самаралари сифатида матбуотда эълон қилинган материаллар аниқ масалаларни кўтариб чиқиши, жараёндаги ютуқ ва камчиликларнинг ёрқин кўрсатилиши билан эътиборни тортади. Бу хусусият мунакқид фаолиятининг бошланишидан тортиб, шу кунгача давом этиб келаётганини таъкидлаш ўринли. Бахтиёр Назаровнинг “Мустақиллик даври насли: таҳлил ва талқинлар” мавзусида бўлиб ўтган сұхбатлари ҳамда улар асосида эълон қилинган материаллари ҳам унинг адабий жараёнга фаол муносабат билдиришга астойдил тинтилиб келаётганини кўрсатади.

Академик Б.Назаровнинг Пиримқул Қодиров қаламига мансуб “Акрамжоннинг саргузаштлари” китоби ҳақидаги “Рангбаранглик”, “Шу куннинг бадиий кўзгуси”, “Давр билан ҳамнафас”, Ўткир Ҳошимов ҳақида ёзган “Халқ меҳрини қозонган адаб”, Хайриддин Султон ҳақида битган “Адаш карвон изтироблари” каби такриз, сўз боши ва мақолалари унинг адабий жараён меҳварида порлаган ҳар бир шуъла, ҳар бир ёрқин нурни дақиқбинликъ билан илғашидан гувоҳлик беради.

Мунаққиднинг Абдулла Орипов билан сұхбат самараси сифатида вужудга келган “Севинч, дардим – бари – Ватаним!” деб номланган материал Бахтиёр Назаров адабий жараённи наинки

кузатиб, балки унинг ичида туриб фаолият кўрсатаётганини яна бир карра тасдиклайди.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг нихоятда гўзал ва улуғвор “Ватаним” шеърини таҳлил қилас экан, Бахтиёр Назаров шундай ёзди: “Бу шеърнинг кўтаринки, теран маъно ва гоясидан ташқари, образларидаги топқирлик кашфиёт даражасидадир, десак муболаға бўлмас

*Fичир-гичир тишиимдаги
Сўлигимсан ватаним.*

Жаҳон шеъриятида Ватанин сўлиқка қиёс этилиши учрамаса керагов! Мазкур образ шеърнинг бутун структурасида бамисоли узукка кўз қўйгандек бўлиб тушади...” Олимнинг талқинлари, шеърдан чиқарган холосалари унинг иктидорли шеършунос эканлигини яна бир бор тасдиклайди.

Бахтиёр Назаров ёзувчи Шукур Холмирзаев ижоди юзасидан ҳам бир қатор мақолаларини матбуотда чоп эттирган бўлиб, хусусан, адабнинг “Қил кўприк” романи хусусида куйидаги фикрларни илгари суради: “Шукур Холмирзаев Абдулла Қаҳхордан сўз тежаш, деталларга катта маънолар юклаш, каҳрамон руҳиятида кечаетганд зиддият, тўқнашувларни содда ва ҳаётий қилиб, ихчам тасвиrlаш, диалоглардан жонли манзара яратиш сирларини ўрганди. Бироқ бу таъсирни факат ташки кўринишдан изламаслик керак. Бу таъсирни каҳрамонлар руҳий дунёсини акс эттиришдаги бадий принциплар муштарақлигидан изламок керак”¹.

Баҳри муҳит ва минтақалар оша...

Бахтиёр Назаров маълум муддат Америка Кўшма Штатларининг Индиана университетида талабаларга маъruzalар ўқиди. Қатор хорижий мамлакатларда ўtkazilgan ilmий anjumaniлlar: AKШ (1987, 1990, 2003), Германия (1975, 1988, 1990), Туркия (1992, 1993, 1994), Норвегида маъruzalari билан катнашди. Хорижлик кўплаб олимлар, социологлар билан қизгин баҳс-мунозара ва ilmий-adabiy suxbatlар ўtkazdi. Ўша пайтларда битган мақолалари AKШ, Польша, Белоруссия, Козогистон, Россия илмий нашрларида пешма-пеш чоп этилиб турди.

¹ Назаров Б. Шукур Холмирзас // XX аср ўзбек адабиётини тарихи. - Т.: Ўқатувчи, 1999. - Б. 508.

Мустақиллик йилларида Б.Назаров Сохибкирон Амир Темур, Хоразмий, Фарғоний, Мотуридий, Жалолиддин Мангуберди сингари бобокалонларимиз; “Алпомиш” каби адабий-тариҳий ёдгорликларимиз; Бухоро ва Хива шаҳарларининг тарихий юбилейларига бағишлиланган ҳалқаро анжуманларнинг ташкилий тадбирларида фаол иштирок этди. Унинг бундай фидойи хизматлари Халқаро Олтойшунослик конферентсияси (РИАК)нинг комиссия аъзоси, Туркиядаги Турк тили Курумининг мухбир аъзоси килиб сайланишига олиб келди.¹

Бахтиёр Назаров ижодий-эстетик тафаккур уфки кенг мунаққидлардан бири унинг фикрлаш диапазони факт ўзбек мунаққидлари ва адилари ижоди билангина чегараланиб колмасдан, муайян даражада жаҳон адабиёти танқидчилари ва санъаткорлари ижодига мурожаат этиши билан ҳам ажралиб туради. Олимнинг Софокл ижодига, Шекспир асарларига, “Қутадғу билиг” нинг жаҳон эстетик тафаккури ривожида туттган ўрнига бағишлиланган мақолалари ўзбек танқидий тафаккури кенгликларидан маълум даражада боҳбар эканлиги ҳамда у хусусида кенгроқ мушоҳада юрита олишидан дарак беради.

Бахтиёр Назаровнинг XX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозиргача бўлган ўзбек танқидчилари босиб ўтган йўлни чукур тадқик этган илмий-назарий изланишларининг танқид тараккиётидаги ўрни ва аҳамияти салмоклидир. Олимнинг ўнлаб мақолалари Америка Кўшма Штатлари, Олмония, Туркия, Венгрия, Польша, Болгария, Афғонистон ва бошқа хорижий мамлакатлардаги мажмуаларда, журнallарда, ҳалқаро анжуман тезисларида чоп этилгани ҳам Бахтиёр Назаров номини эл-юрг назаридан кўтариб, жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ахлига танилди.

У Словакия Фанлар академияси ҳамда унинг машҳур аъзоларидан бири Дюришин; АҚШдаги Индиана университети профессори Денис Шинар билан ҳамкорликда словак ва инглиз тилларида бу мамлакат олимлари билан ўзбек адабиётшунослари ҳамкорлигида тадқиқот чоп этилишига бош-кош бўлгани, ҳар икки тўпламда ўз мақолалари билан иштирок этгани унинг қиёфасига яна бир чизги бўла олади.

¹ Назаров Б. ва босқалар. Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи: дарслик.- Тосххепт: Чўлпоп, 2012.-Б 314-315.



Академик Бахтиёр Назаров ҳамкаслари даврасида.

Қодирийни “таниган” ва танитган олим

Ҳеч бир мұнаққид йўқки, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига бир бора бўлсин назар ташламаган бўлса. Бу масъулиятли ва шарафли бурчни Бахтиёр Назаров ҳам аъло даражада уддалай олган десак хато бўлмайди. Олимнинг Абдулла Қодирийга берган таърифи ҳам ўзига хослиги билан эътибор тортади: “Ўзбек насрини юксак рутбаларга кўтарган, китобийлашган тилимизга жонли ҳалқ оҳангларини олиб кирган килқалам адиб. Жаҳон адабиётида довруқ козонган забардаст романнавислар панжасига дадил панҷа уриб, ўзбек романчилигига асос солган нуктадон ижодкор, соҳир санъаткор. Зулмдан қадди дол бўлган миллат маърифатини ҳаётий аъмол деб билган, бу йўлда борини нисор этган улуғқалб шахс. Умрининг сўнгги лаҳзаларигача эрк дея нафас олган хурриятсевар зиёли...”¹

Миллий адабиётимизни Абдулла Қодирий каби забардаст ижодкорларимизни танитиш билан дунёга олиб чикиш мумкин. Мумтоз адабиётимизда Алишер Навоий беназир бўлса, XX аср насида Абдулла Қодирийга тенглашадиган ижодкор йўқ. Бугунги

¹Назаров Б. Қодирий ҳақиқати // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008.- № 6.

давргача килинган тадқиқотлар қимматини пасайтиргмаган холда айтиш мумкинки, улуғ адаб ижодини янгича қараашда ўрганиш пайти келди. Бугун биз Қодирий асарларини Бальзак, Шекспир, Толстой, Достоевский каби манаман деган ёзувчилар ижоди билан киёсан ўрганишимиз керак, дейди Бахтиёр Назаров журналистлар билан сұхбат жараёнида.

Бу борада Иzzат Султон, Матёкуб Күшжонов, Ҳабиулла Қодирий, Шеркон Қодирий, Собир Мирвалиев, Набижон Бокий ва яна күп ижодкорлар асарлар ёзған. Аммо бугунги замон ўқувчиси буткул янгича ёндашувдаги тадқиқотларни талаб қилаяпты. Адеб асарларини талқин қилишда фақат романтика, мұхаббат мотивларига урғу бериш фурсати ўтди. Қодирий фақат ишқ-мухаббатни эмас, ўтмиш, бугун ва келажак учун аҳамиятли бўлган долзарб мавзуларни қаламга олган. Адеб асарларининг ана шу умрбоқий жиҳатларини очиб бериш керак. Бу энди хорижий тилларни пухта эгаллаган, Шарқу Ғарб адабиётига ошно бўлган янги авлод адабиётшунослари зиммасидаги вазифадир.

Шу билан бирга, Қодирий номига муносиб, унинг ижодкор ва шахс сифатидаги сиймосини очиб берадиган бадиий асарлар, картиналар, фильмлар ҳам яратиш зарур. Юртимизда миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, уни ёш авлод тафаккурига сингдириш йўлида саъй-ҳаракатлар килинаётган бир даврда эрк учун бошини тиккан, ширин жонидан кечган Қодирий каби улуғ сиймоларимизни ёшларимизга яхшироқ танитишимиз даркор.

Тўғри, Қодирий ўз давригача бўлган романчилик анъяналарини пухта ўргангандар. Аксар адабиётшуносларимиз у араб адиби Жоржи Зайдон романларини кўп мутолаа килганига урғу беришади. Қодирий факат Зайдон ижоди билан эмас, жаҳон адабиётининг, хусусан, рус, француз, инглиз адабиётининг забардаст вакиллари асарлари билан яқиндан таниш бўлган. “Алномиш”, “Кунтуғмиш” каби ҳалқ эпосларини, мумтоз адабиётимизни жуда яхши билган. Қодирийнинг буюклиги шундаки, у романчиликка илк бор қўл урган бўлса-да, тақлидга берилмаган, салафлар таъсирига тушиб қолмаган, ўхшashi йўқ романлар яратса олган. Бу жиҳатдан, Мухтор Аvezov “Абдулла Қодирий романлари 1920-йилларда гўё текис сахрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандек пайдо бўлди...” деб ёзганида ҳак эди. Аммо иккинчи жиҳатдан, Абдулла Қодирий асарлари теп-текис чўлда пайдо бўлди, дейиш мунозарали. Негаки, унга қадар

адабиётимизнинг Навоий, Бобур каби баланд тоғлари, XX аср бошларида эса Чўлпон, Фитрат каби ёндош тоғчалари бор эди. Ўзидаги имконият ва истеъдодни юзага чиқара олган одам буюқдир. Қодирий ҳам худо юктирган истеъдодини юзага чикарди, ўзини топа олди, дейди олим.

Бахтиёр Назаровнинг таъкидлашича, Қодирийни Қодирий килган – унинг бетакрор бадиияти! Ватан ҳақида, эрк ҳақида, муҳаббат ҳақида Қодирийгача ҳам кўп ижодкорлар ёзган. Аммо замон ўтса-да, чин адабиёт ихлосмандлари уни севиб ўқимоқда, ижодидан кашфиётлар топиб чарчамаётирлар. Шўро замонида килдан қийик ахтарган мафкурачилар улуғ адибга “асарларида синфий курашни кўрсатмаган, юкори табака вакилларини қаҳрамон килиб олган, мусулмончиликни тарғиб қилган, диннинг тегирмонига сув куйган” каби турли айловларни ағдариб келган. Ёзувчи синфийлик каби ўта жўн ва сунъий колипларга итоат этмагани айни ҳакиқат. Жасоратли адиб сотциалистик реализмдан бошқаси тан олинмаган даврда умумбашарий қадриятларга суюнган ҳолда қалам тебратган. Ёзувчи асарларининг қиммати ва қудрати ҳам шунда.

“Каминанинг адабиётга ихлос кўйишида Абдулла Қодирийнинг улуғ хизмати бор. Отам хат-саводли, адабиётга меҳр кўйган инсон эди. Онамнинг ҳикоя килиб беришларича, кўхна сандигимиизда “Кунтуғмиш” ва “Ўткан кунлар” китоблари сакланаркан. Замон таҳликали, ўз даврининг мумтоз асарларини ўқиш ман этилган. Ўша пайтда ҳам маҳалладаги адабиёт шинавандалари кечаси жам бўлиб, эшикни беркитиб, хира фонус ёруғида “Кунтуғмиш” ва “Ўткан кунлар”ни мутолаа қилган экан. Онамдан бу ҳикояни эшитган пайтимда 10-12 яшар бола эдим. Албатта, у маҳаллар “Ўткан кунлар”нинг қандай асарлигини тушунмаганман. Аммо ўзимча одамлар кечаси ухламасдан, эшикка пойлокчи кўйиб ўқийдиган бу китоб қандай экан-а, деб ўйлаганман...” – деб ёзган олим кун келиб ана шу асарни ўзи ҳам таҳлил этишни орзу қилган бўлса, ажаб эмас.

Зеро, Бахтиёр Назаров ўз хотираларидан бирида шундай иқрорга келади: “Талабалик пайтларим Қодирийни сўз санъаткори сифатида росмана таниганман. Университетда Чўлпон, Фитрат, Қодирий асарларини ёддан ўқиб берадиган домлаларимиз бор эди. Ёзувчи шахсидаги миллатпарварлик, жасорат, фидойилик, бирсўзлилик, жисмоний меҳнатта учлик, ҳалоллик ва холислик

менга каттиқ таъсир килган. Мен ёзувчига инсон сифатида баҳо бериш тарафдориман. Инсон зотига ишониш, алданиш, умид қилиш каби туйғулар хос. Шўро ҳокимиятининг илк йилларида юз берган ўзгаришлар, саводсизликка қарши кураш, таълим масканларининг очилишини қўриб, ёзувчи кўнглида ҳам умид уйғонган. Шўро доҳийларининг миллатларга озодлик бериш ҳақидаги ваъдаларини эслант. Қодирий ўз даври зиёлилари каби бундай ёлғонларга ишонгани учун ҳам замон ўзгаришларини ёқлаб асарлар ёзгандир. Аммо у мустабид тузумнинг мақсади миллатлар эркини бўғиш, уларга зулм ўтказиш эканини тез англаб етган. Шу боис ҳам, асарларида хурриятни байроқ килган. Улуғ адид шўро жаллодлари қилич яланғочлаб турган пайтларда ҳам имонини йўқотмаган, эътиқодига хиёнат килмаган.”

Кумушга “харорати ғариза” етиб, бемор бўлиб юрган кунларда ариқ бўйига юзини ювиш учун чиккан лавҳа Бахтиёр Назаровнинг зътиборини тортади: “Ариқнинг мусаффо тиник суви ёвошгина оқиб келар, Кумушбибининг кархисига етканда гўёки, унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб кўяр, ўз устида ўлтурган соҳиранинг сеҳрига мусаххар бўлған каби таги бир каттарок доирада айлангач, оҳистагина кўприк остига оқиб кетар эди...” Сувга нисбатан ювош сифати ишлатилиши бошқа ижодкорда учрамайди. Оби ҳаётнинг “ёвошгина” оқиши тасодиф эмас. Зотан, у ҳам ариқ бўйида ўтирган соҳибжамолнинг чиройига бир зум бўлсада тўйиш учун атайнек секинлаб оқаётгандек. Бу сўз айни пайтда Кумушнинг табиати, тийнатига ишора. Ёзувчи сувнинг чарх уриб оқишида ҳам соҳира қизга изҳори ишқни кашф этади. Муаллиф сатрларни юрак ҳовучлаб ўқиётган китобхоннинг кайфиятини аник-таник тасаввур этаётгандек, ҳолатни янада кучайтиради: “Ариқ сувининг ниҳоятсиз бу ҳаракатини узоқ қўздан кечириб ўлтурғач, қўл узатиб сувдан олди ва юзини юди. Унинг юзини ўпид тушкан сув томчилари билан ариқ ҳаракатка келиб чайқалди, гўёки сув ичиди бир фитна юз берган эди...” Соҳибжамол қизнинг юзини ўпид тушган сувнинг ариққа кайтиб тушиши билан исён ва ғалаён кўтарилигинида ҳам рамзий маъно бор. Кумушнинг юзидан бўса олган томчиларнинг саодати қолган томчиларни ҳасад ўтида ёндирган-да... Танқидчининг романнинг ҳар бир сахифасидан бадиий маҳоратга далил бўладиган бу каби сатрларни пайқаб олгани, ҳис этгани унинг чинакам нозик дидли мунаккид эканидан далолат беради.

Ғафур Ғулом олами кенгликларида...

Мустакиллик даврида Бахтиёр Назаров янги даврнинг методологик мезонлари муаммосига доир туркум тадқиқотларини эълон қилди. Олим бу ишларида ўзбек адабиёти намуналарига умумбашарий мезонлар ва Мустакиллик ғояси асосида янгича ёндашув намуналарини кўрсатди. Бундай ишлар орасида “Ғафур Ғулом олами” монографияси ҳам алоҳида ўрин тутади. Ана шу каби ишлари, илмий изланишлари Бахтиёр Назаров фаолиятининг ўзига хос услубини белгилайди.

Адабиётшунос олимнинг “Ғафур Ғулом олами” тадқиқотида эса шоирнинг нафақат шеърияти, балки ҳалқчил насли, ҳажвчи зукко олим нигоҳидан янгича мағкура нұктай назаридан ўтади. Мана етмиш йилдирки, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижоди ҳакида узлуксиз илмий изланишлар олиб боради. Шоир ижодий мероси туркий ҳалклар, ўзга эллар адабиётшунослигига ўрганилади.

Дарвоке, Ғафур Ғулом ҳакидаги илк мақолани француз адаби Пол Вайян Кутюре, кейинрек эса Анри Барбюс ёзган эди. Ўзбек адабиётшунослигига эътиборга тушган олим, мунаққид борки, Ғафур Ғулом ҳакида ўз гапини айтган. Масалан, Ғафур Ғулом ижодининг нозикфаҳм тадқиқотчиси академик, филология фанлари доктори, профессор Салоҳиддин Мамаджонов илмий фаолиятининг энг катта қисмини академик шоир ҳаёти ва ижоди ҳакида ёзган ўнлаб мақолалари, монографиялари ташкил этади. Тўғри, серкирра олим С.Мамаджонов ишларига қадар ҳам Ғафур Ғулом ҳакида мақолалар, адабий – танқидий очерк, монографик китоблар босилган. Бу борада атокли олим Ҳ.Ёкубовнинг қатор ишларини эслашнинг ўзи кифоя қиласиди.

Адабиётшунослар Ҳ.Ёкубовдан кейин бу соҳада салмоқли ва ҳаммага маъқул келадиган иш яратишга интилишди. Шоир ижоди ҳакида катор ана шундай илмий бақувват, етук тадқиқотлар яратилган бўлса-да, адабиётшуносликда Бахтиёр Назаров Ғафур Ғулом ижоди, унинг бадиий олами ҳакида ўзининг оҳорли сўзини айта олди. “Ғафур Ғулом олами” китобидаги концепция, танқид, таҳлил, баҳолашда ўзига хослик бор. Бу янги тадқиқоти билан олим Ғафур Ғулом бадиий оламининг бир қанча бетакрор фазилатларини намоён эта олди.

Олам ичра олам! Бу машхур жумлани эслашимиизга академик Баҳтиёр Назаровнинг “Faфур Гулом олами” номли китоби сабаб бўлди, дейди Санжар Содик. Китобда муаллиф Faфур Гулом ижодини, шоир руҳияти, шахсиятини мутлоқо бўялмаган, ялтиратилмаган тарзда очиб беришга интилган¹. Мавзуни тўлик ҳамда яхлит қамраб олмок учун танқидчи шоирнинг ҳаёт ҳамда ижод йўлини, шеърияти, достончилиги, насли, адабиётшунослиги ва муаррихлигини ўзаро биргаликда ёритишга ҳаракат қилган. Баҳтиёр Назаров асарининг янгилиги шундаки, унда Faфур Гулом оламининг юкорида санаб ўтилган деярли барча кирралари юзасидан аввалгилардан фарқли кузатишлар, фикр-мулоҳазалар ва умумлашмалар илгари сурилган.

Шунингдек, Баҳтиёр Назаровнинг матбуотда чоп эттирган мақолаларида ҳам Faфур Гулом ижодига кенг тўхталинганини кузатишими мумкин. Жумладан, олим “Истиклол ва Faфур Гулом” номли мақоласида куйидаги фикрларни илгари сурган: “Faфур Гулом деганда кўз олдимизга жаҳоний миқёсларда фикр юритган ва асосан, шўро тузумини улуғлаган, шунингдек, “Шум бола” сингари ўзбек насрининг шоҳ намуналари қаторида турувчи асар яратган ижодкор гавдаланади”².

Мунаққид ушбу мақолада фикрини давом эттириб, куйидагиларни таъкидлаб ўтади: “Faфур Гулом ижодига назар ташласак, бедилона услугуб унинг ижодида дастлабки шеърларидан тортиб, сўнгги ҳикояларигача ўқтин-ўқтин бўй кўрсатиб туришини кузатамиз. Айрим асарларида эса бу ғоя, яъни Истиқлол ғояси яширин эмас, ҳатто очик-ўйдин ифодаланганининг гувоҳи бўламиз. Мен ана шундай шеърларнинг фақат биргина намунасига эътиборингизни тортиш билан чекланаман. Бу шоирнинг 1927 йил 13 декабрда ёзган “Донгли шоир” номли шеъридир. Асар муаллиф ҳаётлигида ҳеч қаерда эълон қилинган эмас. Илк бор 1967 йили “Шарқ юлдузи” журналининг 9-сонида, сўнг “Муқаммал асарлар тўплами”нинг биринчи жилдига чоп этилган. Шеърнинг араб алифбосидаги дасхати шоир архивида сакланади.

Шеърда ўз ватани орзу-умидларини куйлаш ўрнига, сотқинлик килиб, “ёт эллар”нинг макрига учган, муаллиф тили билан айтганда, “ёлланган” шоирга – ҳамкасбга нафрат ифодаланади. Шу ўринда Faфур Гуломнинг бир эътирофи алоҳида эътиборни талаб

¹Санжар Содик. Олам ичра олам // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2004.- 16 – ишл.

²Назаров Б. Истиқлол ва Faфур Гулом (Бир шеър тарихи) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013.- № 3.- Б. 7.

килади. Унинг тавсифича, бу шоир янги замон, яъни шўро замонидагина пайдо бўлмаган. У подшо замонида обдан пишган, тажрибаси катта.

*Бекзода пошиолик дошида қайнаган,
Ёт эллар пулига ёлланган бир сотқин.
Келгинди, бош кесиб қаҳрамон саналган,
Сардор босқинчининг қонли садогин
Ялашдан тўймаган, эй эпчил, "ширинтил!"*

Шеър давомида “донгдор” шоир кирдикорлари хиссиёт билан янада чукуррок фош этила боради. Сен, ахир, қандай “шоир”санки, дейди Faфур Fулом қаҳрамонига карата, бу номард “ботир”нинг ўлими учун йиғлаб ўтирибсан. У ким ўзи? Унинг жамики килгани бузғунчилик. Бунинг устига, не-не гуноҳсиз мурдалар устида илжайишдан тоймаган. Бу келгинди, бош кесиши билан қаҳрамон саналмоқчи бўлган малъуннинг кўкрагига қадалган ўқ қаердан учганини биласанми ўзи? У мазлумлар томонидан жойланмадими бу номардга! Сенинг эса, бу манфур учун йиғламоғинг нимаси?!¹

Мунакқид асарнинг сўнгги бандида пафос янада шиддатли тус олишини таъкидлаб шундай дейди: “Донгли” шоир мадхиялари “ёлғончи тараннум” деб аталади. Faфур Fуломнинг наинки бу сотқин шоирга, балки умуман, у мадҳ этган тузумга муносабати, шу ўринга келиб асарнинг леймотив даражасига кўтарилади. Жамият, эҳтимол, тузумнинг кўкларга кўтарилиши ҳамда уни қурдатли, кучли деб улуғланишини “кўпикли ваҳима” деб баҳолайди Faфур Fулом.

Аҳамият беринг, асар бошида назарини, асосан, ватанга хиёнаткорона муносабатда бўлган кимсага қаратган Faфур Fулом эътиборини аста-секин тузумга қаратди ва унга нисбатан ўзининг жиддий салбий нұқтаи назарини ошкор килишга ўтади.

Яна бир эсга олайлик: фикр юритаётганимиз шеър - ёзилган. Бу шеъри билан Faфур Fулом мазкур боскичда Чўлпон ва Фитрат позицияларига яқинлашиб колтан дея оламиз.

1931 йил Чўлпон “Дарё бўйи” шеърини бежиз Faфур Fуломга багишиламаган. Фитрат эса 30-йилларнинг ўрталарида “Аруз ҳақида” рисоласида Faфур Fулом шеърларини бежиз таҳлилга

¹ Назаров Б. Истиколол ва Faфур Fулом (Бир шеър тариси) // Ўзбек тилл ва адабиёти, 2013.- № 3.- Б. 9.

тортмаган кўринади. Бундан ташқари, Faфур Fуломнинг юкоридаги шеърига рух ва услугуб жиҳатидан Чўлпон йўли яққол таъсир этиб турганини ҳам сезмаслик мумкин эмас...

Шеърнинг ўз даврида ва умуман, шоир ҳаётлигида чоп этилмагани, тўпламларга киритилмагани, балки ноширлар томонидан бунга йўл қўйилмагани, ёхуд муаллифнинг ўзи эҳтиёткорлик важидан буни маъкул кўрмагани, ҳар қалай, ушбу асар биз кўриб чикишга ҳаракат қилганимиз – аввалги максадда ёзилган, деб хулоса чикаришга имкон беради.

Шу маънода “Донгли шоирга” шеъри бир тарафдан ўз даврида истиқлол ғояларини тараннум этган, иккинчи тарафдан, бизнинг кунларда эса, мустақиллик ғояларини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўша оладиган асарлардан бири сифатида қарашга изн беради...

Истиқлолга эришган бу ёруғ кунларимизда, Мустақилликнинг азamat руҳиятини мустаҳкамлашда буюк F.Фуломнинг ўзи ҳам, ижоди ҳам биз билан биргадир”¹ деган фикрларни илгари суради мунаққид мазкур мақоласида (Биз “Faфур Fулом олами” рисоласи ҳакида маҳсус тўхталамиз. Қарант: 77-105 бетлар).

Ўзбек шеърияти мунаққид нигоҳида

Мустақиллик даврида яратилган мақолалар олимнинг илмий диапазони янада кенгайгани, асл меҳварга имкон қадар якинлашиш салоҳияти теранлашганини кўрсатади. “Руҳияти шакллантириш воситаси”, “XX асрда Ойбекни ўрганиш ўзи бир илм”, “Абдулла Қаххор бадиий ҳакиқати”, “Танқидчи шахси ва ижодий ўзига хослик”, “Ҳамид Олимжон ва ўзбек танқидчилиги методологиясининг баъзи масалалари” каби илмий тадқиқотлар фикримизга далил бўла олади. Ёинки -“Истиқлол даври ўзбек шеърияти масалалари” деб номланган обзор мақоласида истиқлол даври адабиётининг баъзи кирраларига, хусусан, шеъриятда кечган жараёнларга, унинг айрим масалаларига назар ташлайди.

Бахтиёр Назаровнинг китобхонни бефарқ қолдирадиган бирор рисола ёки мақоласи йўқ. Серқирра ижодкор ўзбек адиллари ва мунаққидлари ижоди таҳлили ва тадқиқи билангина чегараланиб колмай, жаҳон адабий танқидчилари ва санъаткорлари ҳаёти ва

¹ Назаров Б. Истиқлол ва Faфур Fулом (Бир шеър тарихи) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013.- № 3.- Б. 9-11.

ижодига ҳам тез-тез мурожаат қилади. Шоир, ёзувчилар ва драматурглар асарларига бирдек эътибор қаратади.

Олимнинг халқимизнинг севимли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ижоди билан бөглиқ тадқиқотлари фикримизни тасдиқлаши мумкин. Булар эса, ўз навбатида, шоир Абдулла Орипов шеърларини тушунишда яқиндан ёрдам беради. Жумладан, Б.Назаровнинг шогирди Обиджон Каримов томонидан “Абдулла Орипов шеъриятида метафорик образлар тизими” номли номзодлик диссертацияси устида изланиш олиб борилиши ва унинг муваффакиятли химоя килиниши ҳам фикримизнинг ёркин далилидир. Олим шоир шеърлари сиёsat ва мафкура устувор бўлган тузум шароитида ҳам бадиий ижоднинг ажойиб намуналари яратилиши мумкинлигини амалда кўрсата олган ўзига хос ноёб ходиса эканини мисоллар билан изохлаб бера олган.

Биламизки, ўтган асрнинг 60-йиллари бошидан эътиборан ўзбек адабиётида ҳаётга яқинлашиш, ҳаққонийликни куйлаш биркадар кучая борди. Буни адабиётшуносларимиз кўп бор таъкидлашди. Қувонарлиси шундаки, адабиётимизда ҳаётни, ҳақиқатни тасвирлашда бадиийликка интилиш, унда ранг-баранг изланишлар олиб бориш кучайди ва бу ҳол шоир А.Орипов шеърларида ҳам алоҳида бўй кўрсатганини мунаққид Бахтиёр Назаров илғай олган. Шоир шеърларидаги сўз сехри, бадиийлик “Муножоот”ни тинглаб”, “Юзма-юз”, “Сароб”, “Она сайёра” каби қатор манзумаларида мураккаб давр, Ватан тақдирни куюнчак, лоқайдлик ва товламачиликка бешафқат замондошларимиз қиёфаси мисолида тасвирланганини баён этган. А.Орипов таҳликали дамларда ҳам истиклол ғояларини куйлашга ҳаракат қилганини шундай изҳор қилади:

*Шоир қаламида ҳасратлар қат-қат,
Шоирни چулгайди ўйлар дафъатан.
Яшаб қолармикан шеърим оқибат?
Озод бўлармикан нотавон Ватан?*

Маълумки, бу шеър 70-йилларда ёзилган. Шоир ҳасратлари кат-кат. Шўро тузуми даврида буни ёзиш ўлим билан тенг эди. А.Орипов ҳам ўзгалар қатори фақат ва факат хурсандчиликни куйлаши керак эди. Унинг маҳорати шундаки, шеърни “Некрасов ҳасрати” деб номлаган. Фикрлари коса тагида нимкоса – метафора

усулида баён этилган. Некрасов мисолида ўз дардини, миллат орзусини куйлай билган. Эътибор берсак, А.Орипов ўша йилларда жаҳон адабиёти дурдоналаридан бўлмиш “Илохий комедия” (“Дўзах” достони)ни таржима килган эди.

Танқидчи Бахтиёр Назаров Абдулла Орипов билан “Севинчдардим – бари Ватаним” номли сұхбат уюштирган ва уни катта мақола шаклига келтирган. Сұхбат давомида шоир ижодига таржима асносида Данте ва унинг асари рухининг кўрсатган таъсирини алоҳида кайд этган эди. Чиндан ҳам, шу вақтдан бошлаб А.Орипов шеъриятида матнга ботиний маънони жо этиш маҳорати оша борди. Таржима натижасида “Жаннатга йўл” номли драматик достон яратилди.

1973 йилда ёзилган “Генетика” шеъри лирик қаҳрамонида ҳам ўзига хос шижаот, ўз ватанининг эгаси бўлиш орзуси ўта кучли ва таъсирчан ифодаланган. Шеърнинг лирик қаҳрамони шундай дейди:

*Ташна яшадик биз меҳрга мутлоқ,
Ишққа, муҳаббатга ташна ўтдик биз.
Гоҳ эса қуёшдек порлоқ ва йироқ
Ҳаққа, ҳақиқатга ташна ўтдик биз.*

Мунаққид шеър қатига яширинган шоир мақсадини яхши англайди. Халкни нурга, зиёга “коммунист” олиб чикиши мумкинлигига ишонганини таъкидлар экан, бу шоирга ҳукмрон мафкуранинг таъсири деб билади ва маълум маънода ҳақ. Лекин шоир ҳар доим ҳам коммунист образини кўр-кўrona улуғлагани йўқ. Буни 80-йилларда ёзилган “Сафлар поклиги деб...” номли шеърида кўрамиз:

*Колмунист, оҳ менинг жафокаш иним,
Жаҳоний гам билан машгул бир Иисон.
Афсус, сафингда бор қанча бекўним,
Афсус, сафингда бор қанчалар нодон.*

Бахтиёр Назаров А.Орипов ижодини ўрганишда давом этаркан, унинг камчиликларини ҳам кўрсата олган: “Шоир тўпламида шундай шеърлар борки, улар давр синовидан ўта олмаган. Иймони Ватан ва халқ қайғуси билан ҳамнафас шоир ҳам замондош ижодкорлар қатори сиёsat ва мафкуранинг конуний

тазиқида бўлди. Ўз-ўзидан маълумки, шоир ҳам оқимга қўшилиб талайгина замонасоз ва бағишлов шеърлар ёзди”. “Нажот қальаси” шеъри бу фикрларимизнинг ёркин тасдиғидир. Ашъор мазмунидан англашиладики, фирмә ёлгиз нажоткор, унинг марказий қўмитаси нажот қальасидир. Шеърда тузум мафкурасининг таъсири яққол сезилиб туради. Лекин шундай йўналишда айrim мақола ва шеърлар ёзишга зимдан мажбур килаётганларни, иложсиз йўл қўйган хатоларини англаб етди ва кейинги шеърларида “Сен бизни кечиргин, эй, Наврўзимиз...” дея эътироф этиб ўтди.

Яхши биламизки, санъаткор маҳоратини белгилайдиган омиллар кўп. Синчков, нозик дидли ва заҳматкаш танқидчи Бахтиёр Назаров таъкидлаганидек, ҳар бир шоир-ёзувчидаги ёки бу омиллар самаралирок тарзда рӯёбга чиқади.

Лирик ҳарорат ва эстетик таъсир (ёхуд Хуршид Даврон шеъриятига бир назар)

Ҳар қандай адабиётшунос, ҳар бир мунаққид ўз ижодий фаолияти давомида шеъриятнинг сехрли оламига ўз нигохини ташлайди. Бу адабий турда қалам тебратаетган ижодкорларга муносабатларини баён этади. Баҳтиёр Назаровнинг ҳам шоирлар ижоди ҳакида билдирган мулоҳазалари эътиборга молик.

“Рант-барантлик билан камол топиб бораётган ёш ўзбек шеъриятининг пешқадам вакиллари ёзаётган китоблар дўкон расталарида узоқ туриб қолаётгани йўқ, Усмон Азимовнинг ҳам, Хуршид Давроннинг ҳам бугун ўз ўқувчилари, ихлосмандлари бор,- дейди Баҳтиёр Назаров ўз мақолаларидан бирида,- чиндан ҳам улар яратган асарлар, уларнинг номи остида чиқкан китобларни завқ билан ўқийдиган мухлислари бор. Бу албатта, ёш ижодкор учун катта баҳт, ўзига хос интилиш эвазига берилган мукофотdir”.

Мунаққид шоир Хуршид Даврон шеъриятини кузатаркан: “Хуршидинг аксар шеърлари кўпинча табиат тасвиридан ташкил топувчи тиник ва бокира образлар уйғунлиги билан нафас олади. Пировардида, шеър финалида, бирор ижтимоий масалани ёритиш даражасига кўтарилади. Масалан, унинг биргина “Эриб кетар хира туманлар”, деб бошланувчи шеъри ҳам фикримизни тасдиқлаши мумкин. Шеър бир қарашда фақат баҳор тасвирига бағишлангандек бўлиб кўринади. Унда ялпизлар капалакдек уйғонади,

кайрағочнинг гули оддий нафис япрокларгина эмас, улар бамисоли митти жон-у, уларнинг жарангидан атрлар таралади. Тушга ҳам оддийгина ям яшил далалар эмас, майсаларни қучоклаган адирлар киради, гуллаётган олчани кўриб, сабр-тоқати чидамай деразалар кўксини очиб юборади, - дейди танқидчи ўзига хослик билан ва бизнинг эътиборимизни шеърнинг якунига қаратади:

*Ёритганча то юрак ичин
Сабза ўтлар шабнамга қонар.
Ватанига сигинмоқ учун
Ер остида жангчи уйгонар.*

Олимнинг таъкидлашича, Хуршид Даврон шеърларида табиат тасвири ижтимоий маъно билан йўғрилади. Шоир баҳор кезларида диёр нақадар гўзал, Ватанин севинг деб насиҳат қилиб ўтирумайди. Шубҳасиз, бу ҳол синчков мунакқид нигоҳидан четда қолмади. Шоир табиатнинг ўзгалар илғамаган чиройини чизади, бу шундай гўзалликки, ҳатто унга сифиниш учун ер остида ётган жангчилар уйғонади. Бу чиндан ҳам жуда гўзал шеър. Хуршид Давроннинг бундай шеърлари кўп. Энг асосийси, улар ўзига хос тиник ва гўзал.

“Агар Усмон Азим шеърлари учун қаҳрамон ҳолати ва ҳаракатидаги асабийлик, безовталик ҳарактерли бўлиб кўринса, Хуршид Даврон шеърлари учун кўпроқ тиниклик, майинлик, самимийлик ва дилкашларча сухбат вужудидан келиб чиқувчи қалб дардлари ва севинчларини тўкиб солиш хосдир”, -дека мулоҳаза билдиради мунакқид. Энг асосийси, бу самимий сокинлик Хуршид Даврон шеърларида ўз тенгкур дўстлари каби даврнинг, замондошнинг, ҳалқнинг қалбида, фикрида тебраниб турган мухим, мураккаб ва зиддиятли фикрларни ифода этишга тўсқинлик килмайди.

Хуршид Даврон шеърларида топиб айтилган чиройли образларга Бахтиёр Назаров ҳам топиб таъриф бергани ўкувчи ва мутахассисларни бефарқ қолдирмайди. Жумладан, олимнинг куйидаги таърифи унинг нозик дидли мұнаакид эканидан дарак беради: “Хуршид шеърларида топиб айтилган чиройли образлар вуждимизга худди күёш нуридай эркин сингишиб кетади, кўклам шабадасидек энтиқтиради, болаликнинг ширин хотираларидек ҳаяжонга солади. Унинг шеърларида меҳмон бўлиб келаётган шамоллар ҳам оддий эмас, рангиз ва ҳиссиз эмас, бу шамоллар

бағрига ялпизлар хидини босиб келади. Болаликда ким илк севгини, болаликнинг мурғак севгисини бошдан ўтказмаган дейсиз? Ким уни топишга улгурмасдан туриб йўқотмаган дейсиз? Хуршид Даврон бу ҳолатларнинг дилбар манзараларини бера олади: болаликда болишга томган кўзёшлар унинг шеърларида исирғадек ёниб туради, илк севгининг ўзи бамисоли киприкдек узун. Эътибор беринг киприкдек калта эмас, киприкдек узун. Бу севги жуда тез ўтиб кетади, лекин қалбдаги муҳри чехрадаги узун киприкдек гўзал ва абадийдир, ардоклидир. Хуршид Даврон болаликдаги муҳаббатим сўлди, нобуд бўлди, ундан айрилдим, ҳажр ўтида ёниб адойи тамом бўлдим, деб ёзмайди. Унинг шеърларида умид ва ишонч, эртанги ҳаёт гўзалликларидан баҳра олиб яшаш устуворлик килади. Унинг шеърларида майса, ўт, нур ва айниқса, оқ ранг образларининг мўл учраши, айрим шоирлар асарларида бўлганидек тун эртанги саҳарга уйқусизлик азоби натижаларини эмас, янги очилажак куртакларни ташлаб кетишини сеза олган Бахтиёр Назаров бу каби мулоҳазалари билан образли поэтик мушоҳада юритадиган чинакам мунаққидлик маҳоратини намоён эта олган.

Алфонс Доденинг бир гапи бор. Булбулдан сўрабдилар: Кўшиқларинг жуда ажойиб-у, лекин бунча киска бўлмаса? Булбул жавоб берибди: кўшиқларим жуда кўп. лекин уларни куйлаб ултуришим керак. Бахтиёр Назаров Хуршид Даврон шеърларини ўқиганида худди шуни ёдга олади.

Лирика ҳаётнинг, ҳаяжоннинг оний ҳолатларини куйлашини биламиз. Лекин шу оний ҳолатлар ўзининг муайян сабаби ва натижаларидан маҳрум бўлмагандагина асар ўзининг таъсир кучини йўқотмайди. Акс ҳолда асардан кутилган мақсад ўзини оқлаши қийин бўлиб қолади. Бахтиёр Назаровнинг бу каби фикрлари юқорида айтиб ўтилган Хуршид Даврон шеъриятига берилган баҳо эди. Мунаққид шоирнинг “Жийда гулин истадим...” шеърини таҳлил этади ва шундай ёзади:

*Бироқ ўтга кўмилиб,
Йиглагим келса нетай?*

Асар давомида миттигина бойчечак унинг қўлидан ушлаб, йиғлама деб юпатгани, далда бергани ҳақида гап боради. Нима учун қаҳрамон ўтга кўмилиб йиғламоқчи? Бироқ шеърдан бунинг

сабабини билолмаймиз. Лекин шундай бўлган тақдирда ҳам бадий асар буни бизга айтиши керак эди,- дейди Бахтиёр Назаров.

Бахтиёр Назаров қаҳрамон туйғуларининг етарлича очилмай қолиш ҳолатига Хуршид Давроннинг “Дунёнинг безавол тонгида...” деб бошланадиган шеърида ҳам дуч келади. Шеърда эрта кўклам тонгида ялпизлар кўз очгани, саратон келгач, улар ғойиб бўлгани тасвирланади. Табиатнинг бу дилбар онлари жуда тез ўтиб кетганидан шоир астойдил қайгуради. Шеърдаги асосий гап шундан иборат. Тўғри, бу фикрга бирор бир эътиroz билдириш ўринли эмасдир, балки. Чунки ҳар қандай нозик дидли, ҳаяжонга тез берилувчи, табиатнинг гўзаллиги билан энтикиб яшовчи кишида бундай ҳолнинг рўй бериши табиийдир. Бироқ, табиатнинг бу ҳолати туфайли, шеърда тасвирланганидек, шоир ёки лирик қаҳрамон кўзларидан ёшлар тош бўлиб тўкилиши, бўғзига тонг тиқилиб қолиши ва бошқалар, назаримизда, хақиқий ҳолат билан унинг талқинидаги меъёрнинг бузилиши, туйғу тасвирининг зўрма-зўраки бўрттирилиши сифатидагина баҳоланиши мумкин. Чунки шоир айтаётган руҳий ҳолат инсон бошига ҳаддан ташқари катта дард ва ташвиш тушгандагина рўй бериши мумкин. Ялпиз бўй кўрсатиб, тезгина ўтиб кетганини учунгина бу ҳолатга тушиш одамга жуда оғирлик қиласди. Шунинг учун ҳам бир қарашда анчагина чиройли бўлиб кўринган шеър ниҳоясига етгач, бирмунча сунъийроқ туйғулар асосига курилгандек таассурот қолдиради.

Хуршид Давроннинг шеърлари учун кўп сўзлилик, асосий фикр ва мақсаднинг юзини тўсиб кўядиган ортиқча сўзларга ўрин бериш, умуман олганда, ёт нарса, дея шоирга юқори баҳо берган танқидчи сўзининг охирида ҳам самимийлигини сақлаган ҳолда шундай муносабат билдиради: “Шоирнинг ўзига ва асарларига талабчанлиги ўзи билмаган ҳолда бирмунча сусайган ўринда ана шу камчилик кўриниш бериб қолади. Унинг “Ҳозир борсам...” деб бошланадиган шеъридаги ушбу мисраларга эътибор берайлик:

*Ҳозир борсам топаманми мен уйингни,
Уйинг ичра кўраманми гул юзингни
Ва юзингда топаманми дилдан суйган
Тундай қора, ойдай ёргу шўх кўзингни?*

Даставвал хеч қандай эътиroz уйғотмайдигандек бўлиб кўринган бу парчага чукурроқ эътибор берсак, юзингни “уйинг

ичра кўраманми”, кўзингни “юзингдан топаманми” деган иборалар, жумлалар, кўпсўзлилик эканлигини сезмаслик мумкин эмас. Лекин Хуршид Даврон дастлабки шеърларида кўринган бундай камчиликлардан тез кутула олди. Йиллар ўтган сайн унинг шеърларида ибора ва жумлагина эмас, ҳатто ҳар бир сўзга алоҳида эътибор билан қараш кучайди. Мургак гўдакка нисбатан айтилган “Митти оёқчаси ой каби оппок”, бева аёлга нисбат бериб ишлатилган “Бева ховлисига тун олдин кирап”, теримчи қизларга нисбатан қўлланган “куёш иси анқиб туар чехраларидан” каби сатрларда ҳам тиник картина яратиш, ҳам чуқур хаётий маъно беришга интилиш шоир шеърларининг асосий хусусиятига айлана борди”. Ёшлар шеъриятидаги мавзу биқиқлиги, мавзу торлиги ҳақида танқидчилик айтиётган танбехларда жон бор. Назаримизда, бу танбехлар беиз кетмади. Ўзига талабчан, жамоатчилик фикрига хурмат билан қаровчи ёшлар бу фикрлардан ўзларига тегишли хулосалар чиқардилар.

Хуршид Давроннинг “Кошғарий”, “Девон ул лугатит-турк оҳанглари”, “Широқ ҳақида ривоят”, “Абдулхай сўзи”, “Қадимий битикни вараклаб бир кур...” сингари шеърлари ҳам Бахтиёр Назаровнинг эътиборидан четда колмади. Хуршид Даврон ўтмиш ҳақида шеър ёзар экан, унинг мақсади мозийни улуглаш, кечмишта ҳамду-сано ўқиш эмас, тарихнинг бутунимиз билан боғлик ёғдуларини, нурларини бадиий гавдалантиришдан иборатдир. Шунинг учун ҳам таниқли олим Г.А.Пугаченковага бағишланган “Бу деворлар – бизнинг елкамиз...” шеъридаги битик тошлар узок авлодлар қалбидан отилиб чиқкан армонли ва умидли қўшик парчалари; Самоний мақбараси – боболарнинг равшан имони. Шунинг учун бу обидаларни кўз корачиғидек асрароқ керак. “Кошғарий” шеърининг асосини ҳам ўтмиш билан бугуннинг узилмас ришталарини куйлаш ташкил этади. Шоир яхши билади: ҳалқ сўзи ўлмас экан, унинг ўзи ҳам ҳеч қачон ўлмайди. Шунинг учун ҳам Кошғарий меҳнатининг аҳамияти шоир талкинича ҳалқ сўзларини, ҳалқ тилини асраб-авайлаб қолишидагина эмас, умуман, шу тил мансуб бўлган ҳалқни ҳам тарих бағрида “забун” қилмай, куткариб колинишидир.

Бу шеърнинг ғояси Хуршид Давроннинг “Девонул лугатит-турк оҳанглари”да янада давом этирилади ва ривожлантирилади. Бироқ энг асосийси, асарнинг етакчи руҳи, шеърда айтилганидек,

мозийни бугунга уламоқдан иборатдир. Шеърни ўқиши давомида мұнаққид буни чукур хис эта олган. Жумладан,

*Арқұзлардан ҳатлаб, сойларни ичиб
Ятика шуъласин боламдек қучиб
Үтлоқлар қүйини охудек кечиб,
Етаман – эшикни аста чертаман,
Кошгарий чиқади эшикни очиб.
– Хайр! – демас. – Салом, — дер,
– Салом, набирам!*

Бу каби мисраларни Бахтиёр Назаров шундай изохлайди: “Бу маъно айни вактда Кошгарий бобонинг ёш шоирни, ҳозирги замондошимизни ўз боласидек бағрига олишини ҳам ифодалайди. Узоқ мозийдан туриб бу олимнинг ёш авлодга хайр эмас, салом дейишида ҳам катта рамзий маъно бор. У бугун билан тарихнинг яхлитлигига, бугуннинг ўтмишдан узилиб қолмаганига ишорадир.

Хуршид Даврон шеърларида факат мазмун ранг-баранглиги эмас, шаклий ранг-барангликка ҳам интилади. Унинг шеърларидаги шакл қўпинча мазмун моҳияти ва фикр шиддатига мутаносиб равишда ўзгариб туради. Лекин у ҳаётнинг одми, оддий, кундалик ташвишларини бернишда, шунга монанд шаклдаги соддалилка интиламан деб баъзан жўн прозаизмга йўл қўйганини сезмай қолади. Унинг “Оила” деган яхшигина бир шеъри бор. Шеърда бир оила бошига тушган ташвишларнинг, турмуш уринишларининг ўзига хос лавхалари худди ҳаётнинг ўзидек ҳам соддагина, ҳам айни вактда, чукур ички коллизиялар замирида акс эттирилади. Лекин Бахтиёр Назаров шаклда керагидан ортиқ даражада соддалилка интилиш бу шеърнинг айрим парчаларидаги таъсир кучига анча путур етказишини таъкидлаб ўтади:

*Ҳозиргина даладан қайтдим,
Сув тарафдим гўзаларимга.
Мана тонг отяпти,
Хотиним далага кетган –
Мен уни яхши кўраман...
Болаларим ухлаб ётибди,
Кейин улар ҳам кетар далага –
Ёлғиз Нуржон қолар*

*Ухлай десам Нуржон қўймайди.
Бари бир кундуз кун ухлай олмайман –
Ташвишлар елкамдан эзганидан бу.*

Бу парчада маълум бир мақсад, мазмун йўқ эмас, албатта. Шоир бир оила тимсолида пахтакор меҳнатининг машаққатини, пахтакорнинг меҳнатга фидойи муносабатини кўрсатмоқчи: тун бўйи мироб ота далада, тонгда уйга қайтса, хотини далага кетган, гўза парваришининг бу долзарб дамларида эр-хотин бир-бирининг дийдорига ҳам тўёлмай қолади, бундай кезлар хатто болаларнинг ҳам асосий жойи – дала, фақат икки яшар Нуржонгина далага чиқмайди. Даладан тонгда қайтган ота кундуз ҳам тинчгина ухлолмайди: гўза ташвишига коришиб кетган турмуш ташвишлари унга уйку бермайди.

Кўриниб турибдики, шеърнинг асосий мақсади, муаллифнинг поэтик нияти ёмон эмас. Лекин мана шу ниятнинг ўқувчи қалбига, тафаккурига “жиз” этиб тегишига, уни тўлқинлантириб, ўзига шерик қилишига шеърдаги жўн шакл ва прозаик услуб анчагина тўсқинлик қиласи.

Баъзан бир образли фикр шоирнинг бир неча шеърларида такрор ишлатиладиган ҳолларга ҳам дуч келамиз. Масалан, “Мезон кечди...” шеъридаги “Ҳосил тўла араваси лойларга ботиб” мисраси катта ўзгаришсиз “Кузни ўйла” шеърида “ғилдираги лойга ботиб қолган арава” тарзида, “Кузни олиб ўтди дехқонлар” шеърида эса бу фикр мана бундай тарзида яна такрорланади:

*Кузни олиб ўтди дехқонлар
Аравада олмалар билан.
Тўлиб кетди чексиз сайҳонлар
Ғилдираклар гирчиллашидан.*

Бу камчилик Хуршид Даврон шеърлари учун характерли бўлмаса ҳам, бу ҳодиса унинг битикларида факат аҳён-аҳёндагина кўзга ташланса ҳам, бари бир бу жузъий нуқсон муаллифнинг ҳар бир образга, ҳар бир мисрага алоҳида диккат-эътибор билан қарашни кучайтириши лозимлигини кўрсатади”, дейди танқидчи.

Некрасовнинг чиройли бир гапи бор. “Инсон юрагининг оддий сўзларга очилмайдиган шундай дарчалари бўладики, уни фақат шеъриятнинг сеҳрли тили билангина очиш мумкин”. “Биз уй

курганда деразамизни доимо куёш томонга жойлаширамиз. Бу-
уйда ёруғлик мўл бўлиши истаги туфайлигина эмас. Ёгду тўла
хонадон куёшнинг қадрига, куёшли кунларнинг қадрига кўпроқ
етади дейишади. Шунга ўхшаб ўзини танигандан бошлаб инсон
юрагининг деразалари ҳам шеъриятга маҳтал бўлади. Чунки
шеърият юракни эрта занглашдан асрайди, умримизни
мазмунлироқ, ҳаётни янада гўзалрок қиласди, яшамоқ ва
курашмоқнинг сеҳрли сирларини ўргатади". Бахтиёр Назаровнинг
таърифлашича, Хуршид Даврон шеърлари ҳам ўз ўкувчилари
юрагининг деразаларини топа олади. Бунда эса, албатта, танкидчи
ва адабиётшуносларнинг, жумладан, Бахтиёр Назаровнинг
хизматлари бекиёс.

Болалар адабиёти ва ёшлар ижоди муаммолари

Ер юзида дастлабки ота-онанинг биринчи фарзанди дунёга
келиши билан болалар адабиёти ҳам майдонга келгани инкор қилиб
бўлмас ҳакиқатдир¹. Чунки болалар адабиётининг асосий вазифаси
ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш манфаатларига қаратилган.
Бинобарин, болалар адабиёти намунаси ёш авлодни илм-маърифат
нуридан баҳраманд бўлишга чорлайдими, касб ўрганишга
чакирадими, энг яхши инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашга
хизмат қиласдими, булардан қатъий назар, унинг бош вазифаси
фарзандларимизни маънавий-ахлоқий камолот руҳида
тарбиялашдир. Демак, унинг асосий ўзига хосликларидан бири
нафақат адабий-эстетик, балки маънавий-тарбиявий аҳамият касб
этиши билан ҳам белгиланади.

¹ Баракасов Р. Истиколол даври болалар адабиёти: Анъана, ворислик ва иъттапши // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003.- № 3.- Б. 3.



Академик Бахтиёр Назаров хамкаслари профессорлар Ф.Мўминов,
Т.Мирзаев ва бир гурух шогирдлари даврасида.

Бугун “Болалар адабиётимиз истиқлол даврида нималарга эришиди?” деган саволга жавоб излар эканмиз, аввало, ўтган йиллар давомида болалар адабиёти ўз табиий ўзанларига кайта бошлаганини кониқиши билан эътироф этиш жоиз. Биргина мисол: мустақилликнинг илк йилларида ёқ мактабларимизнинг янги дастурларига “Одобнома” фани киритилди. Янги дарслик ва ўкув қўлланмаларимиздан Кайковуснинг “Қобуснома”, Шайх Саъдийнинг “Гулистан” ва “Бўстон”, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат-ул аброр”, Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистан ёхуд ахлок” асарларидан олинган парчалар мустаҳкам ўрин эгаллади. Болалар адабиёти ўзининг маърифий-тарбиявий вазифасини бажаришга киришиди. Буларнинг барчаси ёш авлоднинг маънавий комил инсонлар сифатида шаклланиши, ўз киндик қони тўкилган тупроғи, она Ватани, ўз халки, ўз миллатининг содик фарзанди бўлиб этишишларида улкан маърифий аҳамият касб этиши шубҳасиз эди. Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, истиқлол даври янги ўзбек адабиётининг майдонга келишига 80-йилларнинг иккинчи ярмидаги адабиёт ҳам катта таъсир кўрсатди. Зоро, айни шу даврда болалар адабиёти том маънода ҳақиқатта тик бокадиган адабиётга айланди. Ёш авлодни эркесварлик туйғулари руҳида тарбиялашда илк қадамларни қўйди. Ана шу нуқтаи назардан, истиқлол даври болалар адабиёти ўсишда, улғайишда, ўзлигини

таниш йўлидаги изланишда давом этмоқда дейишга тамомила ҳақлимиз.

Сўнгти йилларда бадий адабиётни ўкиш сусайиб кетгани борасида тез-тез сўз кетмоқда. Бу борада Бахтиёр Назаров ҳам ўз мулоҳазаларини куйинчаклик билан изҳор этади: Ватан туйғусини мажбурлаб сингдирилмагани каби, мутолаага ҳам зўрлик билан ўргатиб бўлмайди. Хўш, ундан бўлса нима қилиш керак? Менимча, мактабларимизда, коллежларда, олий ўкув юртларида адабиёт фанини ўқитиши методикасини такомиллаштириш, ўқитувчилар савияни ошириш керак. Чунончи, муаллимлар асар сюжетини эмас, унинг бадий жозибаси ҳақида гапириб берсин. Агар болага бирор асарнинг жозибасини кўрсатиб бера олсан, кўнглига чўғ солиб кўйсак, айтмасак ҳам уни, албатта, топиб ўқиди. Аслида бадий адабиётни ўкиш сусайиб кетгани табиий жараён, бунинг ўзига яраша ижтимоий сабаблари бор. Эътибор беринг, ёзма адабиёт мавжуд бўлмаган даврда фольклор бирламчи эди. Ёзма адабиёт пайдо бўлиши билан халқ оғзаки ижоди намуналари кейинги планга ўтди. Телевидение юзага келганидан кейин инсоният тафаккурида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Сўнгги йилларда коммуникация тизимидағи инқилоблар, хусусан, интернетнинг пайдо бўлиши билан адабиётта муносабат яна ўзгарди. Анча йиллар бўлди, хорижий газеталардан бирида ўқигандим. Педагогика фанлари доктори б-синфда ўқийдиган фарзандига бир китоб олиб келиб берибди. Аммо ота боласига кунда-кунора уни ўкишини буюрса-да, айтгани кор қилмабди. Орадан маълум муддат ўтиб караса, ўғли мук тушиб ҳалиги китобни ўқиётганмиш. Ота суриштириб билса, ўғлининг синфдошларидан бири айни шу асарни мақтаган экан. Кўриб турганингиздек, педагогика фанлари доктори бўлган отанинг насиҳатидан тенгкур дўстнинг тавсияси кучлироқ таъсирга эга бўлиши мумкин. Адабиёт ўлмайди, чинакам китоб шинавандалари йўқолмайди. Биз ёшлар бадий адабиётдан совиб кетди, деб нолиш ўрнига, бадий адабиётни ёшларга замонавий коммуникация воситалари орқали ҳам етказиш ҳақида ўйлашимиз фойдалирок”.

Мактабларимизда (коллеж ва олий ўкув юртларида ҳам) ёзувчи-шоирлар ижодини чукур ўрганиш эмас, кўп сонли ижодкорларни ўқитиши тенденцияси кузатилади. Ўрта мактабда эллик нафар, коллежда йигирма нафар, олий ўкув юртида ўттиз нафар (бу рақам кам ёки кўп бўлиши мумкин) ёзувчи-шоирни

ўқитиш шартмикин?! Бунинг ўрнига ижодкорлар саногини камайтириб, классикларимизни чукуррок ўрганиш тұғри эмасми?! Кодирий мактабларда 5-6-синфдан бошлаб ўқитилади, менимча, уни бошлангич синфлар дастурга киритиш керак. Дейлик, биринчи синфда адиб асарларидан ҳикматли гаплар, парчалар ўқитилсін. Кейинги синфларда ҳам боланинг ёши, дүнёқарашига мос сабоклар берилсін. Токи фарзандларимиз мактабни битиргунга кадар Абдулла Кодирий ҳакида фактат маълумот олиб қолмай, улар калбіда адиб асарларига муҳаббат уйғонсин, дейди олим ўз фикрларини изчил баён этиб.

Ўзбек болалар адабиётининг XX аср 60-70-йилларигача бўлган даврини кейинги даври билан қиёсласак, гарчи бу даврлар орасида узвий боғлиқлик бўлса-да, кейингиси аввалгисидан жiddий фарқланишини сезмаслик мумкин эмас. Бунинг талай сабаблари бор, албатта. Ана шу сабабларнинг айримлари бадиийликка эътиборнинг кучайгани, болалар адабиётига хос хусусиятларнинг ижодкорлар томонидан чукуррок эгаллана бошлангани, айникса, йирик жанрларда асарлар юзага келгани, болалар адабий танқидчилигига ҳам жiddий ўзгаришлар юз бергани, янги авлод ижодкорларининг майдонга келгани билан изохланади.

Болалар адабиётида янгича нафас (ёхуд Сафар Барноев изходий портретига чизгилар)

Сафар Барноев 70-80- йиллар авлодига мансуб ёзувчи эди. У дастлабки тўпламлари биланоқ болалар адабиётига янги ҳаволар олиб киришга интилди, деярли кирқ йиллик ижоди билан болалар шеърияти, ҳикоячилиги, қиссачилиги ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини кўшди¹. “Унинг жуссаси болалигигидаёқ меҳнатда тобланиб тарашланди. Отаси урушга кетгач, рўзгорни тебратишида онасига таянч бўлди. Қўлигул онаси Рўзигул холанинг ёпган нонларини уйлари яқинидаги гузарга элтар, қайтишда, албатта, йўл ёқасидаги китоб дўконига кириб ўтарди. Турмуш уринишлари, болалиги ҳакида гапиргандан: мен тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам нон қадрини яхши биламан, дерди Сафар ака. Айникса, болалигимда онам ёпган нон иси, мазаси, ранги юрагимга, кўзимга муҳрланиб қолган”.

¹ Назаров Б. Қалби орзулардек кенг эди // Ўзбек тили ва адабиёті, 2008.-№ 4.

Тошкентда Сафар ака билан университетда бирга ўқидик. Унинг ёши биздан бирмунча катта бўлишига қарамай, буни сездирмасликка ҳаракат қилар, доим ўзини тенг тутар эди. Пахта теримиға чиққанимизда, терга ботиб астойдил меҳнат қилар, гулхан атрофидаги шеърхонликларда камсукумлик билан иштирок этарди. Кўпчилик бошловчи болалар шоири сингари унинг ҳам Куддус Мухаммадий “Сандал”ида исиниб, “Печка”сидан тафт олгани шундоккина сезилиб турарди¹, – дейди Бахтиёр Назаров бу ижодкор ҳақида сўз юритар экан. Чиндан ҳам, онгли ҳаёти адабиётнинг ичидаги кечган шоирнинг оиласвий турмуши ҳам адабиёт билан боғланниб кеттган эди: меҳрибон аёли Малика опа билан дастлаб адабиёт тўгарагида танишган эдилар. Сафар ака ёзган асарларнинг илк ўкувчилари, танқидчилари ҳам Малика опа ва фарзандлари эди. У оиласга, фарзандларига, дўстларига ниҳоятда садоқатли эди. Ўзи кирган давраларни, сұхбатларни гуллатарди. Қалби орзуладидек кенг, хаёллари жаҳонгир эди.

Даврадошларидан ёши каттароқ бўлгани учун ҳазиллашиб у кишига баъзан Сафар ота, деб мурожаат этардилар. Бахор кунларидан бирида қайсиdir бокка чойхўрликка кирдик, - дея хотирлайди ўша йилларни Бахтиёр Назаров.- Сафар ота, Рауф, Зоҳир, Нўймон, Ортиқбой², мен... ҳали чой буюриб улгурмаган ҳам эдикки, нариги даврада ўтирганлар таниш чикиб қолишди ва бизни ўз ёнларига таклиф этишди. Давра кенгайди, сұхбат кизиди. Дўстларимиз каторида ёзувчиларни яқиндан танимайдиган, лекин ижодга ишқибозлар бор экан. Биз Сафар акага гап орасида бир-икки бор “Сафар ота”, деб мурожаат қилганда бояги йигитлардан бири даст ўрнидан туриб, “Назир Сафаров, ўзлари бўладиларми, кечирасиз устоз, қоронғу тушиб, бироз танимабман”, деб қолса бўладими. “Ҳечқиси йўқ? Ҳечқиси йўқ” Назир Сафаров деганлари нечта бўлади, битта бўлади-да”, деб кўйди Сафар ака одатига кўра ўнг кўлини шеър ўқиётгандагидек бир-икки силтаб. Бояги йигит Назир Сафаровнинг роман, ҳикоя, очеркларини жуда севиб ўқишини тўлқинланиб гапира кетди ва бот-бот Сафар акага мурожаат қилиб, “қаранг-а, сира сиз билан бир дастурхон атрофида ўтираман деб ўйламаган эдим, омади юришган одам эканман”, деб кўярди пешонасидаги терни артиб, астойдил. Сафар ака ҳам

¹ Назаров Б. Қалби орзуладидек кептэ эди // Ўзбек тілни ва адабиётни, 2008.- № 4.

² Рауф (Рауф Парфи), Зоҳир (Зоҳир Айлам), Нўймон (Нўймон Рахимжонов), Ортиқбой (Ортиқбой Абдулласов)

салобат билан бир-икки бош силкиб сұхбатдошининг фикрларини маъқуллаб қўярди. Бундан таъсирланган йигитнинг ҳиммати билан дастурхон бир-икки бор янгиланди. Ана шундай, баъзан чин, баъзан ҳазил тарзда мухлислар эътиборини қозона олган, чинакам ҳурмат ва эътиборга муносиб бўлган Сафар Барноевнинг бутун умри адабиёт билан боғлик ҳолда кечди.

Нашриётда, журналларда, Ёзувчилар уюшмасида баракали фаолият олиб борди. Хусусан, нашриётда мухаррир бўлиб ишлаганда кўпдан-кўп дўстлари, таниш-нотаниш шоир, ёзувчиларнинг китоблари чиқшига бош-кош бўлди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Халқ таълими вазирлигида хизмат килиб, маориф соҳасига мустақиллик руҳини сингдиришда жонбозлик кўрсатди. Ўша пайтда амалга оширилган кўпдан-кўп миллатпарварлик, ватанпарварлик ғоялари билан суғорилган ишларнинг мактаб ҳаётига, ўкувчилар онти ва қалбига сингишида Сафар Барноевнинг хиссаси бор.

“Гулхан” журналига Сафар Барноев мухаррирлик қилган йиллар ҳам изсиз ва самарасиз кетмади. Асар ва муаллифларга талаб кучайди, журнал ранг-баранглашди, ўкувчилари доираси кентгайди, болалар адабиётига янги номлар “Гулхан ёғдулари” оркали кириб келди.

Бахтиёр Назаров Сафар Барноев ижодида ўзбек болалар адабиётининг ранг-баранг муаммолари, чунончи, болалар тақдирида ўчмас из колдирган уруш даҳшатлари акс этганига алоҳида эътибор қаратади. “Чехралар” тўпламидаги шеърлар ва балладаларнинг, “Афғон ҳикоялари” туркумидаги асарларнинг асосий қисми ушбу мавзуни бадиий ёритишга бағишлиланган.“Қирк еттинчи йил ҳикоялари” деб номланган туркумга кирган асарларида — бутун бир авлоднинг — уруш тугаган паллаларда вояга етган, ок-қорани тушуна бошлаган, қўнгли бир умр ярим бўлиб қолган болалар авлодининг киёфаси акс этган. Бу авлод кейинчалик ўсиб-улгайди, эл-юрт хизматига камарбаста бўлди. Улар орасидан олимлар-у шоирлар, косманавт-у давлат арбоблари етишиб чиқди. Ота дийдорига тўймаган бу авлоднинг бир вакили сифатида Сафар Барноев “Ота ўғли”, “Дадамнинг қўллари”, “Дадам ҳакида қўшик” асарларида ўша давр болаларининг армонларини тасвирилагани ҳам мунакқид назаридан четда қолмади.

Адибнинг ижоди, асарлари ўз вактида эътироф этилди ва айниқса, Бахтиёр Назаров томонидан муносиб баҳоланди. УFaфур

Гулом номидаги мукофот сохиби бўлди, “Офарин” мукофотига мушарраф бўлди, шеърлари, ҳикоялари ўндан ортиқ тилларга таржима қилинди. Хусусан, уруш ҳакида ёзиб, айниқса, унинг даҳшатларини ўз бошидан ўтказган рус, украин, белорус, чех, поляк китобхонларини қойил қолдириш осон эмас. Сафар Барноевнинг уруш мавзуидаги шеър, ҳикоялари ана шу халқлар китобхонларига маъкул келиб, уларнинг тилларига таржима қилиниб, чоп этилган экан, бу ўзбек адиби маҳоратининг тан олинганидан далолатдир.

Бахтиёр Назаров ана шу жонкуяр ижодкор ҳакида “Қалби орзулардек кенг эди...” номли мақоласида жуда ҳам гўзал фикр ва мулоҳазаларни билдирган. Аввало, мақоланинг номига эътибор қаратсан, бу қадар оддий ва бежирим номни қайдан топиш мумкин. Ижодкор ва журналистлар одатда асар ёки мақолани ёзишдан ҳам кўра уни номлаш кийинроқ эканини таъкидлайдилар. Бахтиёр Назаровнинг китоблари-ю, мақоларининг номлари, сарлавҳалари эса жуда эътибор билан танланганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. (Бу борада ишимизнинг хulosса қисмида алоҳида тўхталиб ўтилади).

Сафар Барноевнинг ижоди фақат ушбу мавзудаги асарлар билантина чекланмаган, албатта, ҳаётда ўзининг мустақил ўрнини топишга интилаётган ёшлар, ўсмирлар дунёсига хос муаммоларни ёритиши Сафар Барноев ижоди учун бегона эмас эди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун унинг “Тоғдаман”, “Биринчи табассум”, “Софинг” сингари тўпламлари, “Синфдошлар”, “Кийик боласи”, “Данак” каби ҳикоялари ҳамда “Оқ лайлаклар” сингари қиссаларига назар ташлаш кифоя. “Кичик ҳикоялардан ташкил топган “Кичкина Ҳўжа Насриддин” қиссаси XX аср сўнгтидаги ўзбек болалар адабиётининг гўзал намуналаридан биридир. Бу асар ўз вактида ўн минг нусхада нашр этилиб, жуда тез тарқалиб кетгани, ёзувчининг мухлислари кўплигини, у болаларнинг севимли адиби даражасига кўтарилиганини кўрсатади”, дейди Бахтиёр Назаров. Том маънода айтиш мумкинки, бу қиссаси билан адиб ўзбек болалар адабиётига кичкина Ҳўжа Насриддин образини олиб кирди. Кичкина Ҳўжа Насриддиннинг ўзига хос саргузаштлари тасвири орқали ажойиб бир образ яратиб, ўзбек болалар адабиётининг кўркам биносига мустаҳкам гишт қўйиб кетди. Ана шу ғаштнинг бинода қай даражада аҳамиятли эканини сеза олган танқидчи эса Бахтиёр Назаров эди.

Олим Сафар Барноев асарларини тадқик этар экан, шунчаки таҳлил этиш билан чекланиб қолмайди, уларнинг ҳар бирига муносиб баҳо беришга уринади. Адабиётшунослар орасида катталар учун ёзгандан кўра болалар учун ёзиш нечоғли кийин экани тез-тез таъкидланади. Худди шу каби танқидчилар учун ҳам катталар учун ижод қилувчилардан кўра, болалар адабиёти вакиллари асарларини таҳлил этиш, уларга такриз битиш, тұғри ва муносиб баҳолаш мураккаб ва масъулиятли вазифа саналади. Ана шундай масъулиятни улдалаб, Сафар Барноев ижодига муносиб баҳо берган мунаккиднинг фаолияти ҳам эъзозга лойик.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш керакки, 80-йилларнинг иккинчи ярми ўзигта хос бир давр, яъни ижтимоий-маънавий карашлар ўзгариши, янгиланиш даври бўлди. Маънавиятимиздаги туб ўзгаришлар эса ижодкор ва танқидчилар олдига ҳам улкан талабларни қўйди. Бир пайтлар мадх этилган, кўкка кўтарилган кўплаб мавзуларни ҳаётнинг ўзи сиқиб чиқарди, ортиқча нарса сифатида баҳридан ўтди. Инчунин, бу даврда муайян даражада тозаланиш, уйғониш фасли ҳам бошланди. “Ошкоралик” йиллари миллат зиёлилари, бутун миллатимиз ўзлигини қайта идрок этишига туртки берди. Ҳалқимиз фикр эркинлигидан фойдаланиб, ўзининг минг йиллик кадриятларига, эътиқодларига қайтди. Ана шу жараёнда ёшлар ижодининг ҳам ўзига хос камтарона ӯрни бор. Ёш китобхон қалбida истиқлол туйғуларининг чечак отишига, ҳақиқий том маънодаги она Ватан-қиндиқ қони тўқильтган мукаддас заминга меҳр-муҳаббат, унинг бетакрор табиати – кир-адирларини, тоғ-у ўрмонларини, боғ-роғларини, дарё ва кўлларини авайлаб-асрасиша; Ўзбекистон деб аталмиш ана шу муқаддас Ватанга, унинг номини оламга танитган буюк фарзандлари-мутафаккир олим-у шоирлари, улуғ Туркистон ягоналиги учун курашган сохибқирон тождорлари шаънига муносиб фарзанд бўлиш руҳида тарбиялашга хизмат қиласи. Бахтиёр Назаровнинг таъкидлашича, ушбу ҳаётбахш анъаналардан етишиб чиқсан болалар адабиёти, аввало, мавзу жихатдан янгиланди. Унга ўзбек характери, ўзбек киёфаси, ҳаётга янгича кўз билан қараётган тийрак фарзандлар тимсоли кириб келди.

Ёш қалблар поэтик иқрорномаси

Мустақилликнинг чорак асри мобайнида ўзбек шеърияти эришган ютуклар ва камчиликни бирма-бир санаш қийин ва эҳтимол, бу ушбу мақола учун зарур эмасдир. Қолаверса, бу масалада саноқ ва эътирофнинг ўзигина кўнгилга бирор бир таскин бера олмаслиги аён, албатта. Лекин шу вакт давомида шеъриятимизда қандай ўзгаришлар рўй берди, қандай янгиликлар кўзга ташланди, деган саволларга жавоб беришгина эмас, уларга жавоб излашнинг ўзидаёқ мақсаднинг баъзи натижалари бўй кўрсата билади. Шу маънода мунаққиднинг умуман йигирма ёшлилар, айниқса мустақилликка тенгдош ёшдаги шоирларимиз ижодига бир назар ташлаш, уларнинг руҳий ва бадиий дунёсидаги эврилишларни кузатиш, тахайюлидаги реал ва идеал ғоялар, образларнинг ўзаро муносабатларини таҳлил этиши ҳам муҳим киммат касб этади.

Мунаққид даставвал сўзни ёшларга, ёш ижодкорларга давлат миқёсидаги зътибор ва ғамхўрликка қаратади. Зотан олим ҳакли равища таъкидлаганидек, мустақил юртимиздаги ёшларга зътибор масаласи ҳеч муболағасиз, жаҳоннинг исталган мамлакатидаги тенгкурлари ҳавас билан қарасалар арзигулиkdir.

Мустақиллик йилларида истеъодли ва иқтидорли ёшларга зътибор бехад ортди. Биз буни Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ги Қонуни¹ мисолида яққол кўришимиз мумкин. Зотан, ушбу Қонун хужжати ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишини бош мақсад қилгани билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Мустақил юртимизда ўсиб келаётган ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш: интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун барча шарт-шароитлар яратилиши назарда тутилгани, бунинг учун ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва хукукий чора-тадбирлар тизими яратилгани ижодкор ёшлар калбига чексиз ғурур ва ифтиҳор бағишлайди. Шубҳасиз, бундай ғамхўрликни собиқ шўролар тузуми пайтида фақат орзу қилиш мумкин эди.

Ёшлар ижодини кузатиш, истеъод учқунлари куртаклаётган иқтидор соҳибларини аниқлаш, маънавий рағбатлантириш ишидан

¹ Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида. (ЎРҚ-406-сон) 2016 йил 14 сентябрь.

Бахтиёр Назаров ҳам четда турмади. Мунаққид ўзига хос тахлилий ва танқидий мақолалари билан адабий танқидда энг гўзал анъана-ёшлар ижодиётига эътибор бериш миллий анъанаси ривожига сезиларли хисса кўшишга интилди.

“Ёш ижодкор кизларимизни рағбатлантиришга мўлжалланган Зулфия номидаги Давлат мукофоти каби рағбат шаклини дунёнинг бирор бир мамлакатидан топиб кўринг-чи. Зомин мушоиралари хақида матбуотдан маълумот олиб, шунчаки ташвиқотлардан бирида, деб юрган айрим хорижлик ёшлар бу учрашувларнинг шохиди бўлгач, ҳайратдан ҳаяжонларини яшира олмаганинг гувохи бўлганман”, дейди олим ўз мақоласида.

Дарҳақиқат, ҳар йили қаттиқ танлов асосида саралаб олинган бир қатор ёш ижодкорларнинг дастлабки китоблари катта нусхаларда давлат хисобидан чоп эттирилиб, жумхурият миқёсида бепул тарқатилаётгани ҳам ёшларга кўрсатилаётган эътиборнинг навбатдаги ёркин намунасиdir. “Бу ёшдагилар мустақил ҳаётга эндиғина қадам қўяётган, шеъриятга ҳам эндиғина атак-чечак қилиб кириб келаётган бўлса, ёзганлари ҳам шундан ортиб каерга бораиди? Ҳатто Эркин Вохидов ва Абдулла Ориповнинг бу ёшда ёзганларидан кўп жилдликларига бор-йўғи уч-тўртгина шеър киритилган ва улар ҳам ҳозирги назарда ўртамиёна даражада. Шу маънода, йигирма тўрт ёшдаги шоирлар ижодига алоҳида мақола бағишлиашдан бирор наф бормикан, эртароқ эмасмикан? Лекин йигирма тўрт ёшлилар ва баъзан, улардан ҳам бирмунча навқиронрок ижодкор ёшларимиз ҳам борки, уларнинг дастлабки тўпламлари, туркум шеърларини ўқиб, теран дидли, ўзига хос тарздаги, ҳақиқий шоир деган мақомга муносиб равища шакланиб келаётган янги кучларимиз бор, деб дадил айта оламиз, дейди Бахтиёр Назаров.

Олимнинг бу мақоласи ҳар жиҳатдан эътиборли дейиш мумкин. Чунки унда ҳозирги йигирма ёшлиларимиз ижодининг қай даражада эканлигини билиш учун уларнинг устозлари, улкан салафларининг йигирма ёшда ёзган шеърлари билан қискача киёсланганди.

Маълумки, -деб ёзади Бахтиёр Назаров, - Фитратнинг бутун ижоди марказида Ватан ва озодлик масаласи туради. Унинг йигирма ёшлар атрофида ёзила бошлаб, икки-уч йилдан сўнг Туркияда нашр этилган “Сайҳа” тўпламидаги шеърларидан бирида шундай мисралар бор:

*Тонг саҳардан тавоғ этгил, бу ватанимдир,
На ватан бу, сајсдагоҳ-у жоним ва танимдир,
Кўқда моҳим, осойиши-у иззат-шарафимдир,
Ҳам Каъбамдир, ҳам қибламдир, ҳамда чаманимдир.*

Туркистон мухториятини оташин ҳаяжон ва порлок қувонч билан кутиб олган Чўлпон эса йигирма ёшлар арафасида “Озод турк байрами” асарини ёзди. Шеър матни бир неча кун ичидаёк янги тузилган давлатнинг бамисоли мадхиясига айланди. У ёшлар, намойишчилар, тури миқёслардаги йиғин қатнашчилари томонидан Топкентда, Фаргона водийсида, Қўконда оммавий равишда ижро этилганига тарих гувоҳ:

*Кўз очинг, боқинг ҳар ён!
Қардошлар қандай замон!
Шодликка тўлди жаҳон!
Фидо бу кунларга жон!*

Нақорат:

*Туркистонлик — отимиз, туронлик унвонимиз,
Ватан — бизим жонимиз, фидо ўлсин қонимиз!*

Хўш, Бахтиёр Назаров нима учун бу каби мисолларни келтирмоқда. Эътибор берадиган бўлсак, йигирмаларга борар-бормаган ёш шоир бутун Туркистон ўлкаси ҳалқининг ўтли орзуумиди ва ҳатто, армонларини ўзига жо этган – ҳам мазмун, ҳам шакли жиҳатидан янги бўлган, хайрат ва ниодага йўғрилган асарини яратган. Танқидчи бу ўринда “Ақл ёшда эмас, бошда!” деган фикрни хаёлидан ўтказган бўлса, ажаб эмас.

Ойбекнинг ўн тўққиз ёшида ёзган “Ишчига” номли шеъри ҳам Бахтиёр Назаровнинг эътиборидан четда қолмайди. Бу ўн икки сатрлик шеърнинг биринчи тўртлигида: “Эркинлик келди, бу йўлда лолалар-чечаклар кулади, жаннатлар яратур болғалар”, деса-да, асар якунига, айниқса, унинг сўнгти қисмига асл умидларини, ҳаётта, тузумга қарашларини жойлай билган:

*Денгиздек тўлқин ур, багир сен!
Зулматнинг юраги узилсин.
Йўқсиллар дунёсин чақир сен!
Дунёда чин ҳаёт тузилсин!*

Шеър маъно-моҳиятига, ғоявий йўналиши ва бадииятидаги тизилмага эътибор беринг-а, уларда даврдаги етакчи мақсадларнинг юраги уриб турибди. Кичик бир шеър замондошлар билан бир қаторда шу замон ижодкорларининг дастурий йўналишидек жарангламоқда. Бу вактда шоир ҳатто йигирмани ҳам қораламаган эди.

“Боғ” шеърини ёзганда эса Миртемир, эндиғина ўн етти ёшда эди, дея ўз мулоҳазаларида давом этади Бахтиёр Назаров.

*Боғ! Шарқнинг булутлар босган уфқида ўтлар ёнади.
Ёвувлар булгаган мажруҳ кўксига шуъла ёқади...
Йилларнинг жабрини тортган андалар турган ўхшайди,
Занжирлар исёнсиз узилмаслигини билган ўхшайди.*

Шеър остига битилган 1927-санасини қўрмасантлиз, унинг муаллифи ўспирин йигитча эмас, каттагина ҳаётий тажрибага эга, дунёқараши чиниқкан ва тиниқкан шоир бўлса керак, деган фикрга боришингиз табиий, дейди олим. Чиндан ҳам! Бунинг устига асар замирида Ватан дардлари айтилиб, шу ёшдаёқ шеъриятнинг ажаб сир-синоатлари устида астойдил излана бошлаганинг гувоҳи бўламиз:

*Қандай гўзал, қандай ложувард,
Хаёл каби кўринар жаҳон.*

Ёки:

*Деразамга урилади қор,
Урилади жарангсиз кулгуи.
Деразамга урилади қор,
Қор сингари оппоқ бўлди туши.*

Бахтиёр Назаров XX аср ўзбек шеъриятига тамомила янги рух, янги оҳанглар, охори тўкилмаган бадиий образлар, янги шакллар

олиб кира бошлаганида Рауф Парфи ҳам йигирма ёшда бўлганини таъкидлар экан, унинг бетакрор сатрларига эътибор қаратади. Жумладан, “Кундуз ўйга чўмар тун ярми”, “Кечки қуёш турмаклар сочин, Жозибали бўлар эртага”, “Шабнамнинг соф қадаҳи синди, Кулимизни совурди фалак. Сен мендан айрилдинг, мен сендан, Ўйин тушар рангин камалак”. Бу каби қуйма сатрларни сеза олиш танқидчининг нигоҳи ўткир, поэтик диidi нозик эканининг яна бир далилидир. Зеро, мунаққиднинг энг катта ютуқларидан бири ҳам ана шундай бетакрор сатрларни, беназир мисраларни илғай олишида кўзга ташланади.

Рауф Парфининг ўн тўрт, ўн етти, ўн саккиз, ўн тўккиз ёшларидағи ижодига назар ташласак, шоир жуда эрта шеърдаги мазмун, гоя, мақсад билан бир каторда, асар шаклига ҳам катта эътибор қаратганини кузатамиз, дейди олим. Ҳақ гап, шоирнинг йигирма ёшида ёзган бир-биридан гўзал сонетлари борки, Чўлпон ва Усмон Носирдек буюклар ижодида ҳам бу жанрдаги шеърлар учраса-да асарнинг бадиий теранлиги ва жаҳон адабиётидаги намуналари билан бир каторда тура олишидан келиб чикиб, Рауф Парфини ўзбек адабиётида сонет жанрининг асосчиларидан бири дея оламиз. Шоир ана шу сонетларидан бирида бундан салкам эллик йил аввал Ватанинг озод бўлишини истаб, шундай деб ёзган эди:

*Уйгонар Туркистон, уйгонар дунё,
Порлоқ умидларга тўлиб кун ботар.
Бахт сингари олис юлдузлар, гўё,
Азал гўзаллигининг шаъмини ёқар.*

Бахтиёр Назаров шоир йигирма ёшларида ёзган шеърларидан яна бири сифатида куйидаги мисраларга тўхталиб ўтади:

*Бир сўз бор.
Бегубор тонг каби гўзал.
Тонг чоги очилган гунча каби,
Гунчада шабнам каби мусаффо.
Ширин туйгуларнинг
Ширин фарзанди
Осмон каби бепоён кўзлар севинчи янглиг,
Бир сўз бор.
Бир сўз бор.*

Қандай сўз экан у “Ҳақиқат сўзидан ҳам ва ҳатто ҳақиқатнинг ўзидан ҳам юксак бўла оладиган”, деган ўйга берилади бу мисраларни ўқиган ўкувчи, танқидчи ва адабиётшунослар. Ҳар ким ўз интеллекти, дарди, нияти, орзусидан келиб чикиб, уни топгандек ҳам бўлади. Ким учундир бу сўз “баҳт”дир, бошқа бирор учун эҳтимол “Ватан”, кимлар учун “муҳаббат”, ким учун “она”. Бахтиёр Назаров шоир ниятини тўғри илгай олди, бу борада бошқалардан кўра асослироқ фикрни у айта билди. Олимнинг таъдиклашича, Рауф Парфи учун бу сўз “озодлик” эди. Зоро, унинг бутун умри шу сўз моҳиятига яширган дард билан ўтди.

Шундай қиёслардан сўнг Бахтиёр Назаров мустақиллик ёшига тенгдош шоирларнинг эндиғина куртак ота бошлиётган ижодига назар ташлайди. Истиқлол, Байроғимиз, Конституцияни куйлаш алоҳида ўрин тутишини таъкидлар экан, дастлаб Ўзбекистон Миллий университети талабаси Дилфуз Усмонованинг “Орзуларим”, “Умидлар қанотида”, “Ширин афсун” номли уч шеърий тўпламларидағи айрим мисралар ҳақида фикр билдиради.

*Истиқлол — Истиқбол бу мангу тилак,
Ватаним, муборак, шонли айёминг —*

деб ёзар экан, бу мисралар шунчаки, риторика, қуруқ мадхиябозлиқ эмас, бу нидо барча ёш замондошлари қалбидан отилиб чиққан “Уммон туйгулари”нинг самимий ифодаси эканига ишонасиз. Ёш шоиранинг “Юртимга тилак” шеъридаги:

*Энг улуг, энг азиз шодиёнамиз,
Асрларга татир-мустақиллигим.
Ватан меҳри — уммон, мунис онамиз,
Шалола янглиг соғ, эзгу диллигим —*

мисралари эса юқоридаги фикрларнинг яна бир тасдиғи ва давоми сифатида жаранглайди. Эътибор берсак, дейди танқидчи, мисраларда фавқулодда бир образлилик, кутилмаган ўхшатиш ёки мажозни кўрмайсиз, сезмайсиз. Бирок, энг асосий нарса – беғубор ёш қалбнинг, шу қалбга туташ миллионлар юрагининг ифодасидир.

*Юксал, яна излан, шиддат билан тош,
Бўлайлик биз ёшлар сенга елкадош,
Олдинда кутажсак порлоқ келажсак!
Юртим муборакдир Сенга қутлуг ёш,*

мисралари бугунги поэтик икрорнома эканидан ташқари улар ўзида бугуннинг шукроналигини ва келажакка ишонч руҳини ифодалаши жиҳатидан ҳам қимматли эканини таъкидлайди Бахтиёр Назаров.

Танқидчи бу каби мисолларни шунчаки танламаган, кўзи тушган жойдан олиб кўя қолмаган. Балки бунинг учун жуда кўп ёш ижодкорларнинг илк тўпламлари билан танишиб чиқкан ва синчи мунаққид улар орасидан энг сараларини, эътибор тортадиганларини танлаб олган. Жумладан, ёш шоира Турсуной Мажидованинг “Кўклам тухфаси” номли тўпламидаги “Мустакиллик” номли шеъри олимнинг эътиборини торта олди:

*Сўрасалар, Ватаннинг эркаси кимлар?
“Бизлиз”, – деб айтамиз, қалбда ифтихор
Сўрасалар, Ватаннинг эртаси кимлар?
“Бизлиз”, — деймиз буюк келажаги бор!*

Келажакка умид ва энг асосийси, келажакнинг буюк бўлажагига ишонч шеърнинг меҳварини ташкил этади. Ёшлар, хусусан, бу каби шеърларнинг муаллифлари Ватаннинг хозирги эрка фарзанди экани баробарида унинг эртаси ҳам эканликларини комил ишонч билан куйлайдилар. Ватаннинг келажаги буюк эканига шубҳасиз ишонч, бундай шеърларнинг бутун руҳиятини ёритиб туради. Мустакиллик асрлар давомида орзу қилинган буюк неъмат, ота-боболаримиз узок вакт интилиб келган бир толе эди. Шу боисдан ҳам, истиқоллининг илк даврларида хоҳ ёш, хоҳ тажрибали ижодкор бўлсин мустакилликни мадҳ этиб асарлар битишга ўзини бурчли деб билди. Аммо худди шу даврда бадиятдан кўра кўпроқ чорлов, даъват, мадхия мақомлари устун бўлган асарлар ҳам пайдо бўлгани, афсуски, ҳақиқат эди. Аммо буни кўриб билиб турган кўплаб атоқли танқидчилар ҳам негадир бунга кўз юмдилар. Аммо Бахтиёр Назаров бу борада ҳақиқатини айтишга ўзини бурчли деб билди. Жумладан, олимнинг қуидаги фикрларига эътиборни қаратамиз: Айни вактда шеърлар структурасида бадиятдан кўра поэтика, чорлов, даъват ёхуд

эътироф мақомлари устунлик қиласи ҳамда бу ҳол ёшлар мазкур йўналишдаги асарларнинг бадиияти устида алоҳида ишлашлари лозимлигини кўрсатади.

Бахтиёр Назаров мустакиллик тенгдошларидан яна бири Малоҳат Мамажонованинг “Истиклол” шеърига юкори баҳо берib шундай дейди: Малоҳат ўзбек халки тақдиридаги улуғ тарихий ҳодисанинг ўзинигина мадҳ этишга берилиб кетмайди. Ёш шоирани, айниқса, Истиклол натижалари қизиктиради:

*Жаҳон эшиклари очиқдир бу кун,
Ҳар қайга қўл чўзсан етар қўлларим.
Тенглар ичра тенгман, ҳам бутун,
Ҳар қадамим қутлуг, порлоқ йўлларим.*

Жаҳон эшиклари очиқлигига бутун дунёнинг манаман деган мамлакатларида Малоҳатнинг юзлаб-минглаб тенгдошлари эмин-эркин таҳсил олаётганининг ўзи ёркин далил бўла олади. Лирик қаҳрамон қўлини қаерга чўзса етиши - етти иклим, барча қитъаларда ранг-баранг халқлар-у ташкилотлар билан турли йўналишларда алоқалар ўрнатишигина эмас, ўзбек фарзандининг овози китъанинг исталган нуктасида ўз ўрнига эга дадил жаранглаётгани ҳамдир.

Мустакилликни баъзи шоирларимиз буюк тарихий ғалаба сифатида куйлайдилар. Бошка бирлари бугунги улуғ бунёдкорлигимиз, ютукларимизнинг жаҳон томонидан тан олинишидаги бош омил сифатида кўрсатадилар. Баъзилар истиклол қиёфасини ёритиш учун чукур, теран, гоҳида фалсафий, мураккаб образларга мурожаат этсалар, баъзи ёш шоирларимиз асосий мақсадни ниҳоятда содда, оддий халқона образлар орқали амалга оширишга харакат киладилар. Бу оддийлик, соддалик асарнинг бадиий кимматига путур етказмайди, аксинча, унинг ўзига хос, халқона йўсинда ёритилишига бўйсундирилади. Марғилонлик Дишода Расулованинг мўжазигина шеъри таҳлилида ҳам Бахтиёр Назаровнинг чинакам мунаққидлик маҳорати кўзга ташланади:

*Қўлимдаги бутун нон,
Бобом турган қадим шон,
Юрагимда пок виждан –
Мустакиллик!*

Юзаки қараганда, шеър оддий сўзлар йигиндисидек, илгари сур伊拉ётган фикр ҳам жўн бўлиб туюлиши мумкин. Аслида эса ундей эмас. Бу ўринда оддийлик ва соддалик фақат шаклтагина тааллукли. Бу – халқ қўшиклариға хос соддалик. Бу соддалик замиридан Бахтиёр Назаров чукур маъно ва теран ғоялар топа олади. Қўлдаги бутун нон, матн юзида кўриниб турган маънодан ташқари ўзбекона лутфдан келиб чиқиб каралганда, толеъ, давлат шукроналик бутунлигининг бадиий ифодасидир. Бобо тутган қадим шон эса, буюк тарихимиз, Соҳибқирон Амир Темур, Хоразмий, Фаробий, Ибн Сино ва бошкаларнинг бугун бизга дахлдор шон-шухратлари. “Юракдаги пок виждон” мисрасига чуқурроқ эътибор берсангиз, у оддий бир фикр ёки ҳатто тафтологияга ҳам ўхшаб кўриниши мумкин. Лекин ундей эмас. Ахир, куни кечагина шўролар тазиики, зуғуми, мустабидларча зўравонлиги виждонимизни ярим, имонимизни чалажон, эътиқодимизни бебурд килишга интилмадими? Бугун эса виждонимиз, имонимиз бутун, у ўзимизда, ўзимизники, бунинг сабабчиси Мустақилликдир демокчи бўлади Дилшода. Қатағон қилинган боболар шон-шухратини ҳам қайтариб берган, қайта тиклаган, бугун уларнинг қадр-кимматини баланд кўтариб, хотиралари шарафига деярли ҳар йили улкан бунёдкорлик ишларининг амалга оширилишига асосий сабабчи ҳам Мустақилликдир дейди шоир. Қолаверса, кўлимиздаги нонимиз бутунлиги - толеъимиз, ўзлигимиз, кувонч-у орзуимиз бутунлиги ҳам Мустақиллигимиз туфайлидир, дейди танқидчи. Шеърнинг иккинчи тўртлигига шоира ўз фикрини янада бойитиши ҳам олим назаридан четда қолмайди:

*Онам ёзган дастурхон
Шоир-у олим, деҳқон.
Вужудимда оққан қон –
Мустақиллик.*

Бу мисраларни Бахтиёр Назаров куйидагича таҳлил этади: “Биринчи мисрада ҳам Она бор, ҳам у ёзган дастурхон. Она таърифиини ўзингиз бераверинг. У ёзган дастурхон эса, ҳам оила, ҳам насиба, ҳам неъмат, ҳам меҳр. Ўзбек улумида она ёзган дастурхон, бу – тўкинлик, бағри кенглик, тинчлик, ахиллик, ҳамжихатлик мисраси. Шоир-у олим, деҳқон – моҳияттан халк дегани. Ҳалқнинг бирлиқдаги заковати дегани. Вужудда оққан қон

эса, хаётдир, бугунгина эмас, келажак ҳамдир". Кимлардир Мустакилликни куйлашни баландпарвоз эпитетларнинг жаранглашида деб билиши мумкин. Танқидчи Бахтиёр Назаров эса, уни юқорида шарҳланганидек, ниҳоятда оддий, лекин ниҳоятда чукур, ҳалқона образлар замиридан сизиб чикувчи юксак маъноларда кўради.

Ёшларимиз Мустакиллик, Байроғимиз, Конституциямиз катори миллий Гербимиздан ғурур түядилар, бу борадаги ҳаяжонлари, туйғуларини шеърга солишга ҳаракат киладилар. Бундай шеърлар ўзининг болаларча самимияти билан ажралиб туради. **Мадина Раҳмонованинг "Хумо сўзи"** шеъри ана шундай манзумалар сирасига киргани учун ҳам Бахтиёр Назаровнинг эътиборига ва эътирофига сазовор бўлди. Шеърда Хумо қуши тилидан айтилишича, унинг пок нияти, айни вактда, зийнати ҳамдир ва, айниқса, гербимизда кўрк экани уни ниҳоятда фахрга чулғайди. У ўзининг яхшилик элчиси эканидан қалбида ғурур туди. "Осмоним тинч учаман, кенг замонни кучаман" дейди шеър қаҳрамони Хумо. Шеърни ўқиб бу фикрларни айтаётган фақат Хумо қушигина эмас, шеър муаллифи ва унга тенгқур ёшларимиз ҳамдир, деган холосага келади танқидчи. Зотан, Хумонинг тинч осмони Ватандошларимизнинг ҳам тинч самосидир. Кенг замонни қуачётган ҳам фақат Хумо қушигина эмас, Мустакиллигимиз ва унга тенгдош ёшлар ҳамдир. Худди шундай шеърлардан яна бири сифатида Бахтиёр Назаров Дилфузга Усмонованинг "Муқаддас комусим" шеъридан парчани ёдга олади:

*Қай элларни кезмай, сенсан қўриқчим,
Фақат оқ йўларга йўллар қўриқчим,
Жабрим аритувчи жондай ёруғчим,
Сен борсан қаддим тик, қалқон-қиличим.*

Шеърнинг дастлабки мисралари ўкувчида: яна эскича тарздаги баландпарвозликми, деган таассурот қолдириши мумкин эди, аммо кейинги сатрлар сизни бу фикрдан кайтаради. "Жондек ёруғчи" каби образ эса ёш шоиранинг чиройли изланишларидан дарак беради, мунакқидни ўзига жалб этади. Қалқон-қилич" образида ўз ифодасини топган бадиий фикр, наинки қомусимизга, балки унинг ортида турган Ватанимизга, ўз-ўзини ҳимоя қила оловчи куч-

кувватига, сиёсатига ҳам бир поэтик ишора сифатида шеърхонда илик таассурот қолдиради, деган хулосага келади мунаққид.

Ҳар бир ҳалқ ва миллат ўзлигига муҳим ўрин тутувчи Ватан, Мустакиллик, Конституция, Байрок каби тушунчаларни бадиий тараннум этиш, қайси ёшда бўлишидан қатъий назар, ҳар бир ижодкордан катта масъулият талаб этади. Лекин иқтидорли ёш шоирларимиз бу масъулиятдан чўчимайдилар, чунки ўзларига ишонадилар ва мазкур мавзуларга дадил мурожаат этадилар. Бу борада тажрибасизлик туфайли битилган, анчайин, бўш, саёзгина ёзилмалар бисёр эса-да, ёшларига муносиб равишда навқирон туйгулар тушиб турганини кўрсатувчи ўсмирларга, ёшларга хос қалб тепишилари ва тебранишлари, шуларга муносиб равишдаги чиройли образлар товланиб турувчи шеърлари ҳам талайгина. Аммо уларни сеза олиш учун мунаққидга теран фикр, кўра олиши учун эса ўткир поэтик нигоҳ зарур. Бахтиёр Назаровнинг гўзал топилмаларидан яна бири **Фарида Тошпўлатованинг “Байрок”** деб номланган шеъри бўлди:

*Ҳилтираган байрогим,
Жўшқин сайил ўҳшайди,
Ё бобомнинг серажсин
Манглайига ўҳшайди.
Байроқ ўзи эл юзи,
Шу ном унга мос эрур,
Терлаган пешонага
Ой битгани рост бўлур.*

“Бу ёш, навқирон қалбли шоирнинг асари экани ундағи образлар ва оҳанглардан шундоқкина сезилиб турибди. Катта ёшдаги шоир бу тарзда ёзмаслиги мумкин. Жуда ёш қалб эгасигина болаларча покиза, ўйноқи, сероҳанг бўёкларда ёзади. Фарида ана шундай қалб эгасидир”,- дейди олим қувонч билан. Ҳозир ўн саккизга кирган шоира бу шеърни ёзганида ўн бешда эди. Тўғри, ижодкор асарига муносабатда ёшга ишора одатий ҳол хисобланмайди. Бирок шеърлари тахлилга тортилаётган шоирларимиз ёши истиклоғга тенгдош эканини адабиёт ихлосмандлари билиб қўйсалар зиён қилмас деган маънода, Бахтиёр Назаров шундай йўлни танлади. Олим бу шеърга юксак баҳо бериб “Бу шеър Абдулла Ориповнинг Мустакилликка эришган

тариҳий кунимизда ёзилган “Елкангта офтобнинг текканлиги рост бўлсин” номли шеъри руҳида ёзилган” - дейди у.

Бошқа бир ёшлар ижодига назар ташлаганда эса Бахтиёр Назаров Ватан тушунчаси ёшлар талкинида турли қўриниш, турли ракурсларда намоён бўлаётганлигини англайди, ҳис этади ва албатта, бундан танқидчи, адабиётшунос сифатида кувониб галиради: “Мустакилликка тенгдош ёшлар ижодини кузатсак, уларнинг шеърларида, айниқса, Ватан образи алоҳида ўрин тутишининг гувоҳи бўламиз. Мунира Қўқоновага Ватан деган сўз оят кадар мукаддасдир. “Тилимда мукаддас бир оят Ватаним” деб ёзади у. Ватан дер экан, кимдир тариҳга назар ташлайди, бошқа бирор бу масалани хозирги мустақиллик билан чамбарчас бирликда кўради, яна кимдир унинг келажагини тараннум этади:

*Жалолиддин ўзингсан,
Ўзингсан Темур Малик.
Соҳибқирон қўтарган,
Байрогимсан, Ватаним.*

Турсуной Мажидованинг бу мисралари ҳам Бахтиёр Назаров зътиборини ўзига карата олди. Чунки аксар шархларимизда тариҳни улуглаш борасида устоз шоирлар Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим”, Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон”ига эргашиш ва, кўп ҳолларда, улардан ортикча бир гап айттолмай, такрорга, қайтарикка йўл қўйган ҳолатлар ҳам кўзга ташланади. Лекин Ватан тараннумида янгича ёндашувга интилиш, янги образ ва шакллар топишга астойдил харакатни ҳам сезмаслик мумкин эмас.

Давлатжон Каримов йигирмани йигириб турган шоирларимиздан бири. Унинг дастлабки тўпламида Ватанга бағишлиланган шеърлари алоҳида ажралиб туради. Ватан менинг ёлғиз манзилимдир, менинг юрадиган ёлғиз йўлимдир, дейди ёш шоир. Унинг куйлай билиши ҳам Ватан туфайли, кучи, зўрлиги ҳам факат Ватандан. “Бағишли” шеъридаги лирик қаҳрамон ҳар куни ва умуман, умрининг ёрутлиги сабабчисини Ватандан кўради. Унинг талкинича, ҳатто муборак ҳаж ҳам, саждагоҳлик ҳам Ватандан айро бўлиши мумкин эмас. Танқидчи шунга ҳам алоҳида зътибор қаратдики, Давлатжон Каримов тасвиридаги Ватан факат ютуклар-у кувончлардан, буткул машҳурлиги билан шон-шухрат топган кишилардангина иборат эмас эди. Мунаққид нигоҳлари

билан қарасак, Давлатжон мадхиясидаги Ватан, кези келганды, оғир мусибатларни бошдан кечирган, баъзида тундай коронғу кунларида чақмокдай, чақиндай ёвқурликлар эгаси бўла олган, лекин доимо юзи ёруғ чиққан мўтабар гўшадир. Яъни Ватан образини доимо нурлар оғушида эмас, бор мураккабликлари билан, айни вақтда, ўз идеалига, орзуларига мустаҳкам боғлаган ҳолда чизишга ҳаракат килгани эътирофга сазовор:

*Ватан - Усмон Носир,
Чўлпон - Ватандир.
Ватан чақинимдир,
Ватан йўлимдир...
Онам кулча ёпган
Қадрдон тандир
Ватан - ёлгиз манзил,
Ёлгиз йўлимдир.*

Бундай мисраларни таҳлил этар экан Бахтиёр Назаровнинг инжа қалб ва ёлқинли туйғулар эгаси эканлигини ҳис этамиз. Ватаннинг она кулча ёпган қадрдон тандирга ўхшатилишида тасвирдаги миллийликка жиддий эътибор берилгани, ва мунаққиднинг буни илғай олгани унинг катта хаётий тажрибали адабиётшунос эканини кўрсатади. Ушбу шеърдаги Ватани “ота юзидаги тизимкор ажин”га ўхшатишини айтиш замирида ҳам чукур ва теран поэтик маънолар топишга уринаётганини таъкидлаш ўринлидир. Тўғри, Ватан дейилганды юздаги ажин образига мурожаат шеъриятимизда учраб турадиган ҳодиса. Лекин танқидчи ёш шоирни бу ўринда кўчирмачилик ёки такрорчиликда айблашга шошилмайди. Чунки бу образ шеърдаги чукур ва атрофлича ишланган бадиий яхлитлик замиридан ўсиб чиқади.

Шу ўринда, Бахтиёр Назаров ёшлар ўзгалар ишлатган образларни такрорламаслик масаласида ниҳоятда хушёр бўлишлари кераклиги хакидаги талаб доимо ўз ўрнида туришини яна бир бор таъкидлаган ҳолда, ижоднинг бошланғич палласида ёшларга у ёки бу бадиий образ аввал ишлатилган эди, деб каттиқўллик, талабчанлик килиш замирида, баъзан ноҳақ айблашларга йўл кўйишда ўзимиз ҳам эҳтиёт бўлишимиз керак бўлади, дея таъкидлайди. Лекин шуни ҳам айтиш жоизки, “Багишлов” шеърида Давлатжон Каримов бир ўринда Ватани “бўсадан лабимга уринган

насим” дейдики, бу образ бизга энди катта фарқсиз Усмон Носир ва Рауф Парфи шеърларидаги ҳолатлардан бирини ёдга солади ва тақрорга ниҳоятда яқин экани билиниб қолади. “Бу, эҳтимол, Абдулла Қаҳхорнинг ўзи эътибор килган ҳикояларидан бирига ихтиёrsиз равишда Чеховнинг кучуги кириб қолиб, вовуллаб қолганидек, Давлатжон шеърида ҳам бу ҳолат ўзи сезмаган ва пайкамаган равишда рўй бергандир, дейди олим. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам, ижод, шеърият шундай бир хилкат, шундай бир мashaққатки, у нечоғлик гўзал ва хушбаҳт эканидан қатъий назар, кайси бир кўринишида бўлмасин тақрорни хушламайди”¹.

Ватанни ҳамма куйлаши мумкин. Бироқ ҳар қандай куйлашда ҳам куйлаш бор. Бир қатор ёш шоирларимизда Ватанни куйлашда баъзан мақсаддаги идрок ва туйғунинг аниқлигидан кўра, хоҳиш ва истакнинг ўзигина устунлик килгани сезилиб, гўзал ёхуд маъкул шеър чикмагани билиниб қолади. Ўзига талабчан, хушёр ёш шоирларимиз эса Ватан ҳақида нима ёзмокчи бўлаётганига, нега ёзилаётганига аввалдан алоҳида эътибор берадилар. Мақсадни кўнгил тубидан чукур ҳис этадилар, фикр ва ғояни идрок чиғириғидан ўтказадилар. Бахтиёр Назаров Ватан мазусидаги шеърларни таҳлил этганида матннаги яхлитлик ва узвийликда бирмунча тарқоқлик кўзга ташланса-да, асаддаги лирик қаҳрамоннинг Ватанни англашдаги маънавияти, бурчни идрок этишдаги ўзига талабчанлиги ўқувчида яхши таассурот колдиришига алоҳида эътибор қаратади.

*Аста оқ-қорани танигач сўзим
Ватан гавдаланаар кўзим ўнгидা*

деб ёзади шоир. Бахтиёр Назаровнинг бу шеър ҳақидаги талқини эса куйидагича: Ватан ҳам қўнгилзор, ҳам меҳрибон бўлиб туюлишининг омил ва сабабларини бу лирик қаҳрамон яхши тушунади. Қаҳрамоннинг “Бахтим - шу юртда келдим оламга” дейишининг боиси ҳам шунда. Лекин тутён шеър охирига бориб кўтарилиш ўрнига, сусайиб кетгандек кўринади. Бунинг сабаби якуний эфект ўрнини шеърда фикрий парокандалик эгаллагани туфайли бўлса керак. Бундан ташқари, асаннинг охирги тўртлигидаги “Шу юртга меҳрdir ёлғиз айблиқ“ мисраси билан

¹ Назаров Б. Қалби орзуладек кеңг әди // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008.- № 2.

шоир нима демокчи экани мавхумлигича қолади, дейди мунакқид. Чиндан ҳам, бу Ватанни англаш учун, энг асосийси, меҳр керак. Ойдин Бозорова “Мўъжиза фасли” шеърида:

*Бу қадим юрт гўзалдир асли,
Меҳр билан термулсанг агар,*

дер экан, бу туйғуларнинг ҳақиқатан ҳам ниҳоятда самимий ва чиндан ҳам аслида шундай эканига дил-дилдан ишонасиз. Ватан қиёфасига бадиий таъриф беришда ёш шоирларимиз гўё бир-бирлари билан ўзаро мусобақада бўладилар. Ватан суратига, Ватаннинг хиссий ва шуурий табиатига топилган навбатдаги гўзал ташбехлардан бирини Абдуманиб Мансуровнинг “Ватан ҳайратлари” шеърида учратамиз. Бу шеър муаллифини Ватан ўзининг буюк ўтмиши, улуғ фарзандлари ёхуд бугунги хурлиқдаги парвозлари билангина ҳайратга солмайди. Биргина “Ватан” исмининг ўзиёқ шоир кўлига қалам тутқазиб ҳисларига дарс берадигандек бўлади. Шоир таъкидлашича, осмонларни қучган бу юрт кишлокларининг наинки тупроғи, ҳатто пахса деворларида ҳам қуёш гуллаётгандек бўлади. “Ватан ҳайратлари” шеърида Ватан унинг эгаси, бунёдкори, меҳнаткаши, хусусан, бу ўринда бобо дехкон билан ҳаракат бирлигига тараннум этилади.

*Пиёламда меҳринг туради тўлиб,
Яшил ҳаловатинг ҳар битта япроқ.
Қалдиргочларингга ҳур Ватан бўлиб,
Деҳқон кафтларида куйлади тупроқ.*

Ёш шоир азиз она тупроқ қиёфасида Ватан қиёфасини кўриш, Ватан руҳини ҳис этишдан ташқари, бу тупроқнинг дехкон кафтларида куйга айлана олишини эшигади. Куйлаётган бу фақат тупроқ эмас, Ватандир асли. Шеърда ёш шоирнинг маъно кўчими ва серқатламлилик борасида ҳам жиддий изланишлар олиб бораётгани, бу йўлда муносиб ютукларни қўлга киритаётганини ҳам айтиш керак. Юкорида келтирган тўртликда чаппар ураётган қалдирғочларни ҳақиқий коракўз қушлардек қабул килишимиз мумкин. Айни вактда, бу қалдирғочлар шоирга тенгкур, истиқолимизга тенгдош ҳур эркин ёш авлод сифатида ҳам идрок этилиши ўзини оклади. Дехкон кафтларида куйлаётган тупроқ

айнан шу мукаддас тупроғимиздир. Куйлаёттган тупроқни куйлаёттган Ватан тарзида, истиклол нашидаларидан мунаvvар ватандошларимиз сифатида тушунсак ҳам, шеър ифоридаги ғояга вобаста фикрлаган бўламиз. Абдуманноб Мансуров ўз шеърларида Ватан билан бир каторда унинг бугунги фарзандлари, хусусан, тенгкурлари, истиклол тенгдошларининг ҳам киёфасини яратишта интилади. Бу ёшлардаги, айникса, ўқтамлик, журъатлилик, чақмокдек кескинлик фазилатлари унинг эътиборини кўпроқ тортади. Бу максад, маънони поэтик йўсинда қуидаги тарзда шеърга туширади:

*Мақсад таранг этиб тортилган камон,
Нафосат юракда уради чапак.
Ой чиқмаган оқшом, титроқли замон
Юрагилдан чақмоқ сўрайди фалак.*

Ёш юракдан фалакнинг чақмок сўраши, айни вақтда, замоннинг ёшларидан тутаб яшашни эмас, чақмокдек ёрқинлик ва кескирлик билан яшамоқни сўрашига, ёшларимиз бағрида ана шундай чақмоқлар борлиги ва бўлиши лозимлиги шарт ҳамдир. Ватанинни севиш, уни мадҳ этиш, кўкларга кўтаришгина эмас, унга муносиб фарзанд бўлмок истаги ёш шоирларимиз асарларидағи лирик қаҳрамонлар табиатида товланиб турган асосий хусусиятларидан биридир.

Мустакиллик ёшларга кўпдан-кўп имкониятлар берди. Шу жумладан, бадиий ижодда ҳам. Ўзбек ҳалқи тарихининг ҳеч бир даври, ҳеч бир замонида ҳозирги истиклол кунларимиз даражасида ёшларнинг китоблари кўп нашр этилган эмас. Тўғри, айникса, ижода саноқ, саноқдаги кўплік масалани ҳал қилмайди, албатта. Шу маънода ҳозир нашр этилаёттган китобларнинг сони жихатдан бисёрлиги бизни факат қувонтирадиган ҳодиса эмас. Зотан, чоп этилаётган тўпламлар, китоблар ичida эътиборга муносибларидан кўра, саёз ва бўшлари кўпроқ экани сир эмас. Лекин ҳамма гап шундаки, бизга бўш ва саёzlари эмас, чин поэтик йўналишда бўлганлари мухим, дейди Баҳтиёр Назаров. Чиндан ҳам, академик Баҳтиёр Назаровнинг ёшлар ижоди борасида билдирган фикрлари биринчи навбатда, уларнинг ижод намуналари ижтимоий, ғоявий ва бадиий жилвалари билан таҳлил этилгани, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг дикқатини шеъриятдаги янгича трух, янги

овозлар ва уларнинг изланишларига қаратгани билан алоҳида ажралиб туради.

Улуғ орзулар қанотида...

Миллат адабиётимизни жаҳонга танитиш истаги ва орзузи билан яшаётган Бахтиёр Назаров адабий сұхбатларидан бирида ўзбек таржимашунослиги муаммоларига ҳам алоҳида тұхталиб ўтган. “Мен кўпдан бери юртимиизда таржимонларга ёрдам берадиган, уларнинг бошини қовуштирадиган, катта-катта ижодий ишларга бош-қош бўладиган жамият тузилса, деб орзу қиласман. Таржима бўйича истеъоддларни кашф этиш ва тарбиялаш учун бундай жамият мухим. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Шукур Холмирзаев, Ўткир Хошимов...

Шукрки, хорижлик китобсеварларга тақдим қиласа арзийдиган ижодкорларимиз бисёр. Тузилажак жамият таржимонларни моддий рағбатлантирса, таржима учун яхши қалам ҳақи берса, танловлар эълон қиласа, ўз сафига қалами ўткир ижодкорларни жамласа, - дейди олим. Масалан, хорижий тилда Қодирийни оригиналдагидек чиқариш ўта мушкул, аммо бу таржима керак эмас, деган маънони билдирамайди. Адиб асарларини дунё ўкувчиларига жилла курса аслиятта яқин вариантда тақдим эта олсак ҳам катта гап! Жаҳон адабиётида оригиналдан ўтказиб килинган таржималар ҳам бор. Масалан, Гёте ўзининг “Фауст”ини француз тилида ўкишини ёқтиришини ёзган. Сергей Есенин тирик бўлганида ва ўзбек тилини тушуниб, Эркин Воҳидов таржималарини ўқиганида, у ҳам Гёте каби хulosага келиши аниқ эди, деб ўйлайман” дей мuloҳазаларини баён қиласди олим.

Ўзлаштириш эстетикаси: ижодкор микрооламига кечинмадошлиқ

Академик Бахтиёр Назаровнинг “Гафур Ғулом олами”¹ рисоласи қадр-қиймати ва илмий яшшилигини белгилаш, муайян камчиликларини кўрсатишга биринчинардан бўлиб уринган киши

¹ Назаров Б. Гафур Ғулом олами. Т. : Фан, 2004 (Эслатма: Китобхона олингандиктибослар шу пашрдан олинниб, кавс ичнада саҳифа кўрсатиш борилди)

мунакқид Санжар Содиков бўлди. Унинг “Оlam ичра олам”¹ “Ўз АС” 2004 йил, 16 июл, № 28 (3754)да босилган маколаси кейинчалик “Ижоднинг ўттиз лаҳзаси” номли адабий танқидий мақолаларидан тартиб берилган китобдан “Оlam ичра олам яралмиш”² номи билан бир қадар кенгайтирилган ҳолда ўрин олди. Профессор С.Содиков олимни янги илмий далилларни адабиётшунослигимизга дадил олиб кирган, Faфур Fуломнинг кўп жиҳатдан тўлақонли илмий биографиясини яратган тадқикотчи сифатида эътироф этади. Шунингдек, у китобнинг диккатга молик фазилатлари сирасига шоир асарлари матни мағзига мохирона яширилган маъноларнинг янгича нигоҳ билан идрок этилишини ҳам киритади. Бахтиёр Назаровнинг янгича таҳлил услубини “таҳайюл билан тўлдирилган гипотетик тарздаги мушоҳадалар” деб тўғри белгилайди. Бу услубнинг китобда асосли умумлашмалар чиқаришга имкон берганлигига тахсин ўқиган олим мазкур дастлабки тажрибаларнинг айрим маромита етмаган жиҳатларинида кўрсатади. Умуман эса, С.Содиков рисолани :”...шоир ижодини ўрганиш соҳасида ҳозирча энг ҳакконий сўз ва ўзбек танқидчилиги ҳамда адабиётшунослигининг жиддий ютуғи хисобланади”, -деб баҳолайди.

Шунга қарамасдан, С.Содиков Бахтиёр Назаровнинг Faфур Fулом бадиий-публицистик ва илмий услубига хос талай хусусиятлар: (донолик, дилбар ҳазил- мутойиба, андак эркаланиш, маҳобатли викор, жозибали тил, фикратидаги миллий ғурур) ни аниклашга бўлган интилишларини етарлича белгилай олмайди.

Профессор Абдуғафур Расуловнинг “Балофат палласи”³ мақоласи аслида, бундан ўн йил муқаддам, академик Бахтиёр Назаровнинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан ёзилган. Балофат поғонасига қадам қўйган олимнинг ижтимоий-илмий фаолияти ва ҳаёт йўлини ёритишни назарда тутади. Маколада “Faфур Fулом олами” рисоласидаги Бахтиёр Назаровнинг услуби, олимона синчковлиги, муаммоларни ишонарли ҳал қила олиш маҳорати, шоирга кечинмадошлиқ салоҳияти ҳам кенг таҳлил этилади. Танқидчилик илмининг нозик жиҳатларини теран билган

¹ Содиков С. Олам ичра олам. Ўз АС 2004 йил, 16 ивол. № 28

² Бу хакда карант: Содиков С. Олам ичра олам яралмиш // Ижоднинг ўттиз лаҳзаси” Т. : ШАРҚ, НМАК 2005, 230- 240 б.

³ Расулов А. Балофат палласи ЎзАС , 2005 йил, 16 сентябрь, № 38

Бахтиёр Назаров изчил мантиққа асосланған гипотетик усул орқали психологик таҳлилни чукурлаштира олган, санъаткор оламига кириш завқини тотишга мушарраф бўлган тадқиқотчи сифатида баҳоланади. Faфур Fулом насридаги ровийнинг турфа кўринишларига эътибор кучайтирилса, прозасидаги поэзия унсурларига ҳам аҳамият қаратилса, китобнинг қиммати янада ошган бўларди,-деган мулоҳазалар илгари сурилади.

Биз профессорлар С.Содиков ва А.Расуловларнинг академик Бахтиёр Назаров рисоласи ҳакидаги илк кузатишларини маъқуллаган ҳолда, мазкур тадқиқотнинг асослари, етакчи йўналиши ва моҳияти ҳакидаги мушоҳадаларимиз билан ўртоқлашишни ният қилдик. Зеро, “Faфур Fулом олами” рисоласида олимнинг таҳайюлга тўйинган гипотетик мулоҳаза ва фикр хulosалари Faфур Fулом ижодий феноменини инкишоф этиш асосига курилган. Бахтиёр Назаров Faфур Fулом хаёти ва ижодий меросига умумбашарий мезонлар асосида илмий-назарий муносабат билдириш, шоир ва носир поэтик оламининг концептуал асосларини белгилашни ҳам назарда тутади. Шу маънода адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимизнинг жиддий ютуғи саналаётган, мутахассислар томонидан ҳакли тарзда эътироф этилиб, кенг илмий-адабий жамоатчиликнинг назарига тушган бу китобнинг моҳиятини юқоридаги каби битта-иккита тақриз-мақола доирасида ёритиш амри маҳолдир.

Faфур Fулом ижодий йўлининг асосини ўз қалбига ишониб яшаш, ижод этиш ва эътиқод бутунлиги ташкил этади,-деб билган академик Бахтиёр Назаров унинг ҳаёт йўли ва таржимаи холига доир фактларни кайта идрок этади. Шу орқали Faфур Fулом болалигига хос жадид мактаблари ва мадраса таҳсили, мустакил ўқиш-ўрганиш каби миллӣй илдизлардан озикланувчи манбаларни белгилайди. Жумладан, ўз замонасининг машҳур бойларидан саналмиш Мулла Муборак Сиддикмуҳамедов хонадонида маълум муддат тарбия тоғани, “Бароқхон” мадрасасида мударрис Саидаҳрор қўлида таҳсил олгани, бўлажак шоирга устоз томонидан бир сандиқ нодир китоблар тухфа этилгани сингари бир қарашда аҳамиятсиздай туюшган ва адабиётшунослигимиз эътиборидан четда қолиб келиган фактик материаллар илмий истеъмонга киритилишининг ўзи ижобий ҳодисадир.

Фалсафийлик Faфур Fулом иждий услубининг мухим белгисидир. Шунинг учун ҳам шоир шеъриятининг муштарак

белгиси лирик қаҳрамон табиатининг умуминсоний қадриятларга эҳтиром билан қарашида намоён бўлади. Тарих туйғуси ва тарихийлик унинг аксарият шеърлари етакчи принципи даражасига кўтарилади. Рисолада олим мазкур жиҳатларнинг ижодий ният ёркин ва тўлақонли ифодасига, тасвир ҳакқонийлиги ҳамда эстетик таъсирчанликнинг юзага чиқишига хизмат килишини кузатади. Шоир ижодида учровчи замонасозлик ва мадхиябозлик иллатини Faфур Fулом камол топган жамият адабий иклими билан бевосита боғлайди. Мавзу кетидан кувиш, кундалик воқеа-ходисаларни адабиётта олиб кириш, замонасозлик руҳидаги асарлар на муаллиф ижодида, на адабиёт тарихида сезиларли из қолдирмади,- деган позицияни ёқласа-да, тадқиқотчи ана шундай асарлар бағридан ҳам faфурона буюклиқ ҳамда донишмандлик билан сугорилган талай фалсафий образларни топа олади. Назаримизда, шу ўринда 20-30-йилларда Faфур Fулом ҳали маҳорат сирларини эгаллаш йўлида изланишда бўлгани, яъни шоир “мен”и энди камол топаётган палла эканлиги ҳам эслатилса мақсаддага мувофик бўлар эди.

Олимнинг 20-30-йиллар адабиёти, умуман шўро даврида яратилган асарларга муносабат масаласидаги мана бундай фикрлари ғоятда муҳим назарий-методологик аҳамиятта моликдир: “...адабиётшунослик ўтган асрнинг 20-30-йиллар адабиёти ҳакида фикр юритганда, умуман шўро даври асарларини баҳолаганда, энди мезонларни ўзгартиromoғи, янги принциплардан келиб чиқиб баҳоламоғи лозим... Энди бадиий асарга одамийлик, истиклол, ватанпарварлик, умуминсоний қадриятларнинг нечоғлик бадиий теран, гўзал ва ҳакқоний акс эттирилиши нуктаи назаридан баҳо бериш бош мезондир.” (15-бет) Адабиётшунослик олдига кўйилаётган бундай талабларга тадқиқотчининг ўзи ҳам рисолани ёзиш жараёнида тўла амал қиласди. Китобда Faфур Fулом асарлари муаммонинг нечоғлик бадиий ва ҳакқоний, маҳорат билан тасвирланганлиги нуктаи назаридан таҳлил килинади, шу асосда холис ҳамда ишончли хулосалар келтириб чиқарилади.

Инсонпарварлик Faфур Fуломнинг яхлит ижодий меросига, жумладан насрига ҳам хос хусусиятдир. Баҳтиёр Назаров унинг насридаги оила ва ахлоқ муаммолари талкини хусусида тўхталар экан, адаб ўз даврининг ва реал хаётнинг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққанлигини кўрсатади. Қиссаларини характерларнинг тўқнашувлари асосига қуриш, қаҳрамонлар руҳиятини очиш, сюжет ҳаракатининг муайян бир тутунига китобхон диққатини жалб этиб

туриш ва “сир тутиш” маҳоратини Faфур Fулом Абдулла Қодирий ижодий тажрибалари орқали ўзлаштирганлиги хусусидаги фикрлар олимнинг ижодкор эстетик оламини ўзлаштириш эстетикаси нуктаи назаридан кузаттганлиги, адабий маҳорат масалаларини кенг миқёсларда олиб қараганлигини кўрсатади. Шу маънода Бахтиёр Назаровнинг Faфур Fулом ҳикоя ва қиссаларидаги миллий характер яратиш санъати ҳамда бадиий тил маҳоратини ёш ижодкорлар учун ибрат мактаби санаши ғоятда асослидир. (16-бет)

XXI аср Faфур Fулом ижодий меросининг қайси жиҳатларига аҳамият бериши керак? – деган масалани кўндаланг кўйган адабиётшунос шоир ижодининг қиммати ва қадрини Ватанини, ҳалкни улуғлашга қаратилган асарлари билан белгилаш лозимлиги хақида қатъий ҳукм чиқаради. “Faфур Fулом ўзини оклашга, кимдандир ҳимоя қилишга муҳтож шоир эмас. Faфур Fулом асарлари ўзини, ўз муаллифини ҳимоя қилишга кодир ва бундай асарлар унинг ижодида бисёрдир” – деб ёзади рисола муаллифи (5-бет). Демак, олим Faфур Fулом ҳаёти ва ижод йўлини тадқиқ этган X.Ёкубов, С.Мамажонов, Н.Шукуров. А.Акбаров сингари олимларнинг фикр-мушоҳадалари билан яқиндан таниш. Уларнинг шоир маҳорати хусусидаги нозик кузатишлиарини қадрлаган ҳолда, Faфур Fулом ижодий меросига бўлган муносабат масаласида ўзбек адабиётшунослиги тарихида кузатилган гоҳ шўровий жиҳатларга ургу бериб шоирни олкишлаш, гоҳида эса Faфур Fулом асарларида учровчи замонасозликни ҳадеб конкрет давр ва замонга боғлаш оркали гўё уни оклашга бўлган интилишдан иборат тенденциозликка барҳам бериш йўлидан боради. “Адабиётшуносликнинг бундан буёнги вазифаси, -деб таъкидлайди олим, -Faфур Fулом меросидаги ўзига хосликларни, бу улуғ адибни элга, юртга, унинг канорасидан олисларга машхур этган белгиларни мафкура ва сиёсатга bogламай, улардаги бадиийлик ва маҳоратни ўрганишдан иборатдир.” (5-бет) Аён бўладики, тадқиқотчининг дикқат эътиборида бадиийлик ва маҳорат муаммоси туради.

Масалалар моҳиятига тарихан тўғри ёндошган олим Faфур Fуломнинг у ёки бу асари хусусида сўз кетгандиа, уларни яратилган даври хусусиятларидан келиб чиқиб баҳолаиди. Шоирнинг айрим шеър ва достонларида бадиийликдан кўра баёнчилик, эҳтиросдан кўра эътироф устунлик қилиши ҳақли тарзла танқид қилинади. Бахтиёр Назаров 20-30- йилларда яшаган реал инсоннинг

дунёкараши, яшаш тарзидаги ўзига хосликларни бадий конкретликда тарихий акс эттирган “Кўкан” сингари достонларни “бадий тарих” сифатида баҳолайдики, унинг бирёклама талқинларга таянилган асарларни –да ёппасига инкор килиш эмас, балки улар қатидаги фазилатли жиҳатларни инкишоф этиш позициясида турганлити аён бўлади. “...достон (“Кўкан” назарда тутилмоқда Т.М.) ўзбек дехкони тафаккури, дунёкараши ва яшаш тарзидаги кескин ўзгаришларнинг бадий хужжати тарзида аҳамиятлидир”, - сингари хуласалар юкоридаги фикримизни далиллайди. (9-бет)

Рисолада “Шум бола” киссаси рус адабиётида ўтган асрнинг 30-йилларида яратилган М.Горькийнинг “Болалик”. “Одамлар орасида”, “Менинг университетларим”; ғарб адабиётида машхур бўлган М.Твеннинг “Том Сойернинг бошидан кечиргандлари”, “Геклберри Финнинг саргузаштлари” сингари асарларига хос илғор тажрибалар билан боғлиқ жиҳатлар кузатилади. Олим Ғафур Ғулом киссасида жаҳон адабиётининг юксак савияли комик ва юмористик асарларидаги каби муайян ҳолат ва вазиятларда туйғулар коришиклигини маҳорат билан ифода этиш балқиб туришини қайд этади.

Шуниси эътиборга лойикки, “Шум бола”да даставвал, ўзбек фольклори ва мумтоз адабиётидан, қолаверса, Абдулла Қодирий, Абдулла Қахҳор каби сўз санъаткорларидан ижодий ўзлаштирилган тилдаги лирик гўзаллик, китобхон диккатини сюжет харакатининг муайян бир тугунига жалб этиб туриш, ихчамлик ва аниқликка эришиш сингари хусусиятларга ҳам эътибор қаратилади. Киссани безаб турувчи миллий жозибани олим серқочиримлик ва ҳалқчиллиқда, қаҳрамон тилидаги бетакрорлик билан муаллиф нутқидаги гўзалликнинг бирлашувида кўради. Асарнинг бадийлиги ва муваффакиятини таъминлаган асосий белгилар сирасига миллий тиниклик, аниқлик, ёркинлик ва ўзига хосликни киритади.

Кўринадики, олим конкрет асарлар ҳакида сўз кетганида мавзу ва гоя долзарблиги каби чекланган қарашлар доирасида қолмайди. Ғафур Ғуломнинг ҳаёти ва ижодини ўзаро узвий боғлай оладигина эмас, муайян тарихий ҳодисанинг бадий инъикоси, у ёки бу асарнинг индивидуал белги-хусусиятларига ҳам диккат қаратади. Мазмун серқатламлиги, фалсафий образлилик, лирик қаҳрамон табиати, ижодий услуг масалаларига тамомила янгича

ёндошади. Бу ҳол Бахтиёр Назаров оила ва ахлоқ муаммоларининг ҳаққоний ифодасига, бадиий маҳорат, мазмун ва ғоя мутаносиблигига, адабнинг миллий характер яратиш йўлидаги ижодий ютуқларига теран нигоҳ ташлашида, ўрни билан салафларига чоғиштиришга харакат килишида намоён бўлади. Агар ана шу қиёслар аниқ мисоллар асосида конкретлаштирилганида рисоланинг киммати янада ошган бўлар эди. Бироқ олим Faфур Fулом насрини яхлит ва теран тахлил этишни эмас, балки айрим ҳикоя ва киссаларига назар ташлашни кўзлаганки, шу маънода рисолада ёзувчи насли хусусида сўз кетган ўринларга бундай катта талабларни қўйиш ҳам дуруст бўлмаса керак. Зоро китобда асосан, Faфур Fулом шеърияти, “Алиқулнинг қарзи”, “Ҳасан кайфий” ҳикоялари адабиётшунос ва тарихчи сифатидаги баъзи илмий қараашлари кенг тахлилга тортилади. “Шум бола”нинг жанр табиати миллий фазилатлари хусусида эса ихчам тарздаги фикр-қараашларгина илгари сурилади.

Fафурона инсонпарварлик пафоси, шоирнинг тафаккур, тасаввур ва илҳоми умумлаштирувчилик кучидан тўйинтанилиги “Согиниш” шеъри мисолида кузатилади. Шеър замиридаги олийжаноб ғоянинг ифодасида миллий туйғулар кучлилиги, қаҳрамон кечинмаларининг руҳий-психологик далилланганлиги, образлар тасвирида муайян даражада тарихий ҳақиқат ҳам акс эттанилиги матн тахлилидан келтириб чиқарилади. “Согиниш” шеъри табиатидаги гўзалликнинг китобхон руҳиятида уйғотувчи хиссий-эмоционал таъсири, маърифий-эстетик аҳамияти кенг ва чукур ёритилади. Умуман, рисолада Faфур Fулом ижодий меросининг тарих синовларига бардош бера олган, эл-юртнинг бугуни ва эртасига хизмат кила оладиган, ғоявий-бадиий жиҳатдан бетакрор, ифода гўзаллиги балқиб турган асарларига Ватан ва Миллат тақдири, китобхон маънавий-эстетик олами нуқтаи назаридан баҳо берилади.

“Бир кўксига инсониятнинг кўнглини сиғдира олган”, бани Одам болаларига аслида яхлит бир ҳалқ деб қарай олган, Faфур Fуломнинг “Мен яхудий” каби шеърларида бутун инсоният номидан сўзланади. Бу шеърнинг жаҳон ҳалқлари эътиборини торта олган бадиий сехрини шоирнинг инсоният номидан сўзлаш услугида кўрган олим ўша давр умумшўро адабиётида инсонпарварлик пафосининг нисбатан кучайишини Faфур Fуломнинг номи билан боғлайти. Чунки Faфур Fулом XX асрнинг

жамиийки оғриқлари билан ҳамнафас яшаган, инсоният дардини юракдан кечирган, бутун залворини елкасига ортган, илхом уфқлари кенг, тафаккур дунёси серқамров ва салмоқли Шарқ шоири эди. Унинг орзу-армонлари, дард-интилишларининг бадиий ечими шоир қолдирган поэтик сатрлар бағрида тажассум топганки, Бахтиёр Назаров нуктадон заршунос сифатида ҳар бир сўз, ҳар бир ифода катидан Faфур Fуломнинг безовта нигохини, қалб ҳароратини, рух интилишини, юрак талпинишини кўра олади, интуитив тарзда хис этади. “Faфур Fулом, бир жихатдан, ўзбекона камтар, камсукум, ялангтўш ва айни вақтда, ўзига ишонган, ўз сўзининг кучи ва қудратини яхши билган, гурури баланд, ўзбек номини улуғлашни умрининг мазмуни деб билган, бу номга тушиши мумкин бўлган гардни киприги билан артишга тайёр шахс эди”, - деб ёзади олим.(29-бет) Устоз олимнинг бундай хуласалари F.Fуломнинг тарихдаги ўрни, инсоний қиёфаси, донишмандона кўнглини яққолроқ англашга хизмат қилади.

Faфур Fулом аксарият асарларида поэтик ниятни умумлаштириш мақсадида тарихга мурожаат қилади. Тарихни теран билган шоир шу орқали замондошининг фалсафий мушоҳадаларини поэтик талкин этишга муваффақ бўлган. Ёркин ташбех ва муболағалар қўллаб, ижтимоий муаммоларга нисбатан кескин қутбий муносабатини ифода эта олган. Аммо Faфур Fулом бадиий оламининг марказида ижтимоий муаммолар ифодасигина турмайди. Шоир табиий олам ва инсон табиатини, ҳаёт шавки ва завкини куйлаган истеъдод сохиби эди. Рисоланинг эътиборли жихатларидан бири шундаки, Бахтиёр Назаров ана шундай хусусиятларни шоирнинг давр мағқураси атрибуллари акс этган асарлари бағридан излаб топади. У XX аср адабиёти, хусусан Faфур Fулом меросида мавжуд ҳар бир алоҳида асарнинг туб моҳияти, мақсади, етакчи пафосини аниқ ажратиб олиб таҳлилга тортади. Ўтмиш меросига бўлган бундай муносабат адабиётшунослигимиз учун муҳим методологик аҳамият касб этади. Бу ҳол рисолада Faфур Fуломнинг бир қадар замонасозлик руҳида битилган асарларида ҳам ҳаёт ва инсоннинг абадий муаммолари, инсон қалбининг нозик тебранишлари ифодаланганлиги, шоирнинг бетакрор образларидаги миллий гўзаллик таровати кашф этилганидаёқ кузатилади. Жумладан, “Тол чивик қизларга бўлди сочпопук”, “Саъвалар кўк узра сайраб кетдилар” сингари сатрлар, оқшом чоғлар кўзилар маърашидан Ернинг кучоқлари ҳаётга

бурканиб кетиши ҳакидаги жозибали мисралар қатидан Faфур Fуломнинг оддий бир инсон сифатидаги завқ-шавқи кузатилади. Бу жиҳатдан, олим Faфур Fулом шеъриятида сунъий оптимизмни кўришга интилган айrim тадқиқотчилардан анча юксакликка кўтарилиди, шоир руҳиятига имкон қадар ёвуклашади.

Бахтиёр Назаров Faфур Fуломни “ўзбекнинг паҳлавон шоири”, - деб олкишлайди. Унинг “Мен яхудий”, “Поль Робсонга”, “Сен етим эмассан”, “Вакт”, “Согиниш”, “Шараф қўлёзмаси” каби асарларидаги бадиий ҳакиқатлар XX аср дардларига ҳамоҳанглиги, давр синовларидан ўта олганлиги ўз исботини топади. Чунки тадқиқотчи шоир безовта юрагининг жаҳоний изтироблар билан тепиши билан конкрет асар томирининг вобасталикда уришини тинглайди. XX аср тарихий воқеаларининг шоир юрагидан ўтиб, поэтик мисраларда акс садо берганини ишонарли ва ҳакқоний таҳлил этади. Инсон ва ҳалқ муаммоси билан боғлиқ шеърлар катига яширинган дардларнинг поэтик фикр ифодасидан изланиши натижасида бутун инсоният яхлит бир вужуд, аммо ҳар бир заррасининг тузуми ва тўзими мавжудлиги ҳакидаги дадил фикрларга дикқат каратилади. Улар қайсиdir маънода ўша давр хукмрон мағкурасининг раддияси ҳам бўлганлиги шоир эстетик идеалига боғлаб талқин қилинади. Зеро, Faфур Fулом тафаккурини мудом банд этган, дилида яширин орзулардан бири миллатни озод кўрмок эди. Бу эса поэтик ифодада инъикос этмаслиги мумкин эмас. Илло, ҳар бир инсон қалбига яқин идрок этилувчи шеърлар аслида умуминсоний руҳга йўғрилгандир.

Англашиладики, Бахтиёр Назаров Faфур Fулом қарашларига умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан ёndoшади. Аслида ҳам, шоир бадиий ниятида алоҳида инсон ҳалқнинг бир зарраси сифатида олиб қаралади. Инсоний кудрат жамият билан бевосита алокадорликда юзага чиқишига ургу берилади. Faфур Fуломнинг ижтимоий муаммоларни талқин қилишдаги индивидуаллити ҳам шоирнинг ҳаётсевар дунёқарашида намоён бўлади. Бахтиёр Назаров шоир лирик қаҳрамони табиатига хос умуминсоний дардларни теран хис этадики, ифодадаги бедилона дунёвий мушоҳадакорликни ҳам, камалакранг образлилик ва маъно серқатламлнгини ҳам кўра олади. Шоир поэтик лафзи, даги давр ва замон учун ижтимоий салмоқ касб этган “атом кудрати”, “инсон ижодкорлиги” каби долзарб муаммолар ифодасидаги ўзига хосликларни кашф этади. Зеро, Faфур Fулом ижтимоий

адолатсизликларга карши хамиша шоирона поэтик муносабатини дадил ифода этган. Шарку Ғарб ўртасидаги муносабатларга чукур хурмат билан қараган. Шу маънода адабиётшунос олимнинг воеаходисалар моҳиятини абадиятга дахлдорлик билан боғлаб талкин килишдек шоир поэтикасига хос мухим хусусиятни Ғафур Ғуломнинг бадиий тафаккур услуги билан боғлаши тўла ўзини оқлади.

Адабиётшунослигимизда шу пайтгача сиёсий-мафкуравий чорлов руҳида ёзилган деб баҳоланиб келинган асарларнинг фалсафий моҳияти, гояси, образлар дунёсига хос талай гўзалликларини топиш орқали тадқиқотчи Ғафур Ғулом фикр-карашларида мантиқий изчиллик мавжуд эканлигини келтириб чиқаради. Олимнинг синчков назаридан мумтоз поэтика анъаналарининг ижодий давом қилдирилиши ҳам, фалсафий теран образлилик ва мушоҳадакорлик ҳам, услугбий индивидуаллик ҳам четда қолмайди. Ижодкор руҳининг қудрати шоир лирикасига хос ҳалкона соддалик ва пурхикматлиликнинг асосида туради. Унинг лирик қаҳрамони жавҳарини бутун инсоният номидан гапиришга журъат этган Ғафур Ғулом жўшкин қалби ташкил этади. “Ғафур Ғулом лирик қаҳрамони XX аср ташвишлари, аламлари, ўқинчу армонлари, азобу укубатлари, кувончлари билан дарманд яшаган киши. Унинг кўп шеърлари бунга мисол бўла олади. Лекин шундай бўлса ҳам, бу лирик қаҳрамонлар факат шўро инкилоби қонларидан юзиб чиқсан, иккинчи жаҳон уриши укубатидаги хонумонликни орта қолдирган, “совук уруш” талолумларида юрак-бағри хун бўлган мажруҳнамо одам эмас. Унинг лирик қаҳрамонлари мана шу азоб-укубатларни кўрган, бошдан кечирган, лекин иродаси синмаган, руҳи чўкмаган, доим ҳаёт завки, яхши кун шавки, умид гулоби билан яшаган ва улардан ўзига нимадир ола билган кишилардир” - деб ёзади олим (47-бет).

Шу пайтгача “шўро одами” деб қаралиб келингани ҳолда ҳаётга чанқоқ, содда ва софдил, ожизлигини эътироф этадиган, оддийлиги билан ҳаётий, ҳаққонийлиги билан ишончли, сўзда событлигию мардлиги билан БАЛАНД турадиган Ғафур Ғулом лирик қаҳрамонлари оддий инсонлар сифатида олиб қаралади. Демак, олим Ғафур Ғулом қалбининг нозик сезувчанлиги, илғамларидаги донолик, некбин ишонч, баланд ғурур каби коришик туйғуларнинг поэтик ифодасини инжалик билан кузата олган.

ХХ аср фукароси бўлган Faфур Fулом - жаҳоншумул шоир. Чунки унинг шоирона нигоҳи ўткир, тафаккур уфклари кенг. Шоир жаҳон миқёсидағи воеа-ходисаларни инсоний туйғуларга боғлаб, умуминсоний қадриятлар мезони билан ўлчаб бадиий таҳлил эта олади, ўзига хос тарзда нафис ифодалашга муваффак бўлади. Сўз юргизилаётган китоб бизни Faфур Fуломга хос салобат, файласуфона донишмандлик, фавқулодда истеъдод ва маҳорат сирлари билан яқиндан танишитиради. Чунки олим Faфур Fулом қалбининг тубидаги инсоний меҳр-муҳаббат, эркка ташналиқ орзу-армонларини кашф эта олган. Адабиётшунос 40-50- йиллар ўзбек шеъриятига хос хусусиятларни кузатар экан, шоир шахсиятидаги темперамент, инсонпарварлик, донишмандлик ва адолат учун куюнчаклик хусусиятларини давр адабий жараёни аспектида идрок этади. “Бир қатра симоб янглиғ титраб, қалқиб турган” жаҳон воелигига ўзбек шоири ҳамиша ўзини дахлдор деб билган. У лоқайдлик иллатидан тамомила бегона бўлган. Бахтиёр Назаров Faфур Fуломнинг “Тинчлик минбаридан”, “Тонг отди”, “Ғолиблар шарафига”, “Тинчлик нашидаси”, “Она қизим Жамилагага” каби ўнлаб шеърлари лирик қаҳрамони табиатини ишонарли инкишоф этади. Шоир қалб торларининг нолишларига, савтларию авжларига китобхонни ошно этишга эришади. Faфур Fуломнинг “Куёш теварагида”, “Куёшдан салом” сингари шеърларини таҳлил этиш жараёнида олим космос ва инсоният муаммоларининг фаол бадиий талқинига дикқат қаратади. Бутун олам ва коинотни, заминни яхлит бирлик сифатида кўрган, идрок этган, бадиий ифодалай олган Faфур Fуломни “Космогоник йўсинда бадиий фикрлайдиган шоир эди”, - деб баҳолайди (51-бет).

Адабиётшунос олим Faфур Fулом ижодидаги тарихан ўзини оқламаган айрим фикр-мулоҳазалар, жумладан, фан-техника таракқиёти ва инсон қалби муносабатлари каби масалаларга етарлича эътибор бермаслик ҳолларини асосли тарзда танқид қиласи. Муҳими шундаки, мазкур танқидлар танқид этикаси доирасида бўлиб, шоирнинг тарихий хизматларини камситиш руҳидан мутлақо йироқдир. Мунаққиднинг танқидий фикрлари теран андишалар билан, шоирни оддий бир инсон ўлароқ хис этиш орқали баён этилади.

Faфур Fулом улкан ижтимоий-тарихий ҳодисалар силсиласида яшаётган инсон қалби ва руҳиятига эътибор қаратишни энг муҳим вазифа санаган эди. Адабиётшунос олим

жажжи болажонлар қалб дунёсига хос гўзаллик ҳам шоирнинг синчков нигохидан четда қолмаганигини “Ола бузоқча” шеърини таҳлилга тортиш орқали кўрсатади. Таҳлил жараёнида жажжи китобхон завқига эътибор бериб яратилган бадий кашфиётларга хос оригинал миллий образларнинг маъно ва мазмуни, хиссий туйилган манзаралар жозибаси жилвалари кашф этилади. Тадқиқотчи Fafur Fуломнинг карашларини реаллик билангина чеклаб тушунмайди. Балки шоирнинг орзу-идеалларига боғлаб талкин киласди.

Давр ёлгон идеалларига эргашиш натижасида шоир таҳайюлида пайдо бўлган айрим янглиш хуласалар рисолада ўринли тарзда кўрсатиб ўтилади. Fafur Fулом ҳам хукмон мафкура жозибасига gox алданғани, gox адашгани ҳакида сўзлар экан, адабиётшунос чуқур таассуф билан “... элнинг шоир алданмасин экан. Шоир алданган эл тез алданади”- деб ёзади. (57-бет) Ижодкор фаоллигининг ботиний жиҳатлари у яшаган давр билан узвий алоқадорликда англаради. Дарҳақиқат, Fafur Fулом ижодий меросида дўстлик, тинчлик мавзулари санъаткорона бадий идрок этилган. У яратган асарларда ўзбекона соддалик, пурмаънолик, самимият – теран инсонийлик етакчи хусусият сифатида акс этган. Шоир лирик қаҳрамонни бутун инсоният номидан гапиртириш орқали намоён этиш услубини чуқур ўзлаштиргангина эмас, тадрижий тарзда ривожлантириб борган. Бахтиёр Назаров шоир поэтик қарашлари ифодасидан унинг юраги нозик тебранишлари жаҳон тараккиётининг истикболини маънавий-маърифий ҳамкорликда ҳис этганини келтириб чиқаради. Шоир лирикаси ички моҳиятининг ўзи мустақиллик даврита келиб Fafur Fулом ижодий мероси ижтимоий-эстетик салмоғигага эътиборни кучайтириш заруриятини юзага чиқарди,- деган фикрни илгари суради.

Мамлакатнинг оддий бир фуқароси бўлган бу иктидор сохиби элнинг яловбардори, воқеликни санъаткорона бадий идрок этиб яна ҳалкнинг ўзига тақдим килишга масъулликни ҳис этган шоир эди. У шоирнинг талкинлари ҳамиша холислик ва ҳаққонийликка йўғрилган бўлиши лозимлитини анлаган эди. Шунга асосланган мунаққид ҳам чинакам санъат асарлари олдига мавзунинг бадий теранликда, санъаткорона идрок этилиши ва маҳорат билан ифодаланиши талабларини кўяди. Fafur Fулом ижоди туб моҳиятини айрим декларитив шеърлар эмас, балки содда,

пурмаъно, чукур самимиятга йўғрилган, теран инсонийлиги билан ажралиб турувчи асарлар белгилайди,- деган хulosага келади. Демак, рисолада Faфур Fулом шоирона лафзининг ижтимоий-маърифий салмоғига хос залвор теран таҳлил ва талқин этилади. Бинобарин, олим Faфур Fулом шеъриятининг XXI аср тонги учун ҳам муҳим бўлган жиҳатларини эстетик идрок эта олган.

Бахтиёр Назаров “миллий ва умумбашарий тўлкинларда кулоч отган шоир”нинг хаёти ва ижодига ғоятда эҳтиёткорлик ҳамда синчковлик билан ёндошади. Бу эса мунаккидга Faфур Fуломнинг Бедил мактабидан олинган сабоқлар нури остида бадиий матн тагструктурасига жойлай олган кўчма маънолар – қалбида яширган дард-изтиробларини илғаш имконини беради. Faфур Fуломнинг асл дардлари у мансуб бўлган авлод яшаган мураккаб замон драмасининг улуғ шоир қалбида қолдирган асоратларида тажассум топгандир. Faфур Fуломдай катта шоир қалбидаги пинҳон дардларини асарларининг қатига мохирона яширмаслиги ҳам мумкин эмасди. Адабиётшунос олим бадиий матннинг зоҳирий жиҳатларигагина эмас, ижодкорнинг матн тагқатламига жо этган рухиятидаги фалсафага, бадиий гўзалликка, кўчимдаги фикрлар жозибасига диққат қаратади. Адабий танқид фанининг табиати, моҳиятига таяниб гипотетик қарашлар асосида кашф этиш йўлидан боради. Мазкур усул олимга илмий-назарий хulosаларини мустаҳкамлаш ва янада чуқурлаштириш имконини беради. Сўз санъаткори асарларини “янгича ўкиш”ни олим ғоятда камтарона тарзда “уринишларим” деса-да, бундай уринишга журъат этиш ва уни муваффақият билан уддалаш зинҳор осон кечмаганлити аник. Бахтиёр Назаров Faфур Fуломнинг икрорномалари, яқинларининг хотиралари асосида шоир мукаммал аниқликни топгунича кечирган мураккаб ҳаёти жисми ва руҳида қолдирган асорат изларини биттабитталаф “конталаш марジョンлардек териб олган”, ҳатто айрим имо-ишораларигача кўздан қочирмасликка интилган.

Эҳтимол, айримларга мунаккид фикр-қарашлари гўё матндан узиб олинган парчаларга асосланган ва шеърнинг умумий руҳига у қадар монанд бўлмаган тусмоллардай ҳам туюлиши мумкин. Бизнингча, шундай иштибоҳга боришдан олдин ижтимоий-адабий ходисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунтиришга хизмат киладиган асосли таҳминлар ҳам инсон билимларининг ўзига хос шакли эканлиги масаласини ёдга тушириш керакка ўхшайди. Зоро, адабиётшунос ўз фикрларини теран таҳлиллару кузатинлар,

умумлаштиришга етакловчи мулоҳазалар асосига курадики, китобхонда ўрганилаётган муаммо ҳакида бир қадар ишончли билимлар ҳосил бўлишига туртки бера олади. Бахтиёр Назаров қайд қилувчи фактлар адабиётшунослик истиқболида мўлжални тўгри белгилашга йўналтирилган бўлиб, адабий ҳодисани чукурроқ тадқик қилишга ёрдам беради.

Шуниси эътиборга лойикки, мунаккид таҳайюлида қайта ишланган ҳаёт ва адабиёт ҳакидаги талкинлар, аналогияга асосланган эҳтимолий хуносалар китобхон қарашларида ҳам кўпкатламликни келтириб чикаради. Чунки у ўз гипотезаларини шунчаки силлогизм сифатида тақдим этмайди. Уларнинг мавжуд фактларга қанчалик мувофиклигини ҳам аниклашга – верификация килишга, дедуктив йўл билан мантиқан келтириб чиқаришга интилади. Демак, олим версиялари Faфур Fулом ҳаёти ва ижоди табиатининг янги кирраларини очишга хизмат килувчи, ҳақиқатни англашда муҳим қиммат қасб этувчи мантикий асосга эга бўлган шархлардир. Шу боисдан ҳам, олим ўз фикр-мулоҳазаларини узил-кесил ҳукм-хуносалар тарзида ўtkазишга уринмайди. Бинобарин, бундай гипотетик-дедуктив муҳокама юргизиш усули адабиётшунослигимиз учун муҳим методологик аҳамиятта моликдир.

Олим Faфур Fуломнинг қоғозга тушмаган, лекин ўз миллатининг маърифатли зиёлиси, жонажон Ватанининг фукароси, нозиктаъб истеъдод ва улкан иктидор соҳиби сифатида туйиши мумкин бўлган хаёллари – ички оламини ўқийди. Шоирнинг 20-йиллардаги ижодида Чўлпону Фитратларнинг Ватан, Халқ ва Миллат дарди, умид-орзуяларига тўйинган шеърларига ҳамоҳанглик ғоятда кучли ифодаланган. Мазкур рух кейинчалик ҳам, унинг айрим асарлари бағрида, анча яширин тарзда бўлса-да яшаб келган. Абдулҳамид Чўлпон 1931 йилдаёк Норин бўйларида ажиб ҳаволардан кўксини тўлдириб симирганида, шарқироқ сувлар юзида ўйнашаётган ой нурлари жилвакор гўзаллигига махлиё бўлганида Faфур Fулом шаънига ашъор битганлиги бежиз эмас. Абдурауф Фитрат аруз вазни масаласини кент муҳокама килар экан, адабиёт муаллимлари ва илм толиблари учун битилган “Аруз ҳакида” (1936) рисоласида ўз илмий фикрларини далиллаш мақсадида Faфур Fулом шеърларидан ҳам мисоллар олади. Фитратни шоир шеърининг вазнигина эмас, “қонли тўфонлар” заҳархандаси, “қанот ёзган қора булутлар чойшаби”, табиат юзини

коплаган минг йиллик “кора пардалар” вахми “тош қалбли қора аждар” янглиғ күчогини очган ўлим даҳшати ҳақидаги рамзий-мажозий образлари, ҳар қадамда бир фалокат кутиб турган, миллат гулларини қиркмокқа киличлар қайралган 30- йиллар ҳаётига вобасталиги ҳам мафтун этган бўлса ажаб эмас. Бундай ҳаётий фактларни кенг истифода этган Бахтиёр Назаров 30-йилларнинг иккинчи ярмидаFaфур Fулом феъл-авторининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида махсус муҳокама қилиниши сабабларини келтириб чиқаради.

Маълумингизким, ўшанда Faфур Fулом Чўлпон ва унинг даврасидагиларга ҳамсухбат бўлганига-да кечирим сўрашга мажбур килинган эди. Демак, адабиётшуноснинг “Аросатда қолган Ватан дарди, Xалқ орзу-армонлари, умид-интилишлари шоирнинг изтиробидир”- деган хulosага келиши ўзининг миллий-рухий асосларига эга ва ҳаётий фактлар асосида далиллангандир.

Турли йилларда ёзилган ва Faфур Fуломнинг эҳтиёткорлиги важҳиданми, ноширларнинг ўта талабчанлиги боисиданми шоирнинг ҳаётлиги даврида чоп этилмаган айрим шеърлар олимнинг диққатини жалб этади. Бу шеърларда мадхиябозлик - Ватанга хиёнат даражасида баҳоланганд. Миллатни уйғотмоқ, эркка умидворлик, ҳалқ кучига ишонч руҳи қабариқ тарзда ифодасини топган. “Миллиард сатрларга занжирбанд сўзлар”да шоирнинг дардли ва ларzon фикрларини – эрки бўғилгани боис хушёр ва эҳтиёткор бўлиб қолган тафаккури ва қалбини кўрган олим уларни Faфур Fуломнинг “кўнгил тафтишидан ўтган, юрак садолари жо бўлган асарлар – порлок шеърлар”- деб баҳолайди. Чунки, мазлум ҳалкнинг аламли нидолари муқаррар интиқом туғдиради. Бу вулқон золимлар вахшати ва офатини барбод этажакдир, - қабилидаги фикрлар жойланган шоҳбайтлар 50- йилларда ўзига хос ифода йўсинини топиб айтилган эди.

Рисолада Чингиз Айтматов асарларида мифологик мотив ёрдамида ифода этилган мақсадлар бундан ярим аср олдин шеърий шаклда, реалистик йўсинда Faфур Fулом ижодида ҳам акс эттанлиги қиёслар орқали кўрсатилади. Бундай чоғиштиришлар олимга “Тинчлик минбаридан”, “Вақт”, “Софиниш”, “Мен яхудий”, “Сен етим эмассан”, “Шараф қўлэзмаси” сингари шоир шеърларни моҳияти, бадиий теранлиги, қиммати ва аҳамиятини янгича инкишоф этиш имконини беради. Асардан асарга силжиб, сайқаллашиб бораётган “карвон”, “тева”, “етим бўта” каби шоир

бадий тафаккур булогидан сув ичган образлар замиридаги маъноларга асосланиш Faфур Fулом тафаккурининг ҳамиша халқ эрки, ҳуқуқи, ҳурлиги, ўзлиги, дарди масалалари билан банд бўлғанлигини кўрсатиш сари етаклайди. Зеро, Faфур Fулом хоҳ шуурий, хоҳ гайришуурий тарзда бўлсин, умуман, озодлик, эрк, мустақиллик ҳақида сўзлаганида наинки ўз халки ва ватанининг, балки ўз “мен”ининг армонларини, умидларини асарларига сингдириб юбора олган, жаҳоний орзуладар кучогида яшаган улуғ шоир эди.

Демак, Бахтиёр Назаров Faфур Fулом меросини ўзбек халки номидан янгича ўқишига шоир руҳидан ҳукук олади, миллат фарзанди сифатида бунга бурчдорлик сезади. Сатрлар қатига шоир яширган ва келажак насллар илғашига ишонган, ишонгани билан зинҳор янглишмаганини исботлайди. Жаҳон халқларининг армонлари ҳақида ёзилган, адабиётшунослигимизда шу пайттacha ер куррасининг турли қитъаларида ўз мустақиллиги учун курашаётганлар орзу-ниятларининг ифодаси деб талкин қилиниб келинган асарлар биринчи навбатда ўз эрки, ўз ҳукувидан маҳрум бўлиб келган халқимизга дахлдор эканлигини зукколик билан кўра олади. Дарҳакиқат, “шабнамдан тўлдириб жом” саодат манзили сари ошиккан, ўзини енгилмас карвон – халқ сафида хис этган, Ватан, халқ қалби ва замин обод, инсонлик шаъни улуғ, одамзод баҳтиёр бўладиган “азиз фурсатларнинг тарихига кирмоқ”қа ўзини лойик топган ҳар бир пок инсон каби Faфур Fулом ҳам ўша кунларни орзу тўла дил билан мунтазир бўлиб куттганлиги, шубҳасиз. Faфур Fулом ўзи орзулаган истиқлол замонида мустақил Ватан чаманзоридан муносиб ўрин олиши, асарлари билан иккинчи умрининг навкирон фаслига қадам қўйиши, қалб илҳомидан туғилган, иродасига қувват берган сатрлар том маъноси-ла аждодлари тамонидан англаб этилишида академик олим ўткир зеҳнининг курратидан яралган “Faфур Fулом олами” рисоласининг ҳам муносиб ўрни бор.

Маълумингизким, туркий халқлар қадим-қадимдан ўз тақдирини бирликда кўрган, тараққиётини ҳамжиҳатликда англаған. Ўзи яралган заминни, шу худудда яшовчи барча қабила ва элатларни “умумий уй” манфаатлари йўлида жон фидоликка даъват этиб келган. Кундалик ҳаёт ташвишларидан халқ ва мамлакат дардларини, алоҳида шахс интилишларидан эл-юрт орзу-армонларини хеч қачон ажратиб қарамаган. Умуминсонийликни

бош мезон санаб, ер куррасидаги мұкаррам зот—инсонни улуттлаган, шарафлаб келган. Диний бағрикентгілік, биродарлық, дүстлик, меҳр-мухаббат, маңнавий-ахлоқий комиллікка әхтиром Шарқ кишигининг улуг фазилатидір. XX асрда ўзлигидан сунъий тарзда узіб күйилған халқ ҳақида сўзлаған шоир ёзади:

*Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёи.*

Бахтиёр Назаров ўша “зўр карвон”нинг қадим боболаримиз анъаналари, “етим бўта”нинг карвондан орта қолиб, ногирон кўзларидан ҳалқа-ҳалқа ёшлар оқизаёттандигини эса шўро давридаги халқ тақдирни деб билиб ибратли хулосалар чиқара олади.

*Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш.*

каби шоир шоҳбайтларини борлик, уни яраттан Аллоҳ ва Тангрининг адолати маъноларида талқин этади. Шу орқали шоирнинг космогоник образлари силсисидаги маъно серкатламлигини келтириб чиқаради. Шубҳасиз, тадқиқотчи Fafur Fуломнинг шўро даври шоирлари байроқдори мақомида турганини, давр пафосини акс эттиришга сафарбар этилганини жуда яхши билади. Ҳатто, Fafur Fулом ўз ижтимоий мавқеини кўлдан чиқармасликка астойдил уринганлигини ҳам назардан қочирмайди. Аммо, кенг маънодаги адабий жараёнга хос характерли хусусиятлар: ҳалқаро миқёсдаги озодлик ҳаракатларини улуттлаш, Шарқ ҳалклари истиқололига муносабат билдириш имкониятидан усталик билан фойдалана олган шоирнинг БУТУН ИНСОН сифатидаги жасоратини кўрсатишга алоҳида аҳамият билан карайди.

Мунаккид адабиётшунослигимиз учун бир қадар ноанъанавий бўлган йўлдан боради. Яъни, у Fafur Fулом қаламига мансуб айрим мисраларни шеърнинг умумий матнидан узіб олиб таҳлилга тортади. Олимнинг фикрича, Fafur Fуломнинг асосий мақсади бутун шеърда эмас, айнан алоҳида мисра ва байналарда берилган. Чунки шўро мағкурачиларига, цензорларига маъкул келадиган фикрлар оргига бош мақсадини яшириш орқали турли гумон-шубҳаларни Гафур Fулом ўз шахсиятидан йироклангиради. Бу хол

рисолада фикр ва эътирофлардан, турли қайдлардан, шунингдек, бадиийликка бўйсундирилган образлар мөхиятидан келтириб чиқарилади. Аён бўладики, Fafur Fулом ҳатто юрагини ларзага солган ўта шахсий, оиласи дардларида ҳам зимдан тузумга, жамиятта бўлган муносабатини ифода эта олган экан. Шоир яшаган замоннинг ниҳоятда қалтислиги назарда тутилса, Fafur Fулом айрим лавҳалар, кичик шеърий парчалар, алоҳида мисралар, кўчим маънолар ортига яшириниш услубини маҳсус қўллаганлиги иштибоҳ туғдирмайди.

Демак, Fafur Fулом шеъриятида метин-мустахкам риоя килингандек туюлган мафкуравий талабларни баъзан зоҳирий белги, ўзига хос ҳимояланиш усули деб идрок этиш куюнчак шоир илҳом уфқларини, миллатпарвар, дардманд қалбини, тафаккур камровини ёрқинрок англаш имконини берар экан. Илло, шоир изланишларининг азобли йўли, фикр-ўйларида кечтан пўртанаалар, қалбини ўртаган кечинмалар миқёси у колдирган адабий меросдан кўра минг чандон кенгрок, камровлироқ, босими залворлироқдир. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг:

*Fafur Fulom tuyigan gururni,
Kilmok mulikin dun'ega doston...*

дея ифтихор туйиб, шеърий илҳоми жўшганлиги ҳам бежиз эмас эди. Ўтган асрнинг 70-йиллари миёнасидаёқ А.Орипов адабий ҳаётимизда эндиликда Fafur Fуломлар йўклигининг ўзи катта йўқотиш эканлигини, унинг қалб оламини тамомила янгича кашф этиш зарурлигини шоирона интуиция билан пайқаган бўлса ажаб эмас. “Fafur Fulom olami” рисоласи узок давр мавжуд бўлган ўша заруриятни қондирмоқ умидида, адабиётшуносликдаги муайян бўшликини тўлдирмоқ мақсадида яратилган ва шоирнинг номини чинакам маънода дунёга достон килишга арзигулик тадқикотдир.

Албатта, олим Fafur Fулом асарларини нукул олам ҳодисалари, ижтимоий мухит талотўмларигагина боғлаб қўймайди. Шоирнинг нозиктаъб кўнгли, ўз-ўзини анлаган тафаккури улардан нечоғлик юпанч топа олганлигини ҳам назарда тутади. Мутаржим Fafur Fуломнинг юрак парчасига айланган А.С.Грибоедовнинг “Акlliлик балоси” асари таржима варианти қатларидан шоир кўнглини ром этган талай ҳайратларни топа олади. “Акlliлик балоси” аллақачон адабиёт тарихига айланган. Ўзга жуғрофий-

ижтимоий мухитда, бошқа бир мақсад-муддаоли ғояни А.С.Грибоедев услубида ифода эттан асардир. Таржима замирида уриб турган Faфур Fулом юраги садоларини тинглай олган олим шоир хаёлида кечган ўйларга яқинлашишга уринади. Faфурона маҳорат туфайли мазкур асарнинг муайян вазият-холатдаги ўзбек шоири дард-аламларининг-да ифодасига айланганлигини кўрсатиб беради.

Адабиётшунос олим Faфур Fуломнинг яширин дард-орзулари, тузумга раддиялари, келажакка йўллаган пинҳоний умидларини “Ҳасан Кайфий”, “Алиқулнинг Қарзи” каби айрим хикоялари ифода қатларидан ҳам топади.

Халқ эртаклари фабуласи асосига курилган “Ҳасан Кайфий” (1965) хикоясини мунаққид ғоявий-бадиий жиҳатдан носир ижодининг “оқкуш кўшиғи”- деб атайди. ”(93-бет) Юмористик хикоя устаси ва “табиатан ҳазил-мутойиба кони”(92-бет) бўлган Faфур Fулом шўро мамлакати бошчиси сиёсатини фош этиш ижодий ниятини яширин амалга ошириш учун эртак жанрини маҳсус танлаган, - деган хulosага келади, олим. У Ҳасан Кайфий тилидан айтилувчи Ҳофиз Шерозий мисраларидан нафақат хикоя қаҳрамони таъбини, балки ёзувчи юклаган теран мақсад ва маъноларни ҳам топади. Ҳасан Кайфий тимсоли ишоравийлик хусусиятига эга. Шу орқали асар ёзилган пайтда ўз тарихи, шажараси билан қайтадан дийдорлашув умидидаги бутун бир ҳалкимиз тақдирига нозик ишоралар қилинган. Жумладан, Ҳасанни ўзи белгилаб берган йўриғига йўргалатиш умидидаги подшо эркин тафаккур ва ижодий меҳнатнинг душмани эканлиги билан шўро сиёсати раҳбарининг рамзи даражасига кўтарилган. Шубҳасиз, қаҳрамон тилидан подшо “маҳлук”- деб баҳоланганида, “соядан бирон нарса умид қилган киши аҳмоқ бўлади”, - қабилидаги Ҳасаннинг теран хulosаларида ўзига хос рамзий-образли ифодавийлик мавжуддир.

Ҳукмдор ҳакида икки оғиз илиқ гап айтиш, унга ялтоқланишдан тийилган, эътиқоди мустаҳкам, ҳалол, меҳнатсевар, беозор Ҳасан образи замирида аслида ўз умри ниҳоясида жамиятнинг расолиги мазкур тузумни бошқараётган раҳбар адолатидан хафсаласи қолган Faфур Fулом калби мужассамлиги теран туюлади. Адигнинг алам-армонлари имо-ишораларга яширилган, кўчимли маънолар орқали ифода этилгандир,-деган тўхтамга келинади. Дарҳакиқат хикояда подшонинг номатлуб

фикри ва феъл-атвори –“расво нафс”лигига Ҳасаннинг итоаткорлик ва кимсага тобеликдан ҳазар килувчи, эркинлик ва ҳурликка ташна, ўз-ўзигагина ишонган табиати контраст кўйилади. Ҳикоя эртакнамо жанрий услугуб ва юмористик характерда битилган бўлиб, унда акс эттан фикрлар мантиғи бадиий меъёр талабларига мутаносибdir. Бахтиёр Назаров ҳакли эътироф эттанидай, катта ижтимоий дард ва миллий-ижтимоий ғояларнинг яшириб айтилиши шунчаки тасодифий ҳол бўлмай, жиддий тайёргарликлар билан, онгли равишда амалга оширилган ҳамда ёзувчи ижодий услубининг ўзига хос хусусиятини намоён эта олади. Шунингдек, мунаққид бир ҳикоя доирасидаги кузатишларининг ўзида портрет тасвири, бадиий тил маҳорати, тарихийлик тамойилига содиқлик каби Fafur Fуломнинг насрдаги услубий индивидуал қирраларини инкишоф этишга муваффак бўлади.

Адиб эртакнамо мазмунни ҳамиша ҳам ҳажвий-юмористик услубда байён этмаган. У ҳаётий воеаларни изчил реалистик услубда ҳам акс эттирган. Китобда бу жиҳат “Аликулнинг қарзи” ҳикояси таҳлили орқали кўрсатилади. Олим чуқур мулоҳазакорлик орқали Fafur Fулом паҳта монокултураси ҳақидаги пинҳон дардларини ҳам имкон топиб айта олганлигини англаб етади. У тагмати маъноларини ўқиши орқали ҳикояда мавзу ва даврнинг атайлаб шўродан олдинги замонлардан танланиб, асар ёзилган замон руҳи унинг замирига сингдирилганлигини очади. Тадқиқотчининг синчков назари ҳикоя қаҳрамонининг исми (“Аликул”) ва кишлоқнинг номи (“Юпун”) каби унсурларга-да адиб юклаган жиддий ишоравий маъноларгача яққол кўриб туради. Нозик шаъмалар орқали очилган асосий ғоя – Алиқул тақдирида ўзбек паҳтакори қисмати ифода этилганлиги қашф этилади. Мўйсафид чолнинг она ер билан тиллашиб ҳаннот (комиссионер)нинг бетига тупуриш ҳақидаги қарорга келиши, аслида нафрратга тўла Fafur Fулом дилининг ҳам очилиши, ички аламли туйғуларининг вулқонланиши эканлиги ҳаққоний тарзда ўз баҳосини олади.

Мунаққид масала моҳиятини шахс табиати ва нутқида тажассум топган разолат билан боғлаб, ёзувчининг қаҳрамон руҳий-психологик оламини ифодалашдаги усталиги, бадиий сўз курдатидан ғоятда эҳтиёткорлик билан фойдалана олганлигини кўрсатади. Эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, тадқиқотчи ҳикоядаги қаҳрамон нутқини шартли равишда алоҳида-алоҳида

бўлиб кўрсатиш – жонли мулокот тилига кўчириш усулидан фойдаланади. Натижада, тасвир аниқлиги, ифода тўқислиги, фикр тиниклиги, бадий маънонинг кўламдор ва теранлиги каби кўплаб белги-сифатларни ойдинлаштиришга эришади. Бадий такрорларнинг адабий-эстетик функцияларини кўрсатишга муваффак бўлади. Ҳикояни ўрни билан Ч.Айтматовнинг “Момо ер” қиссасига киёслаш, Аликул ва ижтимоий куч қиёфасини мужассамлаштирган комиссионер образлари ўзаро контрастлигини кузатиш, мазмуннинг ишора-шაъмалар қатига яширилганлигига диккат каратиш олимгаFaфур Ғуломнинг носир сифатидаги маҳоратини кенг тарзда англаш имконини беради.

Китобдаги Faфур Ғулом асарлари ҳакида илгари сурилган юкоридаги сингари назарий-методологик қарашлар шоирнинг феъл-автори, бетакрор табиати, эътиқод-маслаги, мураккаб ҳаёт йўлида учраган азобли изтироблар, кувонч-ташвишлару турли зиддиятлар, у тарбия топиб камолга етган мухит, оила қувончи, дўст биродарлар даврасида ҳам олиб кузатилади. Бинобарин, Faфур Ғуломни замон ва жамият омили таъсиригагина боғлаб кўйишдек ғоятда примитив ақидалар доирасидан анча четга чиқилади. Ижод олами ва ижодкор руҳий-психологик дунёсининг жон томирларига дадил кириб борилади. Faфур Ғулом табиатига хос талант, иктидор, салоҳият туфайли Ватан дардлари, эл-юрт армонларини теран туйган, ҳиссий идроки ва тафаккурида қайта яратса олган даҳо санъаткор бўлишида юқорида санацган факторлар ҳам мухим роль ўйнаганлиги назардан қочирилмайди. Айнан мазкур жиҳатларнинг барчасини ягона фокусга жамлай олиш натижасидагина сўз санъаткори асарларининг юзага келиш сабабларини аниқлаш, маҳорат омилларини белгилаш имкони туғилади.

Айтиш мумкинки, Бахтиёр Назаров ёзувчи табиати ва шахсини ўрганишда мумтоз ва замонавий адабиётшуносликнинг кўп асрлик анъаналарини муваффақият билан давом килдиришга муваффак бўлган. Биографик метод имкониятлари доирасида Faфур Ғуломнинг психологик-биографик портретини тиклашга, адабий-бадий асарларининг ғоявий-бадий ўзига хосликларини юзага чиқарувчи омилларни шу билан боғлаб таҳсил ва тадқик этишга эринишди. Шоирнинг ижодий лабараториясига чуқур кириб бора олган.

Faфур Ғулом ота-онасининг шеърий иктидори борлиги, тоғаларидан бирин девон тузиш даражасига етгани мунакқид унинг

шоир бўлиб етишувида ирсият ҳам мухим роль ўйнаганини аниклаши учун ўзига хос очқич вазифасини ўтайди. Faфур Fулом ҳофизасининг кучи фавқулодда эканлигини назарда тутиш унинг иктидори, лисоний укуви, билимдонлиги, уй сабоклари билан чекланмай, мадраса ва жадид мактабларида таҳсил олганлиги каби шахсияти ҳамда ирсиятига дахлдор фактларни эътироф этиш сари етаклайди. Faфур Fулом табиатида ҳазил-мутойиба завки кучли эканлиги, хушчақчак, дилкаш ва дилбар инсонлиги адабнинг ҳажвий ва юмористик асарларини ана шу хусусиятлар билан боғлаб ўрганишга ундайди. Дарҳакиат, серзавклиқ, қувноқлик, ҳаётсеварлик, шавқ ва завқ жозибаси ҳам, етимликтининг дилда қолдирган охлари ҳам Faфур Fуломнинг ижод маҳсулларига ўз таъсирини ўтказган.

Faфур Fулом ҳалқаро миқёсларда машҳур шоир эди. Бунга адаб нафақат яратган асарлари, балки давраларга тез сингиша олиши, турли миллат вакиллари билан меҳр-муҳаббат ришталарини биродарлик асосида боғлаб, доимий тарзда мустакил давом қилдириши, фавқулодда билимдонлиги сабабли ҳам эришган. Шоир ўз атрофига нафақат тенгкурлари, балки ёш ижодкорларни ҳам жипслаштира олган. Ташаббускорлик, меҳмондўстлик, одамшавандалик, етимпарварлик, оламга тийраклиқ билан назар ташлашга интилиш унинг табиатига хос характерли белгилар бўлган. Faфур Fулом зиёлий бир инсон сифатида ҳалқаро миқёсдаги адабий ҳаёт ва адабий жараёндан воқиф бўлиб, атрофидагиларни ҳам шунга ундан яшаган. Унинг хотираси ғоятда кучли бўлиб, эллик минг байтни ёдда тутиб газаллар ўқиган экан. Бахтиёр Назаров Faфур Fулом ижодий феноменининг ана шу каби хислатлари ва бадиий фикрлаш йўсини, ижодий тафаккури – ҳоли ва ҳаёли ҳақида сўз юргизар экан, факатгина шоирнинг ижодий меросида мавжуд далиллар билангина чекланиб қолмайди. Шоирнинг рафикаси Мухаррам ая, кизи Олмосхон опа, шоир ва драматург Мақсуд Шайхзода, Ўзбекистон Қаҳрамони ёзувчи Саид Аҳмад, фарангистонлик адаб ва арбоб Поль Вайян-Кутюре ва бошиқа ўнлаб журналист, педагог ҳамда адабиётшуносларнинг қимматли маълумотларига ҳам таянади.

Ижод тарафдуди, ёзиш истаги Faфур Fулом қалби ва тафаккурини ҳеч качон тарқ этмаган. Шоир анапу жараён ичиди – ўз оламида яшаган. Бахтиёр Назаров Faфур Fулом характери табиатининг мужда беришига асосланиб, унинг ижод йўсини

монотонликдан холи, камалакранг эканлигини келтириб чиқаради. Мунаққид адебнинг асарлари ёзилмасидан олдинги ҳолатлари, ижодий мўлжаллари, ёш қаламкашлар олдига қўйган талабларида ҳам юксак масъулият белгиларини кўради. Fafur Fулом ҳохишистаклари кредит даражасига айланган эди, - деган мунаққид бунинг сабабларини муайян ижодий ниятнинг туғилиши, янги асар яралиши ва эл назаридан ўтказилиши жараёнларининг қаламкаш тафаккури ва ички олами тафтишидан изчил тарзда ўтказилганлигига кўради. Шоирнинг ижодий тафаккур имкониятлари ғоятда кенг бўлиб, у фикри йўналган масалаларнинг ҳамиша янги қирраларини кўра олади, кўрсата билади, кутилмаган бадиий образлар топишга эришади.

Англашиладики, Бахтиёр Назаров ғафурона фикрлаш йўсини ва шоир тафаккури ҳаракатининг ҳар бир ҳалқасини бир-бири билан узвий алоқадорликда, изчилликда кузатади. Ҳатто, унинг кўлёзмалари ҳошиясида сакланиб қолган айрим график белгию портрет эскизларгача кузатиш, синчиклаб ўрганиш орқали Fafur Fулом ижодий лабараториясига имкон қадар теранроқ кириб боришга интилади. Айтиш мумкинки, бадиий тафаккур шаклий садоларига ҳам ботиний, ҳиссий нигоҳ билан кўз ташлайди, кулок тутади.

Табиатан ғоятда таъсирчан Fafur Fулом жамият ва инсон талабларига жавоб бермасдан яшай олмас эди. У эл-юрт ташвишларини ўзига қаттиқ олганидек, ўзганинг хурсандчилигидан астойдил қувонган. Кимсанинг қайғусини ҳам баб-баравар бўлиша олган. Шу боисдан ҳам, одамларга ҳамдард, оламга ҳамнафас инсоннинг бадиий оламида унинг шахси намоён бўлиши-да табиийдир. Бахтиёр Назаров Fafur Fуломнинг аксарият асарларини “бадиий сўзларга кўчтан эътиқод”, - деб баҳолаши ҳам ана шундай асосларни назарда тутишдан келиб чиқади. (109-бет) Образли килиб айтиш мумкинки, олим Fafur Fулом табиатидаги ҳамдарлик туйгулари турфа жилваларининг тўлқинларида сузишга, асов жиловидан ушлашга муваффақ бўлган. Шоир тафаккурини жунбишга келтирган ҳароратли лаҳзалар нафасини сезиб, ўта талабчанлик билан сўз суворийси лашкарини улуғ манзилларга бошлаган.

Fafur Fулом ҳалқимизнинг урф-одати, удумлари, табобати , тилимиз бойлиги ва назокатига хос жамики икир-чикирлару нозик кочиримларигача синчковлик, хурмат, эътибор билан

қараганлигига асосланган Бахтиёр Назаров: "... ўзбек миллати учун хос деярли барча фазилатлар Faфур Fулом шахсида мужассам эди"-деган хуносага келади. (110-бет) Мунакқид рисолада ижодий жараён намоён бўлиш тарзининг фафурона индивидуал хусусиятларини кузатиш асносида ҳам, айрим вазият-холатлар жилвасидаги Faфур Fуломнинг шахс ва ижодкор сифатидаги феълатвор кирраларини назарда тутади. Мазкур жараённи олим хаётийлик, жонлилик, теранлик, чукурлик имконларини янада кенгайтириш, тафаккурда куртак очган бадиий фикрнинг чоппар уриб гуллаши, воқеалар оқимида характерлар эркинлигини таъминлашдаги улуғ ижодкорларда кечадиган тантилик сингари ўнлаб факторлар муштараклигига олиб қарайди.

Натижада, Faфур Fулом табиатида мавжуд бўлган комусийликка мойиллик ва туғма талант билан боғлик бўлган барча кирраларни батафсил ёритишга эришади. Шоирнинг ўй-фикрлари, хотира-хаёллари, мухокама-мулоҳазалари, ҳаракат интилишлари, ижодий тамойилларини инкишоф этади. Рисолада илмий-бадиий ижодга бахшида инсоннинг умр дафтари гўзал туйғуларга йўғрилган пок виждан, мусаффо кўнгил, куйинчак қалб, самимий эҳтиром, bemisл эъзоз, олимона ҳалоллик билан теран туйилган, англаб етилган. Faфур Fулом феноменининг адабиётимиз тарихидаги ўрни, бугунги кундаги мавқеи, ўзбек адабиётшунослиги олдида шоирга ва умуман XX аср қалам соҳибларига бўлган муносабат муаммолари, Faфур Fуломнинг ёш ижодкорларга сабок бўларлик хусусиятлари каби масалалар кенг тарзда ёритилган. Адабиётшуноснинг барча таҳлилу талқинлари оддийлиги билан мукаррам, соддалиги билан улуғ, истеъоди билан кадрли инсон – Faфур Fулом кўнгил олами манзаралари, асарларида акс этмиш мусикий оҳанглар ритми, кўпларнинг дардига вобаста бўлган мазмун салмоқдорлиги, ифода гўзаллигини англатишга қаратилган. Шунинг учун ҳам, унинг услубига хос нозик хусусиятларни яхши илғаган олим Faфур Fуломни, ёзган нарсасига ўзини сингдириб, инсонни кўкка кўтарган шоир, дея таърифлайди. Мухими, Faфур Fуломни ўз даврининг "темир оқими"га қарши қўймайди. Унинг асарлари қатидаги тусмол қилаётган тагмаъноларига ҳам айнанлик мақомини бериш даъвосидан йироқ туради.

Бахтиёр Назаров Faфур Fулом асарларини эринмасдан қайта-қайта ўқиёди. Баъзан китобхонни ҳам шундай йўл тутишга ундейди. Хаёлларига эрк бериб улардаги бир қарашда оддийгина

туюлган холат-манзарапарни жонлантира олади. Хотира ва туйғулар жилови ечилиб, соғинч хислари учкүр парвозларга кўчганида адабиётшунос олим ва шоирнинг самимияти, бокириалигига хос дунёлар дийдорлашади. Сатрлар сехри сизни гоҳ олимона, гоҳ шоирона тарзда сўз гавҳарлари шодасини тизиб ўзаро ғойибона сирлашаётган икки буюк қалб олами туташган сониялардаги ғафурона донолик, викору эркаликлар, баҳтиёронা назаркардалик ва рух рассомлигининг гоятда вобасталигидан масрур бўлмоқ баҳтига насиб этса не ажаб. Шубҳасиз, бу кунт ва бардош билан амалга оширилган ижодкор-олим заҳмати ҳосилининг хушбўй атридан келувчи фараҳбахш лаззат туғдирган масрурликдир.

“Қаламида сўз ўйнаган” (120-бет) шоир ҳақида сўзлаганида олим ҳам баъзан сўз шодаларига жон киритиб юборади, гўё илмнинг шоири бўлиб кетади: “...куйма фирлайди, илхом ҳам булоқдек қайнаб тошади, ўзбакий тилдаги жозиба, қочирим, лутф, ўйноқилик, салобат, донишлик, кези келса, қамчиндек кескирлигу гулдек товланиш, ҳазил мутойибаю кўтаринки эҳтирос – ҳамма-ҳаммаси бор гўзалиги билан ишга тушади. Сўз фикрга чирмашиб, поэтик образлилик билан тўйингандада эса, маъно ҳазор қадар юксалтандек бўлади. Пўртанавор пафос ғафурона образларга тўқингач, айтилаётган фикр, илгари сурилаётган гоя қалб ва онгимизда бирдек жой талашиб, мустаҳкам ўрин эгаллаганини сезмай қоламиз.”(123-бет) Рисолада нафақат шоирона муждалар, балки талай назарий бақувват фикр-қарашлар ҳам илгари суриладики, улардан айримларини келтириш орқали даъволаримизни асослаш ўринлидир. “...маълум гапларни айтишдан шеър яралмайди. Шеър ана шу маълумлар ичидаги номаълумни айтиш, айтганда ҳам, маълумдан кўра маъкул қилиб айтиш, ҳаёт ҳакиқатига, эҳтимол, тўла мос келмаса-да, уни бадий ҳақиқат даражасига етказиб айтиш билан яратилади ва шу фазилати туфайли у онг ва туйғунинг уйғун ҳосиласи сифатида гўзал ходисадир.”(143-бет) “Шоир ижодига (Ғафур Ғулом назарда тутилмоқда. Т.М.) сиртдан қараб эмас, ҳар бир конкрет асардан келиб чиқиб муносабатда бўлиш лозим” (141-бет) “...ҳар бир асарга муаллифнинг аник мақсадидан келиб чиқиб ёндашув муҳимдир. Бир асар доирасида шодлик ҳам ,ташвиш ҳам бўлиши мумкин.”(136-бет)

Бадий ҳақиқатни ҳаёт ҳақиқати билан айнанлаштирумаслик, уни онт ва туйғунинг уйғунлигидан ҳосил бўлувчи гўзаллик сифатида идрок этиш, назарий фикр карашларни бевосита матнга таянган холда илгари суриш, мазмун серқатламлиги ва муаллиф мақсад-муддаосини тахлилу тадқик жараёнида доимо эътиборда тутиш ҳақида илгари сурилаётган назарий карашлар наинки Faafur Fулом ижодий мероси учун, балки умуман бутунги адабиётшунослигимиз учун ҳам мухим аҳамиятга моликдир. Рисоладан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бирок гап уларнинг сонида эмас, балки мохиятан адабий-эстетик тафаккуримизни янгилашга йўналтирилганидадир.

“Faafur Fуломни Ватан ва ҳалқ куйчиси сифатида белтилаш тарихий ҳақиқатта якинрок бўлади”, - деб ёзди олим. (133-бет) Шоир ижодий меросида “Күёш”, “Ўзбекистон” каби қайта-қайта мурожаат килинувчи образлар борки, улар ҳар гал янги-янги маъно қирралари ва руҳият ифодасига бўйсундирилади. Мунаккид бундай образлар тажаллийси, эврилишу тадрижини Faafur Fуломнинг яхлит бадий олами тизимида олиб қарайди, меҳр-эътибор билан теран бадий тахлил этади. Шоирнинг ижтимоий-эстетик қарашлари ва шахсий дардларини, умумўзбек адабиётидаги қуёшли Ўзбекистон образининг бадий талқинлари доирасида кузатади. Faafur Fулом ватан ва ватандош сиймосининг янги қирраларини очиши жиҳатидан Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов билан қиёсланади. Ўзбек тупроғини эркалаганида викор ва гуурур тутоши, поэтик образларининг кўламдорлиги сингари жиҳатларга дикқат қаратган олим: “... минг йиллик тарихий ҳақиқатни поэтик далиллар билан исботлаб утуғлашда даврининг шоирлари ичиди ҳақиқатан Faafur Fуломга тенг келадиганини топиш қийин”, - дейди комил ишонч билан. (123-бет)

Дарҳақиқат, Faafur Fулом қаламида олам манзаралари, Ватан жамоли табиий тиниклиги, анвойи гўзаллиги билан руҳоният назаридан ўтказилиб самимий туйғуларда, бадий бўёкларга бурканган тарзда ифода этиладики, поэтик идрокка кучли таъсир ўтказа олади. Жамият риёсини тагматнга жойлаб, ҳос китобхон тасаввурларига ишониб, ҳаёт зиёсини даражама-даражада баланд пардаларга кўтариб борган шоир баъзан асл ниятларини зирҳ ва қалқонлар билан тўсишга, яъни ғанимона нуқтаи назарларнинг тахликали тусмолларига мадҳиялар орқали чек қўйишга мажбур

бўлади. Шунинг учун ҳам олим муайян матн қатида шунчаки кайд килинувчи, патетика учунгина жалб этилган субъектларга эмас, балки бадий асарни ҳаракатта келтирувчи пафосга дикқат қаратади. Шеърнинг жавҳари ва мохиятини шоирнинг қалб олами, поэтик мулоҳазалари билан чамбарчас боғлайди. Мунакқид интилишлари онглардан, қалблардан бадий ижодга сиёсий-мафкуравий кўзойнак орқали қараш занжирининг даҳшатли изларини тамоман йўқотишга қаратилганлиги билан муҳим методологик аҳамият касб этади. Шеърий мисралардан илғамли туйғунинг ифодасини, охори тўкилмаган, янги образлар бадииятига хос табиийликни, самимийлик ва миллий бетакрорликни – кўнгил ҳаракатини излаган олим ҳамиша фикр-туйғулар қоришиклиги ва муаллиф кўзлаган аниқ мақсадлардан келиб чиқиб ўз қарашларини илгари суради. Адабий жараённинг бадий ва илмий тафаккур яхлит бирлигига воқеъ бўлишини хаётий фактлар асосида кузата олади.

Маълумингизким, адабий танқид ҳар бир давр миллий адабиёти билан ҳамқадам тарзда ўз эстетик принципларини ишлаб чиқади. Даврнинг зарурат ва эҳтиёжларига нафақат профессионал танқидчилар, балки бадий асарлари билан элга манзур бўлган журъатли, дадил, ўқтам қаламкашлар ҳам ўз изланишлари билан сезиларли улуш кўша оладилар. Ўзининг 20-йиллардаги адабий-эстетик қарашларида ёқ Fafur Fулом ҳажвиёт соҳасида қалам тебратаетган адилларни ҳалқ ижодидан ўрганишга даъват этди. Кулгили ҳангомаларнинг ижрочилик ва актёр маҳорати билан боғлиқ эканлигига дикқат қаратди. Ҳазил ва юморнинг ҳалқона бўлиши лозимлигини ёқлар экан, адабиётни ҳаддан ортиқ ижтимоийлаштириш тенденциясини инкор этди. Буларнинг барчаси, ўтган асрнинг 20-30- йилларида адабиётга мафкуравий-синфий ёндошиши жихатидан аксар янги авлод вакилларига хос бўлган нуқсонлардан тамомила ҳоли бўлмаган инсоннинг бадий асарни нозик ҳис қила билганлигини кўрсатади. Демак, Бахтиёр Назаровнинг Fafur Fулом ҳажвий асарлари илк назарий асосларини унинг ўша йиллардаги адабий-эстетик қарашларидан келтириб чиқариши гоятда асослидир.

Зеро, “сўз кулгиси” ва “маъно кулгиси” мутаносиблигини таъминлашта интилган Fafur Fулом ўз назарий қарашларидан адабиётнинг шакл ва мазмун масалаларига аҳамият қаратган эди. “Назариёт билан амалиёт унга кўш канот бўлди”, - деб ёзган олим

(151-бет) Faфур Fулом назарий жиҳатдан етиб келган фикр-хулосаларини ҳажвий асарларида амалий жиҳатдан-да тасдиклаганигини назарда тутади. Бинобарин, ўша даврдаги Faфур Fуломнинг назарий карашлари киммати бадиий асарларидан зинҳор кам эмас. Сатирик-юморист адиллар олдига Faфур Fулом тамонидан қўйилган аксар талаблар ҳозирги кунда ҳам ўз кимматини йўқотмаган. Бахтиёр Назаров унинг адабий танкидий мақолаларини ҳам тафаккур услуби, образли ифодалари, шунингдек топкирлик, донишмандлик, ҳазил-мутойибага чанқоқлик каби шахсий феъл-сифатлари билан уйғунилдида олиб қарайди. Айрим-айрим мақолаларида мавжуд бўлган таркоқ фикрларини бир ипга тизиб чиқар экан, Faфур Fуломнинг адабий-эстетик тафаккурида ижтимоийликдан чинакам санъат моҳиятини англаш сари кучли силжиш мавжуд эканлигини белгилайди.

Адабий меросга эътибор, классиклардан ўрганишни ёқлаш каби масалаларда Faфур Fулом ворислик категориясининг моҳиятидан келиб чиқади. Бугунги замондошимиз учун акдемик Faфур Fуломнинг ўrnak бўлиши мумкин бўлган фазилатларидан бири иктидорларни кашф этиши, уларга самимият, талабчанлик ва бағрикенглик билан муносабатда бўлишидир. Faфур Fулом 30 - йиллаорда ҳам ўзбек танқидчилигидаги мавжуд вазиятнинг ўнгланиши йўлида жонфидолик кўрсата олган. У адабиётнинг юксалишини етук адабий танқид билан боғлайди. Ҳаётни теран идрок этиб, бадиий гўзалликка айлантириш талабларини кун тартибига кўяди. Faфур Fуломнинг мақолалари адабиётшунослик тараққиётига таъсир этиши даражасидан келиб чиккан мунакқид уни адабиёт тарихи ва адабий жараённинг катта билимдони сифатида қадрлайди. Рисолада Faфур Fулом бадиий-публицистик услугига хос бўлган кўплаб хусусиятлар ҳам аниқланган. Бахтиёр Назаровнинг Faфур Fуломни Абдулла Қодирий каторида турган, Абдулла Қаҳхор эътирофига сазовор бўлган етук адабиётшунос сифатида ардоқдлашида ҳам заррача муболаға унсурлари йўқ. Бунга амин бўлмок учун Faфур Fулом кулгининг: “чакалоқ кулгиси”, “латифа кулгиси”, “қитик кулгиси”, “кувонч кулгиси”, “юпанч кулгиси”, “беззор кулги”, “захарханда”, “беодоб кулги”, “сило кулги”, “аския кулги”, “ҳазил аралаш қувонч кулгиси” каби турларини бир-биридан ғоятда нозик ажраттанлиги фактини келтиришнинг ўзиёқ етарли бўлса керак.

“Faafur Fуломнинг айрим тарихий фикр-мулоҳазаларини ўкиб, уларни шоир киши ёзаётганини унутасиз... шоирнинг қомусий билим эгаси бўлганига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз”, - деб ёзади Бахтиёр Назаров (157-бет) Faafur Fулом мозийнинг чукур билимдони - қомусий олим эканлигини келтириб чиқариш учун мунаққид даставвал, унинг мақола, очерк ва сұхбатларида учровчи “курок” маълумотларни имкон қадар жипслаштиради. Сўнгра, академик Faafur Fуломнинг илмий-назарий манбаларни киёсий таҳлил этиб, улкан хуносалар чиқара олганлигини конкрет фактлар асосида далиллайди. Энг кичик деталь ва тафсилотлардан тортиб, бирламчи манбааларгача кузатганлиги, мамлакатимизнинг қадимги даврлари тарихини теран ўрганиб умумлаштира олганлигини келтириб чиқаради. Зеро, Faafur Fулом ҳамиша жаҳоннинг энг илғор олимлари фикр-каравшларига нисбатан хайриҳоҳ позицияда турган эди. Ўзбек ҳалқи ва давлатчилиги тарихини бузиб талқин этувчиларга қарши ҳақиқий тарихимизни имкон қадар тиклаш ишига фидойилик билан бел боғлаган Faafur Fулом аслида ҳалқнинг миллий ғурурини уйғотиш мақсадини кўзлаганлиги шубҳасиз. Демак, Faafur Fуломнинг фавқулодда билимдонлиги ҳақида айрим замондошлари тамонидан билдирилган фикрлар ўзининг реал асосларига эгадир.

Рисолада Faafur Fулом ўйларини банд этган оиласа бўлган сабрсиз соғинч, завол билмас меҳр, бу шахс феълини кўрсатувчи тўғри сўзлик, очик кўнгиллик, муҳаббат илинжининг порлок саҳифаларини муҳрлаган сатрларни ҳам Бахтиёр Назаров унинг мактублари, шеърлари, айрим публицистик мақола ва табрикномаларидан, шунингдек шоир ҳақидаги хотиралардан излаб топиб, алоҳида ихлос, ҳавас ва ҳайрат билан ёритади. Китобда Faafur Fулом интим ҳаётини акс эттирувчи поэтик икрорномалардаги образлар ижодкор маҳорати, самимияти нуктаи назаридан баҳоланади. Натижада, жаҳоннинг улут шоирлари, жумладан Faafur Fулом учун ҳам хос бўлган ажиб бир конуният кашф этилади. Адабиёт уммонида юзага келувчи юксак маҳобатли барча асарлар аслида муаллифлар шахсий-интим ҳаёти, табиати, феъл-авторига даҳликор ҳодисалар, хиссиёт- кечинмалар уругндан униб чиқар экан. Бундай типдаги асарларда шоир қалибидаги бетимсол меҳр бўй кўрсатгани ҳолда, моддийлаштган сатрларнинг аниқ адресга йўналтирилгани, қаҳрамонларининг тарихий конкретлиги, асарга қаламга олинган макон ва замонининг

хужжатли асосга эгалиги, фабула ва сюжет чизигидаги ходисаларнинг воқеийлигига карамасдан, Бахтиёр Назаров уларда акс эттан Faфур Fулом юраги садоларининг миллионлар кўнглига вобаста эканлигини кўрсатиб бера олади.

“Faфур Fулом, - деб ёзди олим , - шеър билан яшаган, шеър билан нафас олган”. (171-бет) Демак, Faфур Fуломнинг катта микёсларга чиқувчи гуманизми учкур канотлари дастлабки кучни, кувватни шоир умрининг ажралмас ва мухим кисми бўлган оилавий муҳитдан, моҳиятдан олади. Faфур Fуломни ана шундай кенг микёсларда кузатиш унинг ижодкор ва шахс сифатидаги киёфасини янада ёркинроқ намоён этиш имконини берган. Академик Бахтиёр Назаров Faфур Fуломнинг наинки ижодий мероси, балки меҳрибон феъл-автори – калб оламига кириб, инсоний киёфасини атрофлича кашф этади.

Умуман, рисолада F.Fулом шеърияти ва насли, адабиётшунос ва тарихчи сифатидаги илмий-назарий қарашларигина эмас, балки ижодий феномени чўнг ихлос, ҳавас ва ҳайрат билан, ижодкор микрооламига кечинмадошлиқ асосида эстетик ўзлаштирилади. Академик олимнинг диккат марказида Faфур Fулом ижодий меросини умумбашарий мезонлар асосида илмий-назарий тахлил ва тадқиқ этиш асносида, умуман XX аср ўзбек адабиёти поэтикасининг айrim ноаён кирраларини ҳам ёритиш туради. Тадқиқотнинг бутун асоси, етакчи йўналиши ва моҳиятини истиқлол орзу-армонлари мухрланган шоир дил изҳорларини матн тагмазмунидан ўқиши ва укиш, гафурона яширин услугуб асрорини очиш ташкил этади. Олимнинг таҳайюлга тўйинган гипотетик мулоҳаза ва фикр-хулосалари китобхонни доимо мушоҳадага чорлаб туради.

Миллатнинг ҳассос олими

Бахтиёр Назаровнинг ҳаммуаллифликда ёзилган “Миллатнинг ҳассос олими” рисоласида¹ ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бўён ўзбек адабиёти ва танқидчилиги ривожига муносиб улуш қўшиб келаётган йирик олим, филология фанлари доктори, профессор, Беруний номидаги Республика давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон республикаси фан арбоби Наим Каримовнинг ҳаёт

¹ Назаров Б., Ахмедова Ш. Миллатнинг ҳассос олими., (Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Наим Каримов сийосига чизғылар) - Т.: Фан, 2011.

йўли ва илмий фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинади. Таъкидлаш ўринлики, айрим устоз адабиётшунослар ижодига бағишиланган ишлар: Ҳ.Ёкубов (Б.Имомов), О.Шарафиддинов (А.Расулов), М.Қўшжонов (Ў.Ўтаев) шунингдек, турли йилларда юзага келган Н.Каримов ҳёти ва имий-эстетик ижоди муайян қирраларини акс эттирувчи изланишлар мавжуд эди. Бундай тадқиқотлар Н.Каримов ижодига умумлаштирилган ҳолда назар ташлаш натижаси сифатида яратилган “Миллатнинг ҳассос олими” рисоласи юзага келишида муҳим қиммат касб этган.

Мазкур китобда Н.Каримов дунёкараши, маслаги, ҳаётий позицияси, билимларининг кўлами ва қизиқишлари, бетакрор хулк-автори, маънавий юксаклиги, касбий маҳоратининг такомиллашиб бориши жиҳатидан алоҳида кузатилади. Чунки Н.Каримов жонли бир вужуд, нозик дидли, атрофни нафосатли англагувучи ижодкор инсон сифатида бутун бир соҳа ёхуд унинг улкан бир даври ҳакида атрофлича тасаввур бера олувчи ноёб мутахассислар сирасига киради. Қолаверса, унинг хис-туйғу ва кайфиятлари, рухияти ҳамиша эмоционал ҳолатига мутаносиб бўлиб келмоқда. Адабиётшуноснинг ҳассос қалби ботинига имкон қадар теранрок кириб бориш муаллифларнинг бирламчи мақсади даражасига кўтарилиган. Чунки асарга объект қилиб олинган инсон ғоятда соддадил ва айни пайтда, ўта билимдон шахс. У гўзалликдан фавқулодда завқлана олади. Тахайюлида туйилган фикрларини нозик хиссийт пардасига ўраб ифода этиш салоҳиятига эга. Ниҳоятда сезгир ва таъсиричан қалб соҳиби. Нарса-ходисалар моҳиятини тез ва тўғри хис этишга кодир, ўткир зеҳили фаол олим, заҳматкаш мантншунос, кузатувчан мунаққид, беназир адиб, беҳаловат публицист, моҳир драматургдир.

Шубҳасиз, Н.Каримовнинг эстетик идроки у яшаб қалам тебратган макон ва замон, ижтимоий-сиёсий ҳаёт таъсиридан ташқарида англаниши мумкин эмасди. Зотан, файласуфлар тушунтиришича, ижодкорнинг идрок кишини, адабий ҳодисаларни баҳолаш жараённида унинг ноёб гайриодатий ҳолатлари яъни

феномени фаол қатнашар экан.¹ Рисолага Сўзбоши ёзган олим ва адиб Х.Дўстмуҳаммад буни тўғри англаб, ҳакли эътироф этганидай: “... бундай мартабага кимнингдир хоҳиш-истаги билан ёки маҳсус саъӣ-ҳаракат ёрдамида эришиб бўлмайди, балки у - инсонга тақдирнинг ажиб бир инояти сифатида насиб этади.”²

Дарҳакиқат, ижод табиатида илохийлик мавжудлиги боис салоҳиятли қалам соҳиблари бўлмиш улуғ ижодкорларда истиқболни олдиндан кўриш, ҳис этиш яъни илми ғайбдан боҳабарлик ҳам муайян даражада тараққий этган бўлади. Н.Каримов олим сифатида етилган ва камол топган даврларда унинг идроки англанган ҳақиқатлардан тўйингани учун олим феномени барқарор шаклда намоён бўлиб келмоқда. Албатта, бир тирик вужуд сифатида Н.Ф.Каримов ҳам баъзан андак янглишган, эҳтимол айрим адашишларга йўл қўйган, муайян нарсалар жозибасига маҳлиё бўлган. Шу маънода, олимнинг серқамров ва серқўлам мулоҳазалари айрим жиҳатлари билан рисола муаллифлари сингари bemalol баҳсга киришиш мумкин. Илло, замонавий ўзбек адабиёти бир асрдан зиёд муддатда босиб ўтган мураккаб, ғоят турфа воқеаларга бой йўлнинг ўзи турли ракурслардан ёндашишни тақозо этиши бундай баҳслар мутлақо табиий жараён эканини кўрсатади. Аммо юқоридаги каби ҳоллар бу зиёли инсон ибратли шахсияти, илмий-ижодий ва маърифий фаолият кўлами, миқёси, қамрови ҳақидаги ушбу мухтасар илмий-назарий ҳамда бадиий-эстетик ҳақиқатларга соя олмайди. У ўз изланишларида:

- XX аср ўзбек адабий воқелигига хос кўплаб йўналишларни камраб олди;

- А.С.Пушкин, М.Беҳбудий, Чўлпон, Ҳамза, У.Носир, Ҳ.Олимжон, Ойбек, М.Шайхзода, А.Қаҳҳор сингари атокли адабий сиймолар ижодини холисона тадқиқ этди;

¹ Фалсафه Қомусий лугат. “Ўзбекистон файлсузларни милий жамияти нашриёти”, “ШАРҚ” ИМАК Бош таҳтирияти, Тошкент, 2004. Б: 144.

² Дўстмуҳаммад Х. Тақдирпизит ишб ишояти. / Назаров Б., Ахмадова Ш. Миллатпигъ ҳассос олимп., - Т.: Фап, 2011. – Б.3.

- баҳс-мунозарали ҳолатлар, шаклланган нотўғри тасаввурларга маънавий жасорат билан аниқлик киритиш орқали кўплаб ноаникликларни дадил бартараф этди;
- ўтган аср миллий адабиётимиз панорамасини яхлит ва фундаментал тарзда яратишга астойдил харакат қилди;
- носир ва драматургнинг Навоий сиймоси яратилган музикали драмаси, шунингдек Чўлпон, У.Носир, М.Шайхзода ҳақидаги маърифий ва маърифий-биографик романлари юзага келди;
- Ойбек, Ҳ.Олимжон мукаммал асарлари нашрини тайёрлаш йўлида мислсиз заҳмат чекди. Бирламчи хужжатларни беҳад сабртоқат, сабот-матонат билан синчиклаб ўрганди. Тарихий-адабий фактларни киёслаб, нуктадонлик билан таҳлил қилди;
- кўплаб ёш илмий кадрларга раҳбарлик қилди;
- XX аср ҳамда мустақиллик даври ижтимоий ва адабий ҳаётининг фаол иштирокчиси сифатида адабиётшунослигимизнинг турли авлодига мансуб: О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Ш.Турдиев, П.Шермуҳаммедов, Б.Назаров, Н.Рахимжонов, С.Мирзаев, С.Содиков, О.Сафаров, И.Тўлаков, Б.Йўлдошев, А.Сабирдинов, Р.Тожибоев, Ш.Аҳмедова сингари вакиллари ва кенг китобхонлар эътибор ҳамда эътирофига сазовор бўлди. Ҳаммуалифлик асосида умумтаълим тизими ўрта мактаблари учун “Ўзбек адабиёти” ва Олий таълим муассасалари учун “XX аср ўзбек адабиёти тарихи” дарсликларини яратди ва ҳоказо.

Аёнки, Н.Каримовни дунёга келтирган, танглайнини кўтарган, камолга етказган оиласи ҳамда ижтимоий-адабий мухит таъсири, унинг кизиқишлиар доираси кенгликлари ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлмасдан юқоридаги каби улкан хирмон ҳақида атрофлича фикрлаш мумкин эмас.Шунинг учун Б.Назаров ва Ш.Аҳмедовалар Н.Каримов илмий-ижодий феноменини нафақат генетик, балки ижтимоий-адабий омиллар асосида ҳам ўрганишган. Сўнгра унинг адабиётшунослик, матншунослик, мунакқиллик, эссеинавислик ва методология муаммоларига доир энг йирик асарларини алоҳида-алоҳида тадқик этишган.

Олий таълим тизимида дарсликларнинг янги авлоди

Фидойи устоз, адабиётимиз жонкуяри академик Бахтиёр Назаров адабиётшуносликнинг қийин соҳаси бўлмиш адабий танқидни танлади. Шу маънода, адабиётшуносликнинг узвий қисми бўлган адабий танқидни ўрганиш олимнинг бадиий адабиётни теранроқ англаши ва англатишига назарий-методологик асос бўлди. Зотан, ижодий жараённи ҳаракатта келтирувчи куч, унинг асосий бунёдкори – бу ёзувчи, шоир ва драматурглардир. Чинакам адабиётшунос таҳлил орқали улар ижодий кредитосини аниклайди, фаолиятига баҳо беради ва битикларини саралайди. Шу маънода, Б.Назаровнинг Олий таълим тизими учун яратилиши лозим бўлган дарсликларнинг муаллифи сифатидаги фаолияти ҳам таҳсинга лойикдир. Жумладан, у мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида юзага келган “ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи” (1999) ҳамда Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигининг муборак йигирма биринчи йиллигини каршилаши арафасида яратилган “Ўзбек адабий танқиди тарихи” дарсликлари ҳаммуаллифидир. Бинобарин, олий таълим тизимида дарсликларнинг янги авлодини яратишнинг фидойиларидан биридир.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида изчил амалга оширилаётган янгиланиш ва тозариш жараёнлари барча соҳалар сингари Олий таълим тизимида ҳам тобора теранлашиб бормокда. Хусусан, адабиёт ўқитишини янгилаш, дарсликларнинг янги авлодини яратиш борасида ҳам сезиларли ютуқлар кўлга киритилмокда. Жумладан, “Тафаккур қаноти” нашриётида университетларнинг ўзбек филологияси ва педагогика институтлари ўзбек тили ва адабиёти йўналиши учун “Ўзбек адабий танқиди тарихи” дарслигининг чоп этилиши ана шундай эзгу ишлардан бири бўлди. Мазкур дарслик муаллифлари: академик Бахтиёр Назаров (ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти), профессор Абдуғафур Расулов (Ўзбекистон Миллий университети), филология фанлари

докторлари Курдош Қаҳрамонов (Тошкент давлат педагогика университети) ҳамда Шоира Аҳмедова (Бухоро давлат университети) республикамиз йирик илм фан ва олий таълим масканларининг нуфузли олимлари бўлишди.

Дарслик композицион курилиши жиҳатидан тўртта бўлимдан иборат. Дастрлабки бўлим фанга кириш бўлиб, унда санъат ва фан синтезидан таркиб топиб, бадиий адабиёт муаммолари хусусида мулоҳаза билдириш ва фикр юритиш йўсими бўлган “Адабий танқид”нинг лугавий ҳамда истилохий маънолари, илмда ўзига хос ҳодиса сифатида намоён бўлиши ва фан сифатида шаклланиб ривож топиш тарихи, специфик хусусиятлари, ижтимоий эстетик моҳияти, мақсад ва вазифалари батафсил ёритилади.

Иккинчи бўлим “Ўзбек адабий танқидининг шаклланиш ва тараққиёт босқичлари” деб номланган бўлиб, 1900-1990 йиллар адабий танқидчилиги иккита катта даврга ажратиб ўрганилади:

1. Ўзбек адабий танқидчилигининг пайдо бўлиши ва шаклланиш тамойиллари (1900- 1925) йиллар. Ушбу бўлимда Фитрат, Чўлпон, Вадуд Маҳмуд адабий танқидий карашлари ёритилади. Уларнинг профессионал адабиёт назариётчиси ва мунаққид сифатидаги ўзига хослиги, изланишларининг характерли жиҳатлари, дикқатини жалб этган муаммолар кўламига эътибор каратилади. Ўрни билан, танқиднинг шаклланишида матбуотнинг, хусусан Беҳбудий, Миён Бузрук Солихов, О.Шарафуддинов (Айн), А.Саъдий каби ўша давр ижтимоий-сиёсий, адабий ҳаётида фаол иштирок этган зиёлиларнинг адабий-бадиий тафаккур тараққиётига таъсири масалалари ўрганилади. Ўша давр адабий танқидидаги жанрий изланишларга муносабат билдирилади.

2. Ўзбек адабий танқидчилиги мафкуравийлаштирилиш ва реализм учун кураш жараёнида (1927-1990 йиллар): Ўз навбатида ушбу йиллар танқидий тафаккури (30- йиллар; иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йиллар; 60-90- йиллар ҳамда истиқлол арафаси каби) учта даврга ажратиб ўрганилади.

а) 30-йиллар адабий танқиди хусусида сўз кетар экан, адабиётнинг мафкуралаштирилиш жараёnlари аслида, адабий

сиёсатдан бошланиб, ижод жараёнига сунъий кўчирилганлигига дикқат қаратилади. Шу жиҳатдан, ўзбек адабий танқидчилиги тамойиллари собиқ иттифоқ адабий жараёнида кечган ходисаларга ҳамоҳанглик фонида кузатилади. Давр танқидчилигининг айрим нуксонлари билан бир каторда, А.Қодирийнинг “Обид кетмон”, А.Қаҳхорнинг “Сароб” сингари асарлари тадқики ва талқини асносида у жиддий синовларни бошидан кечирганлиги, шунингдек, шакл ва мазмун, услугуб ва индивидуаллик, характер ва шароит сингари омиллар диалектик бирлигини тўғри талқин этиш, болалар адабиётига эътибор қаратиш каби ютукларни кўлга киритганлиги холис баҳоланади. С.Хусайн, О.Хошим сингари кўзга кўринган мунаққидларнинг ўша босқич ўзбек маданияти ва адабиётшунослик илмини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ фаолияти, ўзига хос ўрни ҳақконий тахлил этилади. Улар адабий танқидий асарларини баҳолаш орқали танқиднинг маданий мерос ва адабий жараёнга муносабати, шунингдек “Ўткан кунлар” типидаги романлар талқинидаги позицияси ойдинлаштирилади.

б) Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда адабий танқиднинг мазмун моҳияти ўша йилларда бадиий адабиётнинг мавзу доирасини белгилаб берган Ўзбекистонда кечган ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маданий, маънавий ва маърифий ҳаёт оқими билан узвий боғлиқликда тахлил этилади. Зотан, республикада адабиётшунослик фани ривожи жадалашувига таъсир кўрсатган ички ва ташки омилларга дикқат қаратмасдан, мазкур давр адабиётининг умумий рухи, қамров миқёслари, мавзу кўлами ортиши, жанрлар таркиби, образлар тизимига хос ўзгариш ва янгиланишлар, ушбу жараёнга адабий танқиднинг таъсири ҳакида тўлароқ тасаввур бериш мумкин эмас. Таъкидлаш ўринлики, М.Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди” драмаси, Ойбекнинг “Навоий” романи юзага келиши билан бошланган кенг муҳокамалар жараёнида миллий адабий танқидий тафаккур ҳам ривож топди.

Аммо, ўтган асрнинг 50-йилларидан эътиборан адабиёт майдонида партиявийлик ва гоявийлик талабларининг ўта

сўллашуви, миллатчиликнинг янги аломатларини излаш, яъни катоғон машинасининг иккинчи тўлқини таъсири кузатилди. Бу хол адабий танқидни ҳам четлаб ўтмади. Танқидда тадқиқотларни давр руҳига мослаштириш, зўрма-зўраки “фош” этиш, бирёкламалик, ҳатто мутлақо асоссиз фикрларни илгари сурис каби нохуш ҳоллар кузатилди. Бадиий асарлар пафоси, гоявий мазмуни, ҳозиржавоблиги нуқтаи назаридан баҳоланди. Адабий тақриз фаоллашиб, уруш йиллари танқидчилигига муаммоли маколалар, умумлаштирувчи тадқиқотлар нисбатан камайди. Албатта, бундай камчиликлар секин-аста, 50-йилларнинг иккинчи ярми ва асосан, 60-йилларга келиб бартараф этилди.

Урушдан кейинги даврда тасвир обьекти сифатида реал воқеликка қаттиқ боғланишга йўналтирилган бадиий адабиёт тарихий мавзуларни четлаб ўтишга мажбур бўлди. Шахсга сигиниш оқибатлари фош этилгачгина мазмун ва ғоя устуворлиги, образлар оламидаги ижтимоий-сиёсий ташвиқийлик ва баландпарвозлик руҳи устувор “асар” ларни рағбатлантиришга барҳам берилди. Мумтоз меросимизни атрофлича ўрганиш, тарихий шахслар ва тарихий мавзу поэтик тадқиқига эътибор ортди. Адабий биографик очерк, умумлаштирувчи (обзор) мақола ва тадқиқотлар яратилди. Адабий танқидчилик профессионал малакасини ошириш йўлида изланишлар йўлига чиқиб олди. Дарсликда мазкур жараёнлар Ҳ.Абдусаматов, Л.Қаюмов сингари мунаккидлар фаолияти мисолида замонавийлик, гоявийлик, бадиийлик, бадиий конфликт, қаҳрамон, типиклик муаммолари билан боғликлиқда кенг тарзда ёритилади.

в) XX асрнинг 60-90- йиллари танқидчилигининг ўзига хос хусусиятлари. Истиклол шабадалари ва адабий танқид. Ушбу бўлимда асосан, Ойбек, И.Султон, Ҳ.Ёқубов, М.Қўшжонов, С.Мамажонов, Н.Худойберганов, И.Ғафуров сингари адабиётшунос ва мунаккидлар фаолиятига кенг тўхтаб ўтилган.

Маълумки, истиклолгача бўлган етмиш беъш йиллик улкан тарихий даврда бадиий адабиёт ва адабий танқид ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг ўзига хос бадиий инъикосига айланиб, асосан,

мафкуравий курол вазифасини ўтади. Аммо ўтган асрнинг 60-йилларида юзага келган “нисбий эркинлик”, 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган “қайта куриш ва ошкоралик” сингари даврларда адабиёт ва санъат оламига янги кучларнинг келиб кўшилиши бадиий адабиёт ички қонуниятларини тўғри идрок этиш имконларини ҳам бера бошлаган эди. Дарҳақикат, истеъоддларнинг миллий заминда туриб, жаҳон адабий-эстетик тафаккури умумбашарий йўналишларида кечаётган жараёнларни ўзлаштириши, уларга ижодий ёндашуви сиёсий-мафкуравий зўравонлик қолиплари доирасини ёриб чиқишига йўл очди.

ХХ асрнинг 60-90-йилларида реализм учун кураш бир нафас ҳам тўхтамади. Етук бадиий асарлар юзага келди. Бадиий масхорат юксала бориб, янги типдаги китобхон ҳам ўсиб, ўзгариб, шаклланиб борди. Танқидчилар нафақат услугуб ва маҳорат, балки назарий жихатдан-да ўсиб, адабий жараёнга фаол ва изчил муносабат билдиришга уриниши. Айтиш мумкинки, адабий танқидда ўзига хос бир кўтарилиш намоён бўлди. Жумладан, тур ва жанрларнинг тараққиёт йўлларини тадқиқ этувчи тадқиқотлар юзага келди. Кўплаб адабий-ижодий портретлар яратилди. Тарихийлик ва замонавийлик, анъана ва маҳорат масалалари фаол ўрганилди. Дунё адабий-танқидий тажрибалари тъсирида илмий-эстетик таҳлил теранлашди. Лирика ва лирик қаҳрамон муаммоларига бағишланган кизгин баҳслар бўлиб ўтди. Эстетик талабчанлик ортиб борди.

Шубҳасиз, бундай ижобий ҳодисалар ҳаётни пардозлаб тасвиrlаш, адабий асарни кундалик сиёсат нуктаи назаридан таҳлил қилиш иллатларидан кутула борган адабий танқиднинг адабий жараёнга тъсири билан ҳам боғлиқдир. Албатта, адабий танқидчилик ғоявий-сиёсий ёндашув, офаринбозлик, схематизм, социологик таҳлил ва мавзу долзарблигига эътибор беришдан буткул кутула олмади. Жанрлар ранг-баранглиги, адабиёт ва танқид назарияси муаммоларига нисбатан камроқ аҳамият қаратди. Аммо унинг табиатида қатор сифат ўзгаришлари юзага келди. Жумладан, адабий танқид бадиий яратиқ бағрига ижодкор қалб призмаси

орқали кириб бориш сари юз бурди. Яратилган асарларни бадиияти, тили, санъаткор маҳорати нуктаи назаридан эстетик таҳлил қилишға ўта бошлади. Муаммоли мақола ҳамда фундаментал ҳарактердаги тадқиқотлар юзага келди. Адабий алоқалар ва адабий таъсир масалалари, фольклор ва адабий жараён муносабатлари таҳлилига эътибор ортди. Буларнинг барчаси, у маҳорат сирларини эгаллаётганлигининг ёрқин нишоналари эди.

Эндиликда мунаққид адабий санитарлик, шархловчиликдан мутафаккир ва ёзувчи, талқин қилувчи ва баҳоловчига айланди. Наср, шеърият, драматургия, болалар адабиёти, публицистика, таржимашунослик, танқидчилик тарихи сингари қатор соҳалар кенг ривожланди. Конфликт, композиция, бадиий асар тили, услуб, ижодий метод сингари муаммолар атрофида бўлиб ўтган қизғин баҳслар илмий теранлик касб эта борди. Тарихий-биографик очерк, адабий портрет сингари жанрлар ривож топди. Илмий-фантастик асарлар танқидчилити юзага келди. Адабий танқидий асарлар хорижий тилларда нашр этилдигина эмас, балки ўзбек адабиёти ҳам жаҳон адабиёти аспектида ўрганила бошлади. Дарсликда мазкур жараёнлар умумлаштирувчи мавзулар билан бир қаторда танқидда мунаққиднинг ўрни масаласи билан чамбарчас боғликларда С.Мирвалиев, Н.Шукуров, С.Алиев, П.Шермуҳаммедов, Б.Саримсоқов, А.Каттабеков адабий танқидий фаолиятлари мисолида батафсил ёритилган.

Дарсликнинг “Истиқлол даври ўзбек адабий танқидчилиги” (XX асрнинг 90- йилларидан XXI аср бошлари) деб номланувчи учинчи бўлимида мафкура тушовларидан кутулиб, эркин ижод йўлига ўтган адабий танқид тарихи хусусан, мумтоз адабиёт ва унинг ёрқин сиймолари ижодини ўрганиш, шўро босқичи адабиёти намуналарини қайта баҳолаш, қатағон этилган адилларга муносабат, янгиланаётган методология масалалари, таҳлил ва талқин (адабий матнни ўкиш, ўзлаштириш) йўсингиларига эътиборнинг ортиши каби кўплаб муаммолар миллий гоя ва умумбашарий мезонлар нуктаи назаридан ёритилади. Бунда О.Шарафиддинов, Н.Каримов, У.Норматов, Б.Назаров, А.Расулов,

И.Ҳакқул адабиётшунослик ва адабий танқидчилик фаолияти атрофлича баён қилинади. Шунингдек, дарсликда С.Содик, Ҳ.Умурев, Н.Рахимжонов, Ҳ.Дўстмуҳаммад, Ш.Ризаев, Д.Куронов, У.Ҳамдам, Б.Каримов сингари давр адабий танқидий тафаккурида ўз ўрнига эга бўлган олимлар ҳаёти ва фаолиятига ҳам тўхтатланган.

Дарсликнинг сўнгти бўлими “Ўзбек адабий танқидининг жанрий таркиби” деб номланган. Мазкур бўлимда эстетик тафаккур тараккиётининг турли даврларида юзага келган адабий танқидий асарлар ҳажми ва олдига кўйган вазифаларига кўра куйидаги уч гурухга бўлиб ўрганилади:

1. Ихчам ва ҳозиржавоб жанрлар: (такриз, обзор, муаммоли адабий-танқидий мақола)

2. Етакчи хусусиятларини тарихий-биографик ёндашув белгиловчи жанрлар: (танқидий-биографик очерк, адабий портрет, бадиа (эссе), монография)

3. Адабий мулокотта асосланган жанрлар: (адабий-танқидий мактуб ва адабий-танқидий сұхбат)

Таъкидлаш ўринлики, ҳар бир жанр ўз табиати, генезиси, эстетик тафаккур тараккиётидаги ўрнига кўра кенг ёритилади ва ички шаклларга ажратилади.

Дарсликнинг ўзига хос қатор характерли хусусиятлари мавжуд.

1. Маълумки, бир вақтлар дарсликларда баҳсталаб ўринлар бўлмаслиги лозим. Унда фақат илмий-адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилган ва оммавий тарзда ўз тасдигини топган қарашларнингина илгари суриш лозим деб қаралар эди. Бугунги кунда ҳам айрим олимларимиз худди шу нұктан назарни маъқуллашади. “Ўзбек адабий танқиди тарихи” муаллифлари эса, масалага бирмунча бошқачарор ёндашадилар. Уларнинг фикрича, дарсликда мунозарали фикрлар баён қилиниши, баҳсли муаммолар ўртага ташланиши, уларга турли ракурслардан муносабат билдирилиши, айрим ҳолларда эса, муайян масала юзасидан иккى хил фикр айтилиши ва ҳатто айримлари очик қолдирилиши ҳам мумкин. Зотан, айни ҳолат талабаларда мустакил мушоҳада

малакасини уйғотиш ва ривожлантиришга муайян турткы беради. Уларни ижодий жараённи кечиништа даъват этади.

2. Дарсликда айрим мақола, тадқиқот ёхуд монография хусусида сўз кетар экан, у ҳақдаги фикр-мулоҳазалар дастлаб обзор характеридаги қисмларда, сўнгра эса адабий портретга доир ўринларда берилади. Зоҳиран қаралганида, бу такрор ёхуд қайтарикка ўхшаб кўринади. Аммо дарслик муаллифлари бундай йўл тутишдан қуидаги мақсадларни назарда тутишган:

Биринчидан, таҳлилга тортилаётган ишнинг адабий-танқидий жараёндаги ўрнини белгилаш; Иккинчидан, унинг мунаққид ижодий фаолиятидаги аҳамиятини кўрсатиш; Учинчидан, муаллиф ва талабалар томонидан бу ишларнинг ўзлаштирилишида мустақил мушоҳадаларни уйғотиш ҳамда уларни қайта назардан ўтказиш орқали тасаввур ва тафаккурдаги ўрнини мустаҳкамлаш.

Кўринадики, сўз юритилаётган дарсликда ўзбек адабий танқидининг фан ва санъат уйғунлигидан иборат ҳодиса эканлиги, миллий адабий-танқидий тафаккурнинг уйғониши, шаклланиши ва ривожланиш тарихи, ўзига хос тараққиёт босқичлари бой фактик материаллар ҳамда жаҳон адабий-эстетик тафаккурида кечаетган жараёнларга ҳамоҳанглик асосида теран ёритилган. Танқидчилигимизнинг ёркин намояндлари илмий танқидий фаолиятлари, адабий танқид жанрлари ҳакида кенг кўламли маълумотлар берилган. Таъкидлаш ўринлики, ҳар бир мавзу маҳсус режа, мустаҳкамловчи саволлар, таянч тушунчалар ва мустақил ўқиш учун тавсия этилган адабиётлар рўйхати каби методик кўрсатмалар билан таъминланган.

Устоз олимларимиз кўп йиллик илмий-ижодий изланишлари, методик ва методологик тавсиялари асосида юзага келган мазкур тадқиқот XX аср ўзбек адабий танқиди тарихини истиклол мағкураси асосида яхлит бир тизим сифатида ўрганувчи ўз вактида яратилган гоятда зарур дарслик экани, йиллар ўтган сари янада аён бўлмоқда. Илло, ундан нафақат таъзаба ва магистрлар, балки катта илмий ходим-изланувчилар, кенг ўқитувчилар жамоаси, адабиёт ва санъат муhibблари ҳам баҳраманд бўлишмоқда.

ХУЛОСА

“Уммон бағридаги жавохирлар ҳисобига етиб бўлмаганидек, истеъодли шахсларни ҳам тўла англаш амри маҳол. Вакт ўтиши билан уларнинг янги қирралари кашф этилаверади”, - деган эди Бахтиёр Назаров журналистлардан бири билан сұхбат асносида. Ёргуликнинг кадри олис-олисларни ҳам чароғон этганилиги, ҳарорат олиб борганлиги, офтобнинг умрини узайтирганлиги билан файзли. Академик Бахтиёр Назаровнинг ижодий ниятлари булоқдек жўш уриб кайнаб чиқаётганга ўхшайди¹.

Мунаққид ҳақли эътироф этганидай, “Ёзувчи маҳоратини белгилайдиган омиллар кўп. Ҳар бир ёзувчидаги ёки бу омиллар самаралирок тарзда рӯёбга чиқиши табиий.” Худди шунга ўхшаб, танқидчиларнинг ҳам маҳоратини турли ракурслардан кузатиш, ижодий-эстетик кредосини белгилаш мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, академик босиб ўтган катта ва ибратли йўлга бир курс назар ташлаш, ибратли хулосалар чиқаришга интилмаслик мумкин эмас.

Кузатишларимиз адабиётшунос, мунаққид, назариётчи ва методолог олимнинг ҳаёт ва ижод йўлини даврий тадриж, тараққиётига хос узвийлик негизида таҳлил ва тадқиқ қилишга асосланди. Биз олимни шакллантирган, унинг дилига умид, орзу-интилишларига қанот берган устоз-мураббийлар, унинг поэтик диди сув ичган тиник булоқлар, шошқин ирмоклар, жўшқин дарёлардан тортиб, фикрий-хиссий юксалишига турткى бўлган омилларгача қамраб олишга ҳаракат қилдик.

Мухими, инсон ва шахс сифатидаги Бахтиёр Назаров билан муаллим, ношир, олим, жамоат арбоби Бахтиёр Назаровни яхлитлиқда ўрганиш, бу фазилатларнинг бири иккинчисини тўлдириб, мустаҳкамлаб туришини илғашга интилдик. Унинг инсоний гўзал киёфаси, олимона синчков, нозик дидли ва чин маънода ўз касбига садоқатли адабиётшунос ва мунаққид, юртсевар, меҳрибон ҳамда бағрикент мураббий сифатидаги ижодий-эстетик қиёфасини жонлантиришга уриндик.

¹ Рахимжонов Н., Жўрасв М. Фаломиз захматкашлари // Ўзбек тили ва адабиётси, 1998.- № 2.- 6.74.

Энг катта эътибор академик Бахтиёр Назаровнинг илмий-ижодий изланишларида мустақиллик йилларида кузатилган янгиланишлар, давр интилишларига ҳамоҳанглик, ҳозиржавоблик, кўйинчакликка қаратилди. Зотан, мустақиллик даврига келиб, Ўзбекистон тарихи, шунингдек, унинг XX асрда босиб ўтган йўли, шунингдек адабиёт тарихлари ҳам холис илмий нуктаи назар асосида қайтадан ёзилди. Ўзбек ҳалқининг ҳақконий тарихи яратилди. Шубҳасиз, Бахтиёр Назаров ҳам ана шундай масъулиятни ўз ижодий йўсими, иқтидор ва салоҳияти, устозлари билан якин ҳамкорлиги негизида амалга оширишга камарбаста бўлган олим, фан ташкилотчиларидан биридир. Олимнинг кўп йиллик тинимсиз меҳнатлари муносиб қадр топди. Биринчи навбатда Ҳ.Ёқубов, И.Султон, М.Қўшжонов, С.Мамажонов, О.Шарафиддинов каби устозлар эътибори ва эътирофига сазовор бўлди. У қатағонлик даври курбонлари ижодини ўрганишга интилди. Ойбек, А.Қаҳхор, Ғ.Фулом, Ҳ.Олимжон, Зулфия, Миртемир шахсияти ва ижодий меросларини ардоклади, Шунингдек, Шукрулло, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ш.Холмирзаев, Р.Парфи, Ў.Хошимов, Ҳ.Даврон, Муҳаммад Али, С.Барноев, М.Юсуф ва бошқа ўнлаб ижодкорларга ҳамдам, ҳамнафас бўлди.

Олий таълим муассасаларини дарсликларнинг янги авлоди билан таъминлаш ишларига астойдил бош кўшди. Тил ва адабиёт институти мисолида кузатилганида ҳам, Б.Назаров юртимизда адабиётшунослик ва тилшунослик илми ривожига бош-қош, ўнлаб фидойи олимларга елқадош бўлди. Олим замонавий ва мумтоз адабиётимиз ҳамда шарқу гарб адабиётлари муаммоларини ўзбек адабиётининг “ҳазм” қилиш даражаси билан мустаҳкам алоқадорликда ўрганди. Ўзбек тили ва адабиёти, миллий тарихимиз ва маданиятимизнинг, қадриятларимизнинг минтақалар ҳамда китъалар оша кенг тарғиб қилинишига сезиларли улуш кўшиди.

Устоз олимга узоқ умр, янги ижодий ниятлар рўёби йўлнда улкан матонат тилаймиз.

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	4
1. Таникли олим, йирик фан ташкилотчиси.....	6
2. Олимнинг ҳаёт ва ижод йўли.....	13
3. XX аср ўзбек адабий танқидчилитги ривожида Бахтиёр Назаровнинг ўрни.....	18
4. Чин мунакқид саодати.....	23
5. Тақриздан ижодий портретгача.....	25
6. Адабий жараён меҳварида порлаган нур.....	30
7. Баҳри мухит ва минтақалар оша	32
8. Қодирийни “таниган” ва танитган олим.....	34
9. Faфур Гулом олами кенгликларида.....	38
10. Ўзбек шеърияти мунакқид нигоҳида...	42
11. Лирик ҳарорат ва эстетик таъсир.....	45
12. Болалар адабиёти ва ёшлар ижоди муаммолари.....	52
13. Болалар адабиётида янгича нафас.....	56
14. Ёш қалблар поэтик иқрорномаси.....	61
15. Улуғ орзулар қанотида.....	76
16. Ўзлаштириш эстетикаси: ижодкор микрооламита кечинмадошлиқ.....	77
17. Миллатнинг ҳассос олими.....	106
18. Олий таълим тизимида дарсликларнинг янги авлоди.....	109
Хуласа.....	117

**Обиджон КАРИМОВ,
Тозагул МАТЕҚУБОВА.**

ОЛИМНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА МАЊНАВИЙ САЛОҲИЯТИ

Масъул муҳаррир:

Техник муҳаррир:

Мусаҳҳих:

Муҳайёхон Ҳамидова

Иброҳим ЮСУПОВ

Моҳира ТОЖИБАЕВА

Теришга берилди 15.11.2016. Босишига рухсат этилди 15.01.2017 й.
Бичими 60x42 1/8, Ҳажми 7.50 босма табоқ.
Буюртма № 933.
Адади 200 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.



“НАМАНГАН” НАШРИЁТИ
Наманган шаҳри, Навоий кӯчаси, 36.
Нашриёт лицензия рақами АИ – 156
2009 йил 14 августда берилган.

“Заковат” нашриёт уйи МЧЖ босмахонасида
чоп этилди.

Наманган вилоят, Косонсой шаҳри, Чорбог кӯчаси, 17-уй.



«НАМАНГАН» НАШРИЁТЦИ